# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИК ТЎПЛАМИ

**15-16-сон (1139-1140) 2024 йил апрель**


*Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:*

*биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

## МУНДАРИЖА


*Биринчи бўлим*

125. «Республикаси билан Эрон Ислом Республикаси ўртасида маҳкумларни топшириш тўғрисидаги Шартномани (Теҳрон, 2023 йил 18 июнь) ратификация қилиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 17 апрелдаги ЎРҚ–924-сон Қонуни

126. «Ўзбекистон Республикаси билан Вьетнам Социалистик Республикаси ўртасида жиноий ишлар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги Шартномани (Ханой, 2022 йил 14 ноябрь) ратификация қилиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 17 апрелдаги ЎРҚ–925-сон Қонуни

*Иккинчи бўлим*

127. «Йўл хўжалиги соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари белгиланганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек,

баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 15 апрелдаги ПФ–64-сон Фармони

128. «Бино ва иншоотларнинг зилзилабардошлигини ошириш ҳамда сейсмик хавфни мониторинг қилиш фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 17 апрелдаги ПҚ–161-сон қарори

***Учинчи бўлим***

129. «Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳамда унинг тизимидаги ташкилотлар тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 17 апрелдаги 214-сон қарори

***Бешинчи бўлим***

130. Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирининг 2024 йил 13 мартдаги 2-сон «Автомобилда халқаро ташишда ҳайдовчиларнинг меҳнат ва дам олиш режимларини назорат қилиш учун фойдаланиладиган рақамли назорат қурилмаси карточкалари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»-ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи *(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 15 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2345-1)*

131. Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги директорининг 2024 йил 4 апрелдаги 38-сон «Қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларнинг ҳисоб регистри тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида«ги буйруғи *(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 16 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1919-9)*

132. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг 2024 йил 29 мартдаги 9-сон, Ички ишлар вазирлигининг 2024 йил 19 мартдаги 1-сон, Иқтисодиёт ва Молия вазирлигининг 2024 йил 20 мартдаги 116-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 31 майдаги 188-сон қарори билан тасдиқланган Ядро полигонларида ва бошқа радиация-ядро объектларида хизматни ўтаган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари рўйхатига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори *(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 16 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3511)*

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

## БИРИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

**125** **Ўзбекистон Республикаси билан Эрон Ислом Республикаси ўртасида маҳкумларни топшириш тўғрисидаги Шартномани (Теҳрон, 2023 йил 18 июнь) ратификация қилиш ҳақида***

Қонунчилик палатаси томонидан 2023 йил 24 октябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2024 йил 20 январда маъқулланган

Ўзбекистан Республикаси билан Эрон Ислом Республикаси ўртасида маҳкумларни топшириш тўғрисидаги Шартнома (Теҳрон, 2023 йил 18 июнь) ратификация қилинсин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2024 йил 17 апрель,
ЎРҚ–924-сон

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 18 апрелда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

# 126 Ўзбекистон Республикаси билан Вьетнам Социалистик Республикаси ўртасида жиноий ишлар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги Шартномани (Ханой, 2022 йил 14 ноябрь) ратификация қилиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан 2023 йил 24 октябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2024 йил 20 январда маъқулланган

Ўзбекистон Республикаси билан Вьетнам Социалистик Республикаси ўртасида жиноий ишлар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги Шартнома (Ханой, 2022 йил 14 ноябрь) ратификация қилинсин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2024 йил 17 апрель,
ЎРҚ–925-сон

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 18 апрелда эълон қилинган.

# ИККИНЧИ БЎЛИМ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

**127** **Йўл хўжалиги соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари белгиланганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида***

Йўл хўжалигини ислоҳ этиш, соҳани бошқаришнинг замонавий тизимини яратиш ва рақамлаштириш, соҳага хусусий сектор корхоналарини кенг жалб қилиш учун шароит яратиш, бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган ислоҳотларни жадаллаштириш ҳамда қонунчилик ҳужжатларини янги қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқлаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 1-иловага мувофиқ йўл хўжалиги соҳасига оид қонунчилик ҳужжатларини ўзаро мувофиқлаштиришни назарда тутувчи қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи ҳужжатлари 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2024 йил 15 апрель,
ПФ–64-сон

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 22 апрелда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2024 йил 15 апрелдаги
ПФ–64-сон Фармонига
1-ИЛОВА

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига киритилаётган қўшимча ва ўзгартиришлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси йўл хўжалиги тизимини чуқур ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5890-сон Фармонининг 5-банди қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Қўмита ўзи муассис бўлган ташкилотларнинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди».

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги «Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислоҳотлар тўғрисида»ги ПФ–101-сон Фармонига 7-илованинг «II. Транспорт соҳаси» бўлими 1 — 3-позициялари чиқариб ташлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги «Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–14-сон Фармонига 1-иловада:

а) «Вазирлик ва идора номи» позициясида:

«Жами бошқарув штат бирликлари сони» устунидаги «56 488» рақами «56 509» рақами билан алмаштирилсин;

«Давлат бюджети ҳисобидан» устунидаги «51 569» рақами «51 590» рақами билан алмаштирилсин;

б) «7. Транспорт вазирлиги» бўлимида:

«Автомобиль йўллари қўмитаси» позициясининг «Жами бошқарув штат бирликлари сони» ва «Давлат бюджети ҳисобидан» устунларидаги «332» рақами «353» рақами билан алмаштирилсин;

«шу жумладан раис ўринбосарлари сони» позициясининг «Жами бошқарув штат бирликлари сони» ва «Давлат бюджети ҳисобидан» устунларидаги «2» рақами «3» рақами билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 декабрдаги «Йўл соҳасини бошқариш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–4545-сон қарорида:

а) 2-банднинг бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«туман йўл-эксплуатация корхоналари, йўллардан мунтазам фойдаланиш корхоналари, «Автомобиль йўллари техник ҳолати таҳлили ва ҳаракат хавфсизлиги маркази» давлат муассасаси, «Ўзйўлкўприк» кластери ва унинг ҳудудий филиаллари ҳамда Қўмитанинг бошқа йўл-эксплуатация корхоналарини сақлаб туриш, шу жумладан ходимларининг лавозим маошларига қўшимчалар ва устамалар, мукофотлар белгиланган тартибда маҳсулот, ишлар, хизматларни реализация қилишдан, шунингдек, хўжалик фаолиятининг бош-

қа турларидан олинган даромадлардан (молиявий имкониятлардан) келиб чиққан ҳолда белгиланади»;

б) 6-бандда:

биринчи хатбошидаги «Молия вазирлиги» сўзлари «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «Молия вазирлиги» ва «бош молия бошқармалари» сўзлари тегишлича «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» ва «иқтисодиёт ва молия бошқармалари» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 7-банддаги «Молия вазирлиги» сўзлари «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги «Ўзбекистон — 2030» стратегиясини 2023 йилда сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–300-сон қарорига 2а-илованинг «2030 йилгача мақсадли кўрсаткич» устуни 75-позицияси «ва таъмирлаш» сўзлари билан тўлдирилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2024 йил 15 апрелдаги
ПФ–64-сон Фармонига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини йўқотган деб эътироф этилаётган баъзи ҳужжатлари**
**РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралдаги «Йўл хўжалигини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–4954-сон Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 июндаги «Алоҳида солиқ ва божхона имтиёзларини бекор қилиш тўғрисида»ги ПФ–6011-сон Фармонига 1-илованинг 14-банди.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 апрелдаги «Миллий қонунчилик базасини комплекс тизимлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–6218-сон Фармонига 2-илованинг 74-банди.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

## 128 Бино ва иншоотларнинг зилзилабардошлигини ошириш ҳамда сейсмик хавфни мониторинг қилиш фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Сўнгги йилларда дунёда талафотли зилзилалар сони ортиб, улар аҳоли ҳаёти ва мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий инфратузилмаларига жиддий таъсир кўрсатаётганлиги сабабли сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасини доимий такомиллаштириб бориш доирасида мавжуд ва қурилаётган бино-иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини таъминлаш, зилзилани прогнозлаш, мониторинг қилиш ҳамда унга тайёргарлик кўришда давлат органлари ва ташкилотларининг ўзаро алоқаларини кучайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Шу сабабли, сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасига замонавий ёндашувларни жорий қилиш, бино ва иншоотларнинг зилзилабардошлигини янада ошириш, кучли зилзилаларни прогноз қилишнинг янги усулларини ишлаб чиқиш ва уларга тайёргарлик кўришнинг замонавий тизимини яратиш мақсадида:

1. 2024 йил 1 июндан бошлаб:

МСК-64 шкаласи бўйича 8 ва ундан юқори баллик сейсмик фаол зоналарда янги қурилиши режалаштирилаётган 5 қаватдан юқори тиббиёт объектлари ҳамда 9 қаватдан юқори биноларни актив сейсмик ҳимоялаш қурилмалари, шу жумладан сейсмоизоляция ва демпфер ускуналари билан лойиҳалаш амалиёти йўлга қўйилсин;

актив сейсмик ҳимоялаш қурилмаларини ўрнатиш қурилиш ишларига масъул бўлган буюртмачи ташкилотлар томонидан молиялаштирилиши белгилансин.

Мазкур банднинг тўлиқ ва сўзсиз ижросини таъминлаш учун масъуллар этиб Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги (Б. Закиров), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари белгилансин.

2. 2024 йил 1 июлдан бошлаб:

янги қурилиши режалаштирилаётган хавфлилик омили III — IV тоифа бўлган объектларга бино ва иншоотларнинг юк кўтарувчи конструкцияларини автоматик мониторинг қилиш ускунасини ўрнатиш мажбурий этиб белгилансин;

бино ва иншоотларнинг юк кўтарувчи конструкцияларини автоматик мониторинг қилиш ускуналаридан олинадиган маълумотларнинг ягона базасини юритиш орқали мониторинг қилиш тартиби жорий этилсин.

Мазкур банд доирасида бино ва иншоотларнинг юк кўтарувчи конструкцияларини автоматик мониторинг қилиш ускуналари мажбурий ўрнатилишини назорат қилиш учун Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 18 апрелда эълон қилинган.

(Б. Закиров), улардан олинадиган маълумотларнинг ягона базасини юритиш ва мониторинг қилиш учун Тошкент архитектура-қурилиш университети (Б. Тулаганов) масъул этиб белгилансин.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2024 йил 1 июлдан бошлаб:

МСК-64 шкаласи бўйича 5 ва ундан юқори баллик ер силкиниши содир бўлганда бино ва иншоотларнинг ҳолати бўйича юк кўтарувчи конструкцияларни автоматик мониторинг қилиш ускуналаридан олинган маълумотлар тезкор равишда таҳлил қилинади;

бино ва иншоотларда аниқланган хавф бўйича зудлик билан Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тадбирларини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашига (кейинги ўринларда — Республика кенгаши) ахборот киритилади;

Республика кенгаши уч кун муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда зилзила натижасида аниқланган бино ва иншоотларнинг заиф нуқталарини мустаҳкамлаш ва хавфни бартараф этиш чораларини белгилаб, уларнинг амалга оширилишини таъминлайди.

Мазкур бандда назарда тутилган тартибнинг йўлга қўйилиши ва бир маромда ишлашини таъминлаш учун масъул этиб Республика кенгаши (А. Арипов) белгилансин.

4. Бино ва иншоотлар ҳудудларнинг сейсмик фаоллигига мувофиқ равишда қурилишини ташкил этиш мақсадида:

2024 йил 1 июлга қадар республиканинг барча туман ва шаҳарлари ҳудудлари кесимида минтақавий акселерограммалар рақамлаштирилсин ҳамда уларнинг онлайн базалари шакллантирилсин;

2024 йил 1 августдан бошлаб хавфлилик омили III — IV тоифа бўлган объектларни ҳудуднинг зилзилалар кучини кўрсатиб берувчи минтақавий акселерограммалар базаларидан келиб чиқиб лойиҳалаш ва қуриш тартиби жорий этилсин.

Мазкур банд доирасида минтақавий акселерограммаларни рақамлаштириш учун масъул этиб Фанлар академияси (Б. Юлдашев) ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги (А. Қўлдашев), бино ва иншоотларни минтақавий акселерограммаларга мувофиқ лойиҳалаш ва қуриш ишларини назорат қилиш учун Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги (Д. Адилов) масъул этиб белгилансин.

5. 2024 йил 1 июндан бошлаб янги қурилиши режалаштирилаётган хавфлилик омили III — IV тоифа бўлган объектларда газ ва электр тармоқларини кучли зилзила пайтида автоматик блоклаш тизими билан лойиҳалаш тартиби жорий этилсин.

Бунда, сейсмик фаол зоналарда янги қурилиши режалаштирилаётган хавфлилик омили III — IV тоифа бўлган объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари уларда кучли зилзила содир бўлганда газ ва электр тармоқларини автоматик блоклаш тизими мавжуд бўлган ҳоллардагина шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизасидан ўтказилиши белгилансин.

Мазкур банднинг тўлиқ ва сўзсиз ижросини таъминлаш учун масъул этиб Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги (Б. Закиров) белгилансин.

6. Содир бўлган зилзилалар ва фасллардаги намгарчиликлар таъсиридан чўккан ҳамда деформациялар пайдо бўлган бино ва иншоотларни мустаҳкамлаш ишларига илғор, замонавий ва хавфсиз ёндашувларни жорий этиш мақсадида:

2024 йил 1 июлга қадар техник ҳолати қониқарсиз деб топилган мавжуд бино ва иншоотларни «компенсацион инъекция технологияси орқали мустаҳкамлаш ва деформацияни олдинги ҳолатига қайтариш» услуби орқали қайта тиклаш ишлари эксперимент тариқасида амалга оширилсин;

2024 йил 1 октябрга қадар эксперимент натижалари асосида бино ва иншоотлар пойдеворини мустаҳкамлаш ва деформацияларини бартараф этишда ер остидан «компенсацион инъекция технологияси орқали мустаҳкамлаш ва деформацияни олдинги ҳолатига қайтариш» услубини амалиётга тўлиқ жорий этиш чоралари кўрилсин.

Мазкур банд доирасида «компенсацион инъекция технологияси орқали мустаҳкамлаш ва деформацияни олдинги ҳолатига қайтариш» услубини амалиётга жорий этиш учун масъул этиб Тошкент архитектура-қурилиш университети (Б. Тулаганов), эксперимент учун объектларни тақдим этишга масъул этиб Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси (К. Тўлаганов) белгилансин.

7. Қурилишда давлат назорати сифатини ошириш мақсадида 2024 йил 1 июлдан бошлаб янги қурилаётган объектларнинг хавф-хатар тоифасини ҳамда қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий инспекторларнинг иш тажрибасини инобатга олган ҳолда давлат назоратини амалга ошириш ишлари ташкил этилсин.

Мазкур банднинг тўлиқ ва сўзсиз ижросини таъминлаш, қурилишда давлат назоратини амалга оширишда уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш ҳудудий инспекциялари штат бирликлари сонини қайта кўриб чиқиш учун масъул этиб Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси (К. Тўлаганов) белгилансин.

8. Қуйидагилар:

Сейсмик хавфсизликни таъминлаш ҳамда бино ва иншоотларнинг зилзилабардошлигини ошириш тизимини такомиллаштириш бўйича «йўл харитаси» (кейинги ўринларда — «Йўл харитаси») 1-иловага* мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри бўйича сейсмик хавфсизликни таъминлашга қаратилган ҳудудий чора-тадбирларни амалга ошириш режалари (кейинги ўринларда — ҳудудий чора-тадбирлар режалари) 2 — 15-иловаларга* мувофиқ тасдиқлансин.

9. «Йўл харитаси» ва ҳудудий чора-тадбирлар режаларида белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва самарали амалга оширилишини таъминлаш юзасидан:

«Йўл харитаси» бўйича — тегишли давлат органлари ва ташкилотларининг биринчи раҳбарларига;

---

* 1 — 15-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ҳудудий чора-тадбирлар режалари бўйича — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларига шахсий масъулият юклатилсин.

Республика кенгаши давлат органлари ва ташкилотлари томонидан «Йўл харитаси» ва ҳудудий чора-тадбирлар режаларида белгиланган вазифаларнинг сифатли ва ўз вақтида амалга оширилишини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш учун масъул этиб белгилансин.

10. Республика кенгаши (А. Арипов), Тошкент архитектура-қурилиш университети (Б. Тулаганов) 2024 йил 1 августга қадар Республика кенгаши аъзолари ҳамда соҳага масъул вазирлик ва идоралар мутахассисларини сейсмик хавфсизликни таъминлаш ва қурилиш назорати соҳаси бўйича ривожланган хорижий давлатларга қисқа муддатли хизмат сафарига юборишни ташкил этсин.

Республика кенгаши аъзолари ҳамда соҳага масъул вазирлик ва идоралар мутахассисларини хорижга юбориш билан боғлиқ харажатлар (транспорт, меҳмонхона, кунлик ва бошқалар) Сейсмология, иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини ва сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари, шунингдек, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланиши белгилансин.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари Фавқулодда вазиятлар вазирлиги билан биргаликда 2024 йил 1 майга қадар ҳудудларнинг зилзилага тайёргарлик кўриш режаларини тасдиқласин ва қонунчиликка мувофиқ ушбу режа асосида аҳолини зилзилага тайёрлаш ишларини ташкил этиб борсин.

12. Ҳудудларда кучли зилзилаларга тайёргарлик кўриш ишларини аниқ илмий прогнозларга асосан ташкил этиш мақсадида 2024 йил 1 майдан бошлаб:

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Сейсмопрогностик мониторинг республика маркази (кейинги ўринларда — Марказ) томонидан зилзила хавфи ва прогнозига оид хулосаларни ҳар ойда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларига киритиш амалиёти йўлга қўйилсин;

хулосаларда кучли зилзила хавфи ҳақида огоҳлантириш бўлганда, тегишли ҳудудлар раҳбарлари томонидан ҳудудларнинг зилзилага тайёргарлик кўриш режаларига мувофиқ ишлар ташкил этилсин.

Мазкур банднинг тўлиқ ва сўзсиз ижросини таъминлаш учун масъуллар этиб Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Сейсмопрогностик мониторинг республика маркази (Қ. Қўчқоров), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари белгилансин.

13. 2024 йил 1 июндан бошлаб республика ҳудудида бўлиб ўтган зилзилалар мониторинги, уларнинг илмий таҳлили ва фаол тектоник ер ёриқларининг ҳаракатлари орқали яқин келажакда кутилаётган кучли зилзила хавфи бор ҳудудларни аниқлаш амалиёти йўлга қўйилсин.

Бунда:

сейсмопрогностик мониторинг амалга оширилишини ташкил этиш, бўлиб

ўтган зилзилаларнинг рақамли маълумотлар базасини шакллантириш ва қайта ишлаш — Марказ томонидан;

зилзилаларнинг вужудга келиш механизми, даражаси ва зилзила даракчиларининг турли геодинамик жараёнларда намоён бўлиши, шунингдек, яқин келажакда кутилаётган кучли зилзила хавфи бор ҳудудларни аниқлаш — Фанлар академияси томонидан амалга оширилиши белгилансин.

Кучли зилзила хавфи бор ҳудудлар аниқланганда, бу ҳақидаги маълумотлар зудлик билан Республика кенгашига киритиб борилсин.

14. 2024 йил 1 майдан бошлаб ҳар бир ҳудудда кучли зилзилада аҳолини қутқариш ишларига жалб этиш учун волонтёрлик гуруҳларини шакллантириш амалиёти йўлга қўйилсин.

Бунда, волонтёрлик гуруҳларига жалб қилинган фуқароларга ҳар чоракда қонунчиликка мувофиқ кучли зилзилада ҳаракатланиш қоидалари ва тартиби ўргатилиб, бу йўналишдаги билим ва кўникмалари ошириб борилсин.

Мазкур бандда назарда тутилган амалиётни тўлиқ жорий этиш, волонтёрлар гуруҳлари фаолиятини доимий рағбатлантириб бориш учун масъул этиб Фавқулодда вазиятлар вазирлиги (А. Қўлдошев) ва Ёшлар ишлари агентлиги (А. Саъдуллаев) белгилансин.

15. Фанлар академияси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг Фанлар академияси ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган Зилзила муҳандислиги олимлари ассоциациясини (кейинги ўринларда — Ассоциация) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Ассоциацияга 16-иловага мувофиқ асосий вазифалар юклатилсин.

16. Қуйидагилар:

Ассоциация вазирлик ва идораларнинг соҳага масъул мутахассислари ва олимлар ҳамда хорижий мутахассислардан иборат таркибда Фанлар академияси томонидан Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда шакллантирилиши ва ҳар уч йилда янгилаб борилиши белгилансин;

Ассоциация томонидан ҳар чоракда тайёрланадиган таклифлар Республика кенгаши томонидан ҳар ярим йилда муҳокамадан ўтказилиши ва асосланган таклифлар зудлик билан амалга оширилиши таъминлансин.

17. Сейсмик хавфсизликни таъминлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар моҳиятини аҳоли ва кенг жамоатчиликка тушунарли тарзда етказиш ишларини ташкил этиш мақсадида:

а) Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А. Джурабаев):

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги (А. Қўлдошев) билан ҳамкорликда фуқароларнинг зилзила вақтида тўғри ҳаракатланишига бағишланган кўрсатувлар, лавҳалар, роликлар ва эшиттиришлар тайёрланишини;

ишлаб чиқилган медиа маҳсулотлар Миллий телерадиокомпаниянинг барча теле- ва радиоканалларида тизимли равишда эфирга узатилишини таъминласин;

б) Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А. Ходжаев) Фавқулодда вазиятлар вазирлиги (А. Қўлдошев) билан ҳамкорликда оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий тармоқларда сейсмик хавфсизлик тадбир-

ларини амалга ошириш жараёнлари, шу жумладан фуқароларнинг зилзила вақтида тўғри ҳаракатланиши бўйича ташкил этилаётган қўмондонлик-штаб, махсус-тактик ва объект ўқув машқлари ҳақидаги тўлиқ маълумотларнинг кенг ёритилишини ташкил этсин.

18. Фанлар академияси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

19. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб фавқулодда вазиятлар вазири А.Х. Қўлдошев ҳамда қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири Б.И. Закиров белгилансин.

Қарор ижроси учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Амалга оширилган чора-тадбирларнинг натижадорлиги тўғрисида ҳар ярим йил якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот киритиб борилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2024 йил 17 апрель,
ПҚ–161-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2024 йил 17 апрелдаги
ПҚ–161-сон қарорига
16-ИЛОВА

**Зилзила муҳандислиги олимлари ассоциациясининг асосий ВАЗИФАЛАРИ**

1. Сейсмик хавфсизлик соҳасида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишида юзага келган муаммоли масалаларни муҳокама қилиш ва уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар тайёрлаш.

2. Ҳудудлардаги мавжуд бино ва иншоотларнинг электрон техник паспортлари шакллантирилиши ҳамда янги конструкцияларининг зилзилабардошлиги юзасидан таҳлилий маълумотлар тайёрлаш.

3. Ҳудудларнинг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш ишларини ташкил этиш доирасида, лойиҳа ташкилотларини жалб қилган ҳолда бино ва иншоотларни актив сейсмик ҳимоялаш усуллари, янги конструктив ечимлар ишлаб чиқилиши бўйича таклифлар тайёрлаш.

4. Сейсмик фаол зоналарда турли даражадаги сейсмик хатарни баҳолаш ва зилзила талафотларини камайтириш бўйича илмий асосланган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.

5. Шаҳар ҳудудларининг бош режа лойиҳасининг сейсмик микроҳудудлаштириш хариталарига асосланган ҳолда ишлаб чиқилиши бўйича муҳокамалар ўтказиш.

6. Сув омборлари тўғонлари ва гидротехника иншоотларининг зилзилабардошлигини таъминлаш ҳамда камчиликларни бартараф этиш ишларини ташкил этиш юзасидан таклифлар тайёрлаш.

7. Сейсмик хавфни, таъсирни ва хатарни баҳолаш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини хорижий тажриба асосида ишлаб чиқиш ва унинг муҳокамасини ўтказиш.

8. Эҳтимоли юқори бўлган зилзилаларнинг зарари ва оқибатларини камайтириш бўйича маҳаллий шароитлардан келиб чиқиб, тадбирлар мажмуи ва дастурлари ишлаб чиқилишига оид муҳокамалар ўтказиш ҳамда асосланган таклифлар тайёрлаш.

9. Аҳолини зилзиладан олдин, зилзила пайтида ва зилзиладан сўнг ҳаракат қилиш қоидаларига ўргатиш ва уларнинг тайёргарлигини ошириш бўйича олиб борилаётган ишларни муҳокама қилиш, аҳоли тайёргарлигини ошириш юзасидан таклифлар тайёрлаш.

10. Қурилиш объектларида фойдаланиш учун республикада ишлаб чиқарилаётган маҳаллий ва хориждан импорт асосида келтирилаётган қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларининг сифати бўйича муҳокамалар ўтказиш ва асосланган таклифлар тайёрлаш.

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### 129 Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳамда унинг тизимидаги ташкилотлар тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маъмурий ислоҳотлар доирасида қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2023 йил 28 августдаги ПФ–151-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги ПФ–269-сон Фармонига мувофиқ Қурилиш вазирлиги ҳамда Уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги негизида Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги (кейинги ўринларда — Вазирлик) ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги тўғрисидаги низом 1-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика архитектура-шаҳарсозлик кенгаши тўғрисидаги низом ва унинг таркиби 2 ва 2а-иловаларга**;

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, вилоятлар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармалари, Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармаси ҳузуридаги ҳудудий архитектура-шаҳарсозлик кенгаши тўғрисидаги намунавий низом ва унинг намунавий таркиби 3 ва 3а-иловаларга**;

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси тўғрисидаги низом 4-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекциялари тўғрисидаги намунавий низом 5-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисидаги низом 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

---

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 18 апрелда эълон қилинган.

** 2а, 3а-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 7-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Ж. Раматов ҳамда қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири Б.И. Закиров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**
**Бош вазири** **А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,
2024 йил 17 апрель,
214-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2024 йил 17 апрелдаги 214-сон қарорига
1-ИЛОВА

## Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги тўғрисидаги НИЗОМ

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги (кейинги ўринларда — Вазирлик), Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Тошкент шаҳар Қурилиш ва Тошкент шаҳар Уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармалари ҳамда уларнинг туман бўлимлари, вилоятлар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармалари ҳамда туман бўлимларининг асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари, жавобгарлиги ва фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Вазирлик Ўзбекистон Республикасида қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширадиган махсус ваколатли республика ижро этувчи ҳокимият органи ҳисобланади.

3. Вазирлик ўз фаолиятида Вазирлар Маҳкамасига бўйсунади.

4. Вазирлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, ушбу Низом, шунингдек, бошқа қонунчилик ҳужжатларига амал қилади.

5. Вазирликнинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари давлат органлари ва ташкилотлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари,

бошқа ташкилотлар, шунингдек, фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурийдир.

6. Вазирлик, тегишли ҳудудий бўлинмалар ва унинг тузилмасига кирадиган ташкилотлар юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган муҳр ва бланкаларга, мустақил балансга, ғазначилик шахсий ғазна ҳисобварақларига, шу жумладан, чет эл валютасидаги ягона ғазна ҳисобварағига эга бўлади.

7. Вазирликнинг расмий номи:

а) давлат тилида:

тўлиқ номи — Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги;

қисқартирилган номи — Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги;

б) рус тилида:

тўлиқ номи — Министерство строительства и жилищно-коммунального хозяйства Республики Узбекистан;

қисқартирилган номи — Минстройкомхоз;

8. Вазирликнинг жойлашган манзили (почта манзили): Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.

## 2-боб. Вазирлик тузилмаси

9. Вазирлик тизимига қуйидагилар киради:

марказий аппарат;

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, вилоятлар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармалари, Тошкент шаҳар Қурилиш бош бошқармаси ва Тошкент шаҳар Уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси (кейинги ўринларда — Бош бошқарма);

туман (шаҳар) қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлимлари, Тошкент шаҳрида — туман қурилиш бўлимлари ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлимлари;

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси ва ҳудудий инспекциялар;

Шаҳарсозлик ҳужжатларини экспертиза қилиш Республика маркази давлат муассасаси ва унинг ҳудудий бошқармалари;

Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш Республика маркази давлат муассасаси;

Урбанизация ва шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш Республика маркази давлат муассасаси;

Компетенцияни ривожлантириш институти давлат муассасаси (Архитекторлар муҳандислар олий мактаби, Қайта тайёрлаш ва малака ошириш маркази, Малакани баҳолаш маркази, ҳудудий филиаллар);

Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти давлат муассасаси;

«Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ;

«Ўзбекистон архитектураси ва қурилиши» журнали таҳририяти МЧЖ;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри Қурилиш соҳасида давлат харидларини ташкил этиш консалтинг марказлари давлат муассасалари;

Иссиқлик таъминоти объектлари бўйича инжиниринг компаниялари;

Иссиқлик таъминоти давлат ташкилотлари;

«Коммунал таъминот маркази» давлат муассасаси;

«ТошуйжойЛИТИ» АЖ;

«Ўзоғирсаноатлойиҳа» АЖ;

«ЎзшаҳарсозликЛИТИ» бош лойиҳа институти давлат муассасаси;

«ТошкентбошпланЛИТИ» бош лойиҳа институти давлат муассасаси;

«Қишлоқ қурилиш лойиҳа» бош лойиҳа институти давлат муассасаси;

«Коммунал лойиҳа илмий-тадқиқот институти» давлат муассасаси;

Лойиҳа офиси;

Инфратузилмани ривожлантириш инжиниринг компанияси давлат муассасаси.

## 3-боб. Вазирлик, бош бошқармалар ва туман бўлинмаларининг вазифалари ва функциялари

### 1-§. Вазирликнинг вазифалари ва функциялари

10. Қуйидагилар Вазирликнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

шаҳарсозлик фаолияти соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, соҳада давлат сиёсатининг асосий йўналишлари бўйича таклифлар тайёрлаш, шунингдек, соҳа фаолиятини ривожлантиришнинг узоқ ва ўрта муддатли дастурларни ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ишлаб чиқишда, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини тайёрлашда иштирок этиш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ҳамда стандартларни ишлаб чиқишни ташкил этиш ҳамда тасдиқлашни амалга ошириш;

шаҳарсозлик фаолиятининг барча босқичлари рақамлаштирилишини таъминлаш, юридик ва жисмоний шахсларга кўрсатиладиган қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида давлат хизматларини соддалаштириш ва такомиллаштириб бориш;

республика ҳудудини ривожлантиришни режалаштириш бош схемасини, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудларини ривожлантиришни режалаштириш схемаларини, агломерацияларни ривожлантириш стратегияси, шаҳарлар (шаҳарчалар) бош режалари ва қишлоқ аҳоли пунктларининг ҳудудларини шаҳарсозлик жиҳатидан ривожлантириш схемаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлашни ташкил қилиш, шунингдек, уларга риоя этилиши юзасидан давлат архитектура назоратини амалга ошириш;

лойиҳа ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторингини юритиш, якка тартибдаги, намунавий, такроран қўлланиладиган экспериментал лойиҳаларни ва энергия тежамкор лойиҳа ечимлари ишлаб чиқишни

ташкил этиш, улар фаолиятини лицензиялаш ҳамда шаҳарсозлик ҳужжатларининг экспертиза қилинишини таъминлаш;

пудрат бозорини ривожлантириш, жумладан қурилиш-пудрат ташкилотларининг айрим фаолиятларини лицензиялаш ва улуш киритиш асосида қуриладиган кўп хонадонли уйларни рўйхатга олишни мувофиқлаштириш, қурилиш ва уй-жой коммунал соҳасида рухсат этиш ва хабардор қилиш тартибини мувофиқлаштириш;

мақсадли дастурларга киритилган объектларни мониторинг қилиш, лойиҳа ва қурилиш-пудрат ташкилотлари фаолиятида «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизимида давлат харидлари ҳамда рейтинг тизимини юритиш;

объектлар қурилиши жараёнида муаллифлик, техник ва ички назорат олиб борилиши устидан давлат назорати ўрнатилишини таъминлаш, шунингдек, республика ҳудудида қурилаётган бино ва иншоотларнинг сейсмик хавфсизлиги таъминланишини шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига мувофиқлиги баҳоланишини таъминлаш;

уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ягона давлат сиёсатини юритиш ва тармоқлараро мувофиқлаштиришни амалга ошириш;

кўп квартирали уйларни бошқариш, шу жумладан, кўп квартирали уй-жой фондини мукаммал ва жорий таъмирлаш ишларини, эски ва авария ҳолатидаги уй-жойлар бузилишини ташкил этишни мувофиқлаштириш ҳамда реновация дастурларини шакллантириш;

ҳудудларни ободонлаштириш соҳаси муаммоларини ўрганиш ва методологик таъминлаш;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, ривожлантириш, давлат назоратини таъминлаш, соҳада хизмат кўрсатувчилар фаолиятини мувофиқлаштириш;

иссиқлик таъминоти соҳасини комплекс ривожлантириш, ягона техник ва тариф сиёсатини юритиш;

уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида (уй-жой фонди, ичимлик суви таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари ҳамда иссиқлик таъминоти) давлат бюджети, халқаро молия институтлари, хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг маблағлари ҳамда давлат-хусусий шериклик ҳисобидан инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш;

қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида кадрларни маҳаллий ва хорижий етакчи таълим муассасаларида тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш ва компетенциясини баҳолаш ишларини ташкил этиш ҳамда сертификатлаш жараёнларини мувофиқлаштириш.

11. Вазирлик ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

а) шаҳарсозлик фаолияти соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, соҳада давлат сиёсатининг асосий йўналишлари бўйича таклифлар тайёрлаш, шунингдек, соҳа фаолиятини ривожлантиришнинг узоқ ва ўрта муддатли дастурларни ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ишлаб чиқишда, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини тайёрлашда иштирок этиш соҳасида:

соҳа фаолиятида узоқ муддатли стратегияларни белгилайди;

шаҳарсозлик соҳасида натижадорликни таъминлаш, ресурсларни ҳисобга олиш ва бошқариш тизимини такомиллаштириш, объектларни лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланишни рақамлаштириш борасида илмий ечимларни ишлаб чиқади;

юридик ва жисмоний шахсларга шаҳарсозлик фаолияти соҳасида бюрократик тўсиқларни бартараф этишга қаратилган зарур чоралар кўради;

қурилиш соҳасида илғор технологиялар ва инновацияларни жорий этиш юзасидан таклифлар тайёрлайди;

соҳани ривожлантиришга қаратилган узоқ ва ўрта муддатли дастурлар, йўл хариталари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади ва таклифлар киритади;

ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш дастурларидаги объектларни лойиҳалашдан бошлаб уларни фойдаланишга топширишгача бўлган босқичларда энергия самарадорликка эришишни таъминлашга қаратилган чоралар кўради;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ инфратузилмани ривожлантириш лойиҳалари юзасидан буюртмачи хизматлари фаолиятининг амалга оширилишини ташкил этади ва мувофиқлаштиради;

б) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ҳамда стандартларни ишлаб чиқишни ташкил этиш ҳамда тасдиқлашни амалга ошириш соҳасида:

ўз ваколатлари доирасида шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари лойиҳалари ишлаб чиқилишини ташкил этади ҳамда тасдиқлайди;

шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларида инновацион технологияларни жорий қилишдаги муаммоларни ўрганиб боради;

қурилиш соҳасидаги халқаро нормалар, қоидалар ва стандартларни ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида миллий норматив ҳужжатларни улар билан уйғунлаштириб боради;

бинолар, иншоотлар ва уларнинг алоҳида элементларига бўлган хавфсизлик талаблари, шунингдек, бино ва иншоотларнинг энергия самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқади;

сейсмик хавфсизлик таъминлаш борасида шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини хорижий мамлакатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда мунтазам равишда такомиллаштиради;

хорижий ва халқаро ташкилотлар, консультантлар ва мутахассислар билан ҳамкорлик қилиш ҳамда уларни миллий норматив ҳужжатлар базасини такомиллаштиришга жалб қилади;

шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини ишлаб чиқилиши бўйича белгиланган тартибда буюртмачи бўлади;

шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларининг давлат фондини шакллантиришда иштирок этади;

шаҳарсозликда илмий-техника тараққиёти муаммоларини мақбул

тарзда ҳал этиш учун илмий-техника ва техник кенгашлар фаолиятини ташкил этади;

қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда қурилиш материалларини олиб келиш, ишлаб чиқариш ва реализация қилишда мувофиқликни баҳолаш соҳасида давлат томонидан тартибга солишни амалга оширади;

техник регламентларнинг ишлаб чиқилишини таъминлаш, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек мазкур регламентларни бекор қилиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

в) шаҳарсозлик фаолиятининг барча босқичлари рақамлаштирилишини таъминлаш, юридик ва жисмоний шахсларга кўрсатиладиган қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида давлат хизматларини соддалаштириш ва такомиллаштириб бориш соҳасида:

объектлар қурилиш жараёнини электрон мониторинг қилишни йўлга қўяди ва такомиллаштириб боради;

қурилиш соҳасига ахборот тизимларини жорий этиш ишларини такомиллаштириш орқали инсон омилини камайтириш, бюрократик тўсиқлар ва тизимли муаммоларни аниқлаш, уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;

қурилиш соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича дастурлар ишлаб чиқилишини ташкил этади ва ижро этилишини мониторинг қилади;

қурилиш соҳасига ахборот тизимларини жорий этишда масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштиради ва ҳамкорлигини таъминлайди;

жорий этилаётган ахборот тизимларининг жойларда самарали ишлаши ва қўлланилишининг ягона амалиётини таъминлайди;

соҳада кўрсатилаётган давлат хизматларини ривожлантириш ва соддалаштириш бўйича таклифлар киритиб боради;

ҳудудий бўлинмалар фаолиятини таҳлил қилади, улар томонидан амалга ошириладиган давлат хизматларини такомиллаштириб боради;

г) республика ҳудудини ривожлантиришни режалаштириш бош схемаси, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудларини ривожлантиришни режалаштириш схемалари, агломерацияларни ривожлантириш стратегияси, шаҳарлар (шаҳарчалар) бош режалари ва қишлоқ аҳоли пунктларининг ҳудудларини шаҳарсозлик жиҳатидан ривожлантириш схемаларинииишлаб чиқиш ва тасдиқлашни ташкил қилиш, шунингдек, уларга риоя этилиши юзасидан давлат архитектура назоратини амалга ошириш соҳасида:

республика ҳудудини ривожлантиришни режалаштириш бош схемасини, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудларини ривожлантиришни режалаштириш схемаларини ва агломерацияларни ривожлантириш стратегиясини вазирлик ва идоралар билан биргаликда ишлаб чиқишни ташкил этади;

шаҳарларнинг, шаҳарчаларнинг бош режалари ҳамда Тошкент шаҳрининг марказий қисмлари ва вилоятларнинг маъмурий марказлари, шунингдек, маданий мерос объектларига эга бўлган шаҳарларни батафсил режалаштириш лойиҳаларини тасдиқлайди (тасдиқланиши Вазирлар Маҳкамасининг ва

бошқа ташкилотларнинг ваколатлари жумласига киритилган шаҳарсозлик ҳужжатлари бундан мустасно);

қишлоқ аҳоли пунктларининг ҳудудларини шаҳарсозлик жиҳатидан ривожлантириш схемаларини ишлаб чиқишни ва тасдиқлашни ташкил қилади;

шаҳарсозлик соҳасида илмий-тадқиқот ишлари, аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича буюртмачи функцияларини бажаради;

умумдавлат аҳамиятига молик алоҳида тартибга солинадиган шаҳарсозлик объектлари учун чегаралар белгилаш ҳақида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритади;

давлат шаҳарсозлик кадастрини юритади, аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларига риоя этилиши юзасидан давлат-архитектура назоратини олиб боради;

аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар ҳокимликлари ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан амал қилиши юзасидан давлат-архитектура назоратини амалга оширади ҳамда қонунбузилиш ҳолатлари аниқланган тақдирда, айбдор шахсларга нисбатан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда тегишли чораларни қўллаш бўйича таклиф киритади;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ва махсус ваколатли давлат органларининг ҳудудий бўлинмаларига шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузган ҳолда қабул қилинган қарорларни бекор қилиш ҳақида тақдимномалар киритиш;

шаҳарсозлик фаолиятини амалга оширишга доир лицензияларнинг ва рухсат берувчи ҳужжатларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ёки уларни бекор қилиш ҳамда ўзбошимчалик билан қурилган иморатларни бартараф этиш тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун тегишли давлат органлари ва ташкилотларга тақдимномалар юбориш;

аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларига амал қилиниши юзасидан мониторинг юритади;

шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларининг бузилишига оид маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқади;

аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларидан барча фойдаланишини таъминлаш учун вазирлик сайтида уларнинг очиқ график қисмини эълон қилиб борилишини таъминлайди;

д) лойиҳа ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларнинг айрим фаолият турларини лицензиялаш ҳамда мониторингини юритиш, якка тартибдаги, намунавий, такроран қўлланиладиган экспериментал лойиҳаларни ва энергия тежамкор лойиҳа ечимлари ишлаб чиқишни ташкил этиш ҳамда шаҳарсозлик ҳужжатларини экспертиза қилинишини таъминлаш соҳасида:

лойиҳа ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштиради ва мониторингини юритади, якка тартибдаги, намунавий, такроран қўлланиладиган экспериментал лойиҳалар ва энергия тежамкор лойиҳа ечимларини ишлаб чиқишни ташкил этади;

қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда шаҳарсозлик фаолиятининг айрим фаолият турларини амалга ошириш учун белгиланган тартибда лицензиялар беради;

лицензиялар реестрининг доимий юритилиши ва унга тегишли ўзгартиришлар киритишни амалга оширади;

ўз ваколатлари доирасида лицензия талаблари ва шартларига риоя қилинишини назорат қилади;

белгиланган тартибда лицензия ва аккредитация талабларига риоя қилмаган лойиҳа ва қурилиш-пудрат ташкилотлари лицензия ва аккредитация гувоҳномалари амал қилишини тўхтатади ва бекор қилади;

лицензиатлар томонидан лицензия талаблари ва шартлари бажарилиши тўғрисидаги ахборот билан тўлдириб бориладиган марказлаштирилган реестрни (базасини) юритади;

юридик шахсларни шаҳарсозлик ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш юзасидан аккредитациядан ўтказади;

шаҳарсозлик ҳужжатлари, бино ва иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш, модернизация қилиш, қайта жиҳозлаш бўйича ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказади;

е) пудрат бозорини ривожлантириш, жумладан қурилиш-пудрат ташкилотларининг айрим фаолият турларини лицензиялаш ва улуш киритиш асосида қуриладиган кўп хонадонли уйларни рўйхатга олишни мувофиқлаштириш, ишлаб чиқариладиган қурилиш материаллари базаларини шакллантириш соҳасида:

қурилиш материаллари, конструкциялари ва буюмлари ҳамда қурилиш-пудрат ташкилотлари тўғрисидаги маълумотларнинг ахборот базасини шакллантиради;

қурилиш-пудрат ташкилотларининг айрим фаолият турлари учун лицензиялар беради;

энергия самарадор қурилиш материаллари, конструкциялари ва буюмларини қўллаш бўйича таклифлар киритади;

улуш киритиш асосида уй-жой қурувчиларни электрон рўйхатга киритади ва шартномаларни ҳисобга қўяди ва мазкур фаолиятни такомиллаштириш чораларини кўради;

ж) мақсадли дастурларга киритилган объектларни мониторинг қилиш, лойиҳа ва қурилиш-пудрат ташкилотлари фаолиятида «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизимида давлат харидлари ҳамда рейтинг тизимини юритиш соҳасида:

мақсадли дастурларга киритилган объектларни ер майдонлари ажратилишидан бошлаб, «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизимида танлов савдолари (тендер) ўтказилиши, лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқилиши, экспертизадан ўтказилиши, қурилиш-монтаж ишларини бошлаш учун объектни рўйхатдан ўтказилиши ва қуриб битказилган объектларни фойдаланишга рухсат беришгача бўлган жараёнлар мониторингини юритади;

қурилиш-пудрат, лойиҳа-қидирув ташкилотлари ҳамда қурилиш билан боғлиқ кластерларнинг электрон рейтинги тизимини шакллантиради ва юритади;

рейтинг мезон талабларини соҳани босқичма-босқич ривожлантириш асосида белгилаб, ундаги қатнашчиларни халқаро бозорга чиқариш мақсадида, рейтинг талаблари асосида уларни тайёрлайди;

рейтинг тизимини қурилиш объектлари ҳамда қурилиш-монтаж ишларининг ихтисослигидан келиб чиққан ҳолда соҳавий шаклланишини ҳамда методологик таъминлайди;

рейтингга кирган ташкилотларнинг сони ва тури статистикасини юритади;

рейтинг мезонларини белгилашда иштирок этади, уларни электрон, инсон омилисиз ҳамда интеграция йўли билан автоматик равишда олинишини таъминлайди;

қурилиш соҳасидаги «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизимида инсон омилисиз электрон танлов савдолари (тендер) тизими юритилишини таъминлайди, унинг шартларини белгилайди ҳамда тизимни ишлаш амалиётидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириб боради;

аутсорсинг хизматини кўрсатувчи буюртмачи ташкилотларининг бозори шакллангандан кейин уларнинг рейтингини шакллантиради, уларни давлат харидлари учун жалб этиш бўйича инсон омилисиз электрон танлов савдолари (тендер) тизимини яратади ва ривожлантириш юзасидан таклифлар киритади;

з) объектлар қурилиши жараёнида муаллифлик, техник ва ички назорат олиб борилиши устидан давлат назорати ўрнатилишини таъминлаш, шунингдек, республика ҳудудида қурилаётган бино ва иншоотларнинг сейсмик хавфсизлиги таъминланишини шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари талабларига мувофиқлигини баҳолаш соҳасида:

буюртмачининг техник, лойиҳа ташкилотининг муаллифлик ва қурилиш-пудрат ташкилотининг ички назорат тизимининг сифатли олиб борилишини назорат қилинишини таъминлаш;

объектларда бажариладиган қурилиш-монтаж ишларининг шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари ва шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари талабларига риоя этилиши бўйича давлат назорати амалга оширилишини таъминлайди ва мувофиқлаштиради;

шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларининг бузилишига оид маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқади;

шаҳарсозликка оид қонунчилик, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини такомиллаштиришга доир таклифлар киритади;

қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиш ишларида иштирок этади;

қурилаётган бино ва иншоотларнинг сейсмик хавфсизлиги таъминланишини шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари талабларига мувофиқлиги баҳоланишини ва назорат қилинишини таъминлайди;

электрон техник паспортлар асосида бино ва иншоотларни сейсмик жиҳатдан заифлиги бўйича таснифлашда, шунингдек, бино ва иншоотларнинг инструментал-техник текшируви ҳамда уларнинг зилзилабардошлигини оширишда иштирок этади;

сейсмик фаол зоналарда қурилиши режалаштирилаётган барча турдаги бино ва иншоотларнинг, шунингдек, кўп қаватли турар жойларнинг сейсмик жиҳатдан заифлигини баҳолаш учун зарур бўлган ахборотни ўз ичига оладиган электрон техник паспортларни шакллантиради;

қурилаётган бино ва иншоотларнинг зилзилабардошлигини таъминлаш, шунингдек, мавжуд бино ва иншоотларнинг зилзилабардошлигини ошириш учун зарур чоралар кўриш бўйича таклифлар ва тавсиялар тайёрлайди;

и) уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ягона давлат сиёсатини юритиш ва тармоқлараро мувофиқлаштиришни амалга ошириш соҳасида:

жисмоний ва юридик шахсларнинг уй-жой коммунал хизматларга бўлган талабини ўрганишни ташкил қилади, истеъмол эҳтиёжлари, уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантириш истиқболларини инобатга оладиган ижтимоий-иқтисодий прогнозларни тузади;

уй-жой коммунал хўжалиги соҳасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилайди ва шу асосда тармоқ ва тармоқлараро ҳамкорликни шакллантиради;

истеъмолчиларни уй-жой коммунал хизматлар билан таъминлаш даражасини ошириш, энергия тежайдиган замонавий технологияларни жорий қилиш ҳисобга олиниб, уларнинг сифатини яхшилашга қаратилган дастурларни ишлаб чиқишда иштирок этади;

кўп квартирали уй-жой фонди ҳамда иссиқлик таъминоти соҳасида қурилиш, реконструкция, капитал таъмирлаш ва модернизация қилишга доир дастурлар, шунингдек, ҳудудларнинг коммунал инфратузилмасини янада ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқади;

Вазирлик тизимидаги ташкилотларнинг аҳоли, ижтимоий соҳа объектлари ва иқтисодиёт тармоқларига уй-жой коммунал хўжалиги барқарорлигини таъминлашга доир ишларини ташкил этади;

Вазирлик тизимидаги уй-жой коммунал хўжалиги соҳаси объектларининг барқарор фаолиятини, республика ҳудудида уй-жой коммунал хўжалигига оид норматив талабларга риоя этилишини таъминлайди;

маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан кўп квартирали уйларнинг сақланишини таъминлаш, уй-жой коммунал хўжалиги объектларининг барқарор ишлаши, шунингдек, уй-жой коммунал хўжалиги соҳасини ривожлантириш истиқболлари масаласи юзасидан ўзаро ҳамкорлик қилади;

Вазирлик тизимидаги иссиқлик таъминоти ташкилотлари фаолияти самарадорлигининг иқтисодий нормативларини (кўрсаткичларини) тасдиқлайди, ягона иқтисодий, техникавий ва ҳисобдорлик сиёсатини юритади, ташкилотлар ишлари самарадорлигини атрофлича таҳлил қилиш жараёнига методологик раҳбарлик қилади;

маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан ҳамкорликда уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида хўжалик механизми ва бошқарув тузилмасини такомиллаштириш, уй-жой коммунал хўжалиги ташкилотлари фаолиятини яхшилаш бўйича иқтисодий воситалар ва рағбатлантириш таъсирини кучайтириш ҳамда аҳолига хўжалиги маданиятини ошириш чораларини кўради;

республика аҳолисини уй-жой коммунал хўжалиги ташкилотлари фаолияти тўғрисида мунтазам хабардор қилади, жисмоний шахслар, шу жумладан якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахсларнинг Вазирлик ваколатига киритилган масалаларга тааллуқли мурожаатларини қонунчиликда белгиланган тартибда кўриб чиқади ва зарур чоралар кўради, жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилади, уларнинг мурожаатлари билан боғлиқ ишлар ҳолатини таҳлил қилади;

к) кўп квартирали уйларни бошқариш, шу жумладан, кўп квартирали уй-жой фондини мукаммал ва жорий таъмирлаш ишларини, эски ва авария ҳолатидаги уй-жойлар бузилишини ташкил этишни мувофиқлаштириш ҳамда реновация дастурларини шакллантириш соҳасида:

кўп квартирали уйларни бошқариш соҳасида ягона давлат сиёсатини олиб боради;

кўп квартирали уй-жой фондини сақлаш ва улардан фойдаланиш тизимини комплекс ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

уй-жой коммунал хўжалиги соҳасини бошқариш борасида кўп квартирали уй-жой фондидан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш бозорини ривожлантириш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқади;

кўп квартирали уйлардан ва кўп квартирали уйларга туташ ер участкаларидан фойдаланиш ҳамда уларни сақлаш бўйича тизимли ишларни самарали ташкил қилишда иштирок этади;

кўп квартирали уйларнинг техник ҳолати мониторингини ўтказиш бўйича ишларни ташкил этади;

кўп квартирали уйларни бошқариш органлари реестрини шакллантиради ва юритади;

кўп квартирали уйлар мулкдорларининг мажбурий бадаллари ёки тўловлари миқдорини белгилашда харажатларнинг таркибини аниқлаш тартибини тасдиқлайди;

кўп квартирали уйлар мулкдорларининг мажбурий бадаллари ёки тўловларининг энг кам миқдорини белгилайди;

кўп квартирали уйларни бошқариш соҳасида тизимли мониторингнинг амалга оширилишини таъминлайди;

кўп квартирали уйларни мавсумий фойдаланишга ўз вақтида ва сифатли тайёрланишини ташкил қилишда иштирок этади;

новаторлик фаолияти ва замонавий инновацион технологияларни жорий этишга кўмаклашади;

кўп квартирали уйларни бошқариш органларининг ҳисоби ва уларнинг фаолияти бўйича ҳисоботларни юритиш учун ахборот тизимлари ҳамда ахборот ресурсларини жорий этади;

кўп квартирали уйларни бошқариш органларининг кўп квартирали уйлардаги жойлар мулкдорларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари билан боғлиқ фаолияти тўғрисидаги ахборотни, шунингдек, кўп квартирали уйларни бошқариш органларининг реестрини вазирликнинг расмий веб-сайтига жойлаштиради ва янгилаб туради;

кўп квартирали уйларни бошқариш бўйича ахборот ва маслаҳат ёрдами кўрсатади;

кўп квартирали уйларни бошқариш органларининг фаолиятига ҳуқуқий ҳамда услубий жиҳатдан кўмаклашади;

уй-жой коммунал хўжалиги соҳасидаги ягона биллинг тизимини юритади;

ривожланган хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасини инобатга олган ҳолда кўп квартирали уйларни бошқаришнинг замонавий шакллари ва усулларини ишлаб чиқади;

бошқариш органларининг мансабдор шахслари ва бошқарувчилари ҳамда мутахассисларини малакасини оширишни ташкил этади ҳамда уларга малака сертификатини беради;

кўп квартирали уйларни бошқариш органлари рейтингини юритади;

кўп квартирали уй-жой фондини реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва бу борадаги ишларни амалга оширишга доир манзилли рўйхатларни тасдиқлайди;

кўп квартирали уй-жой фондини таъмирлаш, ободонлаштириш ва ундан фойдаланиш шароитларини яхшилаш бўйича дастурларни амалга ошириш доирасида жалб қилинган буюртмачилар, лойиҳа ва пудрат ташкилотлари ишларини мувофиқлаштиради ҳамда мониторингини юритади;

кўп квартирали уйда энергияни тежаш ва энергетика самарадорлигини ошириш бўйича тадбирларни белгилайди;

кўп квартирали уйларни реконструкция қилиш, улардан фойдаланиш, сақлаш ва таъмирлаш, уларнинг техник ва фойдаланиш ҳолатини яхшилаш масаласида жойлардаги ижро ҳокимияти органлари фаолиятига кўмаклашади;

кўп квартирали уй-жой фондининг эскириш ва авария ҳолати мониторингини юритади ва улар асосида реновация дастурларини ишлаб чиқади;

л) ҳудудларни ободонлаштириш соҳаси муаммоларини ўрганиш ва методологик таъминлаш соҳасида:

аҳоли пунктлари ҳудудларини ободонлаштириш соҳасида норматив-ҳуқуқий база, стандартлар, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини ишлаб чиқади ва янгилайди;

ободонлаштириш соҳасида давлат маблағларидан фойдаланиш самарадорлиги ва кўрсатиладиган хизматлар сифатини оширишга қаратилган давлат-хусусий шериклик механизмларини босқичма-босқич жорий қилиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқади;

ободонлаштириш соҳасига йўналтирилган инновацион ечимларни жорий қилади;

ободонлаштириш соҳаси ходимларига муносиб меҳнат шароитларини яратиш, уларни моддий рағбатлантириш ва ижтимоий муҳофаза қилиш даражасини ошириш бўйича таклифларни тайёрлайди;

м) ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, ривожлантириш, давлат назоратини таъминлаш, соҳада хизмат кўрсатувчилар фаолиятини мувофиқлаштириш соҳасида:

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасида-

ги дастурлар, стратегиялар ҳамда концепцияларни ишлаб чиқишда иштирок этади;

аҳолининг ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар билан қамраб олинишини мониторинг қилади;

аҳоли пунктларини ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар билан таъминлаш учун давлат ижтимоий буюртмаларини беради;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар кўрсатилишида хусусий секторнинг иштирокини кенгайтириш, шу жумладан давлат-хусусий шериклик асосида кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқади;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги тариф сиёсатини шакллантиришга кўмаклашади;

Ўзбекистон Республикасидаги ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тизимларини ривожлантиришнинг бош схемаси ишлаб чиқилишида иштирок этади;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги илмий тадқиқотларни ташкил этади ҳамда мувофиқлаштиради;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасида ходимларга бўлган эҳтиёжни таҳлил қилади ҳамда уларни тайёрлашда иштирок этади;

давлат ижтимоий буюртмалари асосида фаолият юритаётган ичимлик суви таъминоти ташкилотлари реестрини юритади ва уни ўзининг расмий веб-сайтида жойлаштиради, улар фаолияти самарадорлигининг асосий мезонларини белгилайди ва баҳолайди;

ичимлик суви ва оқова сувларни тозалаш иншоотларини технологик аудитдан ўтказиш ҳамда сувни тежаш бўйича зарур чораларни белгилашда иштирок этади;

ичимлик суви таъминоти ташкилотлари учун сувнинг технологик жиҳатдан сарфланишини ва йўқотилишини ҳисоб-китоб қилиш тартиби, шунингдек, уларнинг йўл қўйиладиган нормаларини (лимитларини) белгилайди;

давлат ижтимоий буюртмалари асосида фаолият юритаётган ичимлик суви таъминоти ташкилотлари томонидан ижро этилиши мажбурий бўлган ҳужжатларни ўз ваколатлари доирасида қабул қилади;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш объектларини қуриш ҳамда реконструкция қилишга доир аниқ йўналтирилган дастурларни шакллантиришда иштирок этади;

халқаро молия институтлари иштирокида амалга ошириладиган ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги лойиҳалар бўйича лойиҳаолди ҳамда лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш, келишиб олиш ва тасдиқлаш чораларини кўради, шунингдек, лойиҳаларни молиялаштиришни амалга оширади;

давлат ижтимоий буюртмалари асосида фаолият юритаётган ичимлик

суви таъминоти ва оқова сув чиқариш соҳасидаги эксплуатация ва хўжалигини кенгайтириш фаолиятини мувофиқлаштиради;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасида давлат назоратини ташкил этади ва мувофиқлаштиради;

н) иссиқлик таъминоти соҳасини комплекс ривожлантириш, ягона техник ва тариф сиёсатини юритиш соҳасида:

иссиқлик таъминоти соҳасидаги дастурлар, стратегиялар ҳамда концепцияларни ишлаб чиқади ва мониторингини юритади;

иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш ва технологик жараёнлар самарадорлигини ошириш, белгиланган талабларга мувофиқ унинг сифатини таъминлаш, ишлаб чиқариш жараёнига энергия ва сувни тежайдиган технология ҳамда ускуналарни жорий қилишга қаратилган чора-тадбирларни белгилайди;

республика ҳудудида иссиқлик таъминоти объектларини лойиҳалаштириш, қуриш, модернизация ва реконструкция қилишда ягона сиёсат юритади;

иссиқлик таъминоти объектлари қурилиши бўйича буюртмачи функцияларининг бажарилишини ташкил этади;

иссиқлик таъминоти объектларини ўз вақтида ишга тушириш бўйича манзилли дастурлар ишлаб чиқади, келишади ва тасдиқлайди;

иссиқлик таъминоти соҳасида ягона тариф сиёсатини юритади;

иссиқлик таъминоти ташкилотлари реестрини юритади ва уни ўзининг расмий веб-сайтида жойлаштиради, улар фаолияти самарадорлигининг асосий мезонларини белгилайди ва баҳолайди;

иссиқлик таъминоти корхоналарини энерго аудитдан ўтказишни ташкил этади;

иссиқлик таъминоти тизимида иссиқлик энергиясининг сарфланиши ва йўқотилишини ҳисоб-китоб қилиш тартибини, шунингдек, уларнинг йўл қўйиладиган нормаларини (лимитларини) белгилайди;

иссиқлик таъминоти соҳасидаги лойиҳаларнинг рўёбга чиқарилиши мониторингини маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари билан ҳамкорликда амалга оширади;

янги қуриладиган кўп квартирали уйлар, ижтимоий соҳа ва бошқа объектларни сифатли ва узлуксиз иссиқлик энергияси билан таъминлаш юзасидан таклифлар киритади;

иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш, етказиб бериш ва истеъмол қилиш талабларини ўз ичига олган иссиқлик таъминоти тизимида стандартлаштириш ва метрология бўйича ягона сиёсатни амалга оширади, бунда барча турдаги энергия сарфини ҳисоблаш замонавий ўлчов воситаларини ўрганиш, жорий этиш ва улардан фойдаланиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқади;

о) уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида (уй-жой фонди, ичимлик суви таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари ҳамда иссиқлик таъминоти) давлат бюджети, халқаро молия институтлари, хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг маблағлари ҳамда давлат-хусусий шериклик ҳисобидан инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш соҳасида:

Вазирликка юкланган вазифалар доирасида инвестиция сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишни мувофиқлаштиради;

Давлат бюджети маблағлари ва чет эл инвестицияларини жалб этиш учун масъул ваколатли давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилади;

халқаро молия институтлари, хорижий ҳукумат молия ташкилотлари ҳамда донор мамлакатлар билан уларни уй-жой коммунал хўжалиги соҳасига оид инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга жалб қилиш бўйича истиқболли ва жорий ҳамкорлик таклифларини ўрганади, умумлаштиради ва дастурларни тайёрлайди;

инвестиция лойиҳаларининг лойиҳа-смета ҳужжатлари, техник-иқтисодий асослар ва бошқа лойиҳаларга оид ҳисоб-китобларни халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари кредитларини жалб этган ҳолда, ўз вақтида ишлаб чиқилиши бўйича чоралар кўради;

давлат-хусусий шерикликни жорий этиш ва ривожлантириш бўйича ҳамда соҳага хусусий секторни жалб қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

уй-жой коммунал хўжалиги соҳасини ривожлантириш учун тақдим этиладиган халқаро ва хорижий ҳукумат молия институтларининг техник кўмак (грант) маблағларидан фойдаланишнинг устувор йўналишларини белгилайди;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан қонунчиликда белгиланган ҳолатларда хорижий инвесторлар билан инвестиция шартномалари тузади;

п) қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ходимларни маҳаллий ва хорижий етакчи таълим муассасаларида тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш ва компетенциясини баҳолаш ишларини ташкил этиш ҳамда сертификатлаш жараёнларини мувофиқлаштириш соҳасида:

илғор хорижий тажрибаларни инобатга олган ҳолда қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасига оид тегишли йўналишларда ходимларни мақсадли тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этади ҳамда ўқув жараёнлари учун янги малака талаблари, ўқув режалари ва дастурларини ишлаб чиқишда иштирок этади;

қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида касбий малака ва билимларни ривожлантириш бўйича тармоқ кенгаши фаолиятини юритади;

қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, малакани баҳолаш ва сертификатлаш ишларини амалга оширади;

рақамли технологиялар асосида мутахассислар тўғрисидаги таҳлилий маълумотлар ҳамда сертификатланган мутахассислар реестрини юритади;

қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасига тегишли бўлган касблар бўйича касбий стандартларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича фаолиятни амалга оширади;

малакани баҳолаш ва сертификатлаш ишларига маҳаллий ҳамда хорижий экспертларни кенг жалб этади;

соҳа мутахассислари ва таълим олувчиларни нуфузли маҳаллий ҳамда хорижий ташкилотларда стажировка ва амалиётини ташкил этишда кўмаклашади;

соҳадаги ёш ходимларнинг билими, иқтидорини янада ошириш учун илмий-амалий конференция ва кўрик танловлар ўтказади;

вазирлик ва идоралар билан тегишли вазифа ҳамда топшириқларни ўзаро ҳамкорликда амалга оширишни ташкил этади.

12. Вазирлик ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бевосита, шунингдек, унинг тизимига кирадиган таркибий ва ҳудудий бўлинмалар орқали ҳал этади.

## 2-§. Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳамда вилоятлар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаларининг вазифалари ва функциялари

13. Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ва вилоятлар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаларининг вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

а) шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги вазифалари:

ҳудудда Вазирликка юкланган вазифаларни самарали бажариш;

шаҳарсозлик фаолияти йўналишлари бўйича таклифларни тайёрлаш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг тармоқ ва ҳудудий дастурларини тайёрлашда иштирок этиш;

юқори самарали ва энергияни тежайдиган лойиҳа ечимлари ва қурилиш материаллари, замонавий қурилиш технологиялари ва инновация лойиҳаларини татбиқ этишда кўмаклашиш;

аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқувчилар ва мутахассисларнинг малакасини доимий равишда ошириш ва уларни қайта тайёрлашни ташкил қилишда иштирок этиш;

тегишлича шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари, прокуратура, ички ишлар ва солиқ хизмати ҳудудий органлари раҳбарлари бошқарадиган комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожланиш секторлари (кейинги ўринларда комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожланиш секторлари деб аталади) билан ҳамкорлик қилиш;

шаҳарсозлик фаолияти соҳасида ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, қурилиш-пудрат ташкилотларини малакали қурувчи, лойиҳачи ва бошқа мутахассислар билан таъминлашда иштирок этиш;

б) уй-жой коммунал хўжалиги соҳасидаги вазифалари:

Вазирликнинг уй-жой коммунал хўжалиги соҳасидаги ягона давлат сиёсатини ҳудуд миқёсида татбиқ этиш ва тармоқлараро мувофиқлаштиришни амалга ошириш;

кўп квартирали уйларни бошқарув органлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва кўп квартирали уйларнинг техник ҳолатини мониторинг қилиш;

кўп хонадонли уй-жой фондини мукаммал ва жорий таъмирлаш ишларини мониторинг қилиш;

кўп квартирали уй-жой фондини сақлаш, улардан фойдаланиш ва умумий мулкни сақлашга қаратилган мажбурий бадаллар миқдорини аниқлаш юзасидан бошқарув органларига услубий кўмаклашиш;

ичимлик сув ва оқова сувларни чиқариб юбориш объектларини, иссиқлик таъминоти тизимларини модернизация ва реконструкция қилиш дастурлари амалга оширилишини мониторинг қилиш;

иссиқлик таъминоти тизимида, жумладан қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиб, энергия ва ресурсни тежайдиган янги технология ва ускуналарни жорий қилиш бўйича комплекс тадбирларни амалга ошириш;

марказий қозонхоналар, иссиқлик тармоқларини модернизация ва реконструкция қилиш борасида дастурларни амалга ошириш ва мониторингини юритиш;

ривожланган хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасини инобатга олган ҳолда уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;

ичимлик сув таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш хизматлари, иссиқлик таъминоти бўйича кўрсатиладиган хизматларга тариф сиёсатини шакллантириш ҳамда уй-жой коммунал хўжалиги соҳаси ташкилотларининг иқтисодий барқарорлигини мустаҳкамлаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

уй-жой коммунал хўжалиги соҳасининг ҳудуддаги ташкилотлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакаларини ошириш бўйича эҳтиёжни ўрганиш, шу юзасидан таклифлар киритиш;

бош бошқарма ва унинг ташкилий тузилмасидаги ташкилотларда ахборот коммуникация технологиялари фаолиятини йўлга қўйиш ва барқарорлигини таъминлаш;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасини ривожлантириш ва тартибга солишда иштирок этиш, соҳада хизмат кўрсатувчилар фаолиятига кўмаклашиш;

бош бошқарма ва унинг ташкилий тузилмасидаги ташкилотларда баланс ва молиявий ҳисоботларни қабул қилиш, таҳлил қилиш ҳамда Вазирликка тақдим қилиш.

14. Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, вилоятлар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаларининг ўзига юкланган асосий вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

а) шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги функциялари:

келишилган лойиҳа ҳужжатларининг фасад, кичик архитектура шакллари ҳамда бошқа архитектуравий ечимларидан жисмоний ва юридик шахслар томонидан чекиниш содир этилганда мазкур ҳолатларга нисбатан чора кўриш учун тўпланган материалларни вазирликнинг тегишли бўлинмасига, маҳаллий ҳокимият органлари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга тақдим этиб боради;

қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳолатларда ва тартибда қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиш комиссиялари ишида иштирок этади;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудини ривожлантиришни режалаштириш схемалари, агломерацияларни ривожлантириш стратегия-

лари, умумдавлат ва маҳаллий аҳамиятга молик алоҳида тартибга солинадиган шаҳарсозлик фаолияти объектларининг шаҳарсозлик ҳужжатлари, аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатлари ишлаб чиқилиши, келишилиши ва тасдиқланишида иштирок этади;

мақсадли дастурларга киритилган қурилиш объектларининг лойиҳа топшириқларини келишади;

объектларнинг жойлашуви бўйича қурилиш чизиғини белгилайди;

умумдавлат ва маҳаллий аҳамиятга молик алоҳида тартибга солинадиган шаҳарсозлик фаолияти объектлари учун чегаралар белгилаш ҳақида таклифлар киритади;

бош режалар мавжуд бўлмаган ҳудудларда ҳамда бош режа ишлаб чиқилаётган даврда, шунингдек, батафсил режалаштириш лойиҳаларида назарда тутилмаган объектлар жойлаштирилишини ҳудудий архитектура-шаҳарсозлик кенгашларида кўриб чиқади ва келишади;

ўз ваколатлари доирасида аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлашни ташкил қилишда иштирок этиш;

тегишли ҳудудларда шаҳарсозлик фаолияти объектларини жойлаштириш ва муҳандислик, транспорт ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш масалалари бўйича таклифлар киритиш;

аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатлари асосида (мавжуд бўлганда) шаҳарсозлик фаолияти объектлари, бино-иншоотлар, муҳандислик ва транспорт инфратузилмаси объектлари қурилиши ёки реконструкцияси, шунингдек, ҳудудларни ободонлаштиришни лойиҳалаштириш учун архитектура-режалаштириш топшириқларини ишлаб чиқади;

аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларининг амалга оширилиши юзасидан мониторинг олиб боради;

давлат шаҳарсозлик кадастри юритилишида иштирок этади;

лойиҳа ҳужжатларининг архитектура қисмини сақлашга доир электрон архивни юритади;

шаҳарсозлик фаолияти соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари бўйича таклифлар тайёрлашда қатнашади;

ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича ҳудудий мақсадли дастурлар, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш прогнозларининг шаҳарсозлик бўлимларини (қисмларини) ишлаб чиқишда ва амалга оширишда қатнашади;

аҳолини шаҳарсозлик фаолияти тўғрисида мунтазам равишда хабардор қилиб боради;

шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритади;

шаҳарсозлик фаолияти, шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш, пудрат ишлари ва қурилиш материаллари бозорини ривожлантириш, қурилиш-монтаж ишларига янги техника ва замонавий технологияларни қўллаш масалалари бўйича халқаро илмий-техник ва иқтисодий ҳамкорликни амалга оширишда тегишли ҳудуддаги ташкилотларга амалий ёрдам кўрсатади, хорижий ҳамкорлар билан алоқалар ўрнатишда кўмаклашади;

аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатлари асосида ҳудудлардаги

ерлардан самарали фойдаланиш, шунингдек, тегишли ҳудудда муҳандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш бўйича таклифлар киритади;

шаҳарсозлик фаолияти объектларини жойлаштириш ҳамда шаҳар, шаҳарча ва қишлоқ (овул)нинг чегараларини белгилаш тўғрисида таклифлар киритади;

юқори самарали ва энергияни тежайдиган лойиҳа ечимлари, қурилиш материаллари, замонавий қурилиш технологиялари ва инновацион лойиҳаларни амалиётга татбиқ этишда иштирок этади;

тегишли ҳудуддаги шаҳарсозлик фаолияти объектлари бўйича лойиҳалаштириш ишларини ва комплекс муҳандислик қидирувлари, шунингдек, шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқувчиларнинг муаллифлик назоратини мувофиқлаштириб боради;

бош бошқарма ҳузуридаги ҳудудий Архитектура-шаҳарсозлик кенгаши фаолиятини ташкил этади;

белгиланган тартибда бино ва иншоотлар ҳамда бошқа объектлар лойиҳаларининг архитектура қисмини келишиб беради ёки асослантирган ҳолда рад этади;

шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқувчилар ва объектлар қурилиши бўйича қурилиш-пудрат ташкилотларининг рейтинг баҳоларини акс эттирувчи кўрсаткичлар тизимини жорий этишда иштирок этади;

қурилишда ислоҳотларни чуқурлаштириш, шунингдек, пудрат ишлари бозорини ривожлантириш бўйича таклифларни Вазирликка киритади;

қурилиш индустрияси корхоналари тўғрисидаги маълумотлар базаси, шунингдек, қурилиш материаллари, конструкциялари ва буюмлари тўғрисидаги маълумотларнинг ахборот базасини шакллантиришда иштирок этади;

соҳага кириб келаётган замонавий техника ва технологияларни инобатга олган ҳолда қисқа муддатли малака ошириш курсларининг дастурларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишда иштирок этади;

соҳага оид фаолият юритаётган мутахассислар малакасини ошириш ва сертификатлаш чораларини кўриш юзасидан таклифлар киритади;

назарий билимлар ва амалий кўникмаларни шакллантириш мақсадида ҳудудларда амалга оширилаётган қурилиш объектларида кўчма машғулотлар ташкил этишда кўмаклашади;

соҳа мутахассисларининг ишлаб чиқариш амалиётларини ўташ базаси сифатида уларни лойиҳа ва пудрат ташкилотларига жойлаштиришга кўмаклашади;

архитектура ва қурилиш ривожланиши ҳолати мониторингини олиб боради, минтақада келажакда уларни янада ривожлантириш бўйича прогнозларни шакллантиради;

вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар ҳудудий бўлинмаларининг архитектура ва қурилиш соҳасидаги ишларини мувофиқлаштиради;

белгиланган тартибда тасдиқланган архитектура ва қурилиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижросини таъминлайди;

архитектура ва қурилиш соҳасида ўзини кўрсатган ходимларни, шу-

нингдек, архитектура ва қурилишни ривожлантиришга кўмаклашган бошқа шахсларни мукофотлаш ҳақида таклиф тайёрлайди ва белгиланган тартибда тақдим этади;

б) уй-жой коммунал хўжалиги соҳасидаги функциялари:

жисмоний ва юридик шахсларнинг уй-жой коммунал хизматларга бўлган талабини ўрганади ва ўрнатилган тартибда Вазирликка тақдим қилади;

истеъмолчиларга уй-жой коммунал хизматлар кўрсатиш сифат даражасини ошириш ва энергия тежайдиган замонавий технологияларни жорий қилиш юзасидан таклифлар киритади;

кўп хонадонли уй-жой фонди, ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш хизматлари, иссиқлик таъминоти соҳасида қурилиш, реконструкция, капитал таъмирлаш ва модернизация қилишга доир дастурларни ишлаб чиқишда иштирок этади;

ҳудудий уй-жой коммунал хўжалиги тизимига раҳбарлик қилади, уй-жой коммунал хўжалиги объектларидан фойдаланадиган ташкилотлар фаолиятига кўмаклашади;

кўп хонадонли уй-жой фонди, иссиқлик таъминоти, ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тизимларининг техник-иқтисодий ҳолати кўрсаткичларини ўрганади ва мониторинг қилади;

кўп квартирали уйлардан ва кўп квартирали уйларга туташ ер участкаларидан фойдаланиш ҳамда уларни сақлаш бўйича тизимли ишларни самарали ташкил қилишда иштирок этади;

кўп квартирали уйларни мавсумий фойдаланишга ўз вақтида ва сифатли тайёрлаш ишларини ташкил қилишда иштирок этади;

кўп квартирали уйларни бошқариш органларига новаторлик фаолиятини ва замонавий инновацион технологияларни жорий этишга кўмаклашиш;

кўп квартирали уйларни бошқариш органлари фаолиятининг техник-иқтисодий кўрсаткичларини таҳлил қилиб боради ҳамда Вазирликка тақдим қилиб боради;

уй-жой коммунал хўжалиги сифатини ошириш, уларнинг турларини кенгайтириш, ишлаб чиқаришнинг моддий ва энергия истеъмолини камайтириш ва бу соҳани такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;

маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан уй-жой мулкдорлари ширкатларининг кўп хонадонли уйларнинг сақланишини таъминлаш, уй-жой коммунал хўжалиги объектларининг барқарор ишлаши масалалари юзасидан ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўяди;

ҳудуд аҳолисини уй-жой коммунал хўжалиги ташкилотларининг фаолияти тўғрисида мунтазам хабардор қилади, жисмоний шахслар, шу жумладан якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахсларнинг бош бошқарма ваколатига киритилган масалаларга тааллуқли мурожаатларини қонунчиликда белгиланган тартибда кўриб чиқади ва зарур чоралар кўради:

кўп хонадонли уй-жой фондини таъмирлаш, ободонлаштириш ва ундан фойдаланиш кўп хонадонли уйларни бошқариш ва бошқарувни амалга оширадиган ташкилотларни назорат қилиш тизимининг фаолият кўрсатиши, уй-

жой муносабатлари иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида аҳолини ахборот билан таъминлайди;

кўп хонадонли уй-жой фондининг турар жойларини яшаш учун яроқсиз деб тан олиш тадбирларини белгиланган тартибда амалга оширишда иштирок этади ҳамда кўп хонадонли уй-жой фондининг авария ҳолати мониторингини олиб боради;

кўп хонадонли уй-жой фондини куз-қиш мавсумида барқарор ишлашга тайёрлаш борасида маҳаллий ижро ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятига кўмаклашади;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги дастурлар, стратегиялар ҳамда концепцияларни ишлаб чиқиш учун аниқ таклифларни шакллантириш ва уларни амалга оширишда иштирок этиш;

аҳолининг ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар билан қамраб олинишини мониторинг қилиш;

аҳоли пунктларини ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар билан таъминлаш учун давлат ижтимоий буюртмалари учун таклифларни шакллантириш;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар кўрсатилишида хусусий секторнинг иштирокини кенгайтириш бўйича чоралар кўриш, шу жумладан давлат-хусусий шериклик асосида кенгайтириш чораларини кўриш;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги тариф сиёсатини шакллантиришга кўмаклашиш учун ҳудуддаги тарифларни иқтисодий ва техник томондан таҳлил қилиш;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги илмий тадқиқотларни амалга оширишга кўмаклашиш;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасида ходимларга бўлган эҳтиёжни таҳлил қилиш ҳамда уларни тайёрлаш бўйича таклифларни шакллантириш;

ичимлик суви таъминоти ташкилотлари фаолияти самарадорлигининг асосий мезонларини бажарилишини баҳолашда иштирок этиш;

ичимлик суви ва оқова сувларни тозалаш иншоотларини технологик аудитдан ўтказиш бўйича таклифларни шакллантириш ҳамда сувни тежаш бўйича зарур чораларни кўриш;

ичимлик суви таъминоти ташкилотлари учун сувнинг технологик жиҳатдан сарфланишини ва йўқотилишини йўл қўйиладиган нормаларини (лимитларини) белгилашда иштирок этиш;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш объектларини қуриш ҳамда реконструкция қилишга доир аниқ йўналтирилган дастурларни шакллантиришда иштирок этиш;

давлат ижтимоий буюртмаси асосида ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги лойиҳаларнинг рўёбга чиқарилиши

мониторингини маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари билан ҳамкорликда амалга ошириш;

иссиқлик таъминоти тизимида, жумладан қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиб, энергия ва ресурсни тежайдиган янги технология ва ускуналарни жорий қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

объектларда энергия самарадорлигини таъминлайдиган маҳаллий қозонхоналар қуриш, шунингдек, хонадонлар ичида алоҳида иссиқлик таъминоти тизимларини ўрнатиш орқали марказлаштирилмаган иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш бўйича таклифларни тайёрлайди;

жисмонан ва маънан эскирган, самарадорлиги паст қозонхона агрегатлари, насос ускуналари, ишдан чиққан магистраль ва тақсимлаш иссиқлик тармоқлари модернизация, реконструкция қилиниши ҳамда алмаштирилишида қатнашади;

энергия ресурсларини ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишни норматив ҳисобга олишни йўлга қўйиш, истеъмолчиларнинг иссиқлик таъминоти хизматлари учун келиб тушадиган маблағлар ва тўловларини автоматлаштирилган ҳисобга олиш тизими жорий қилинишини ташкил этади;

уй-жой коммунал хўжалиги соҳаси учун ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга эҳтиёжни ўрганади, уй-жой коммунал хўжалиги соҳаси учун ходимлар тайёрлашни, хорижий мамлакатларда тажриба орттириш учун номзодларни жалб қилиш ишларини ташкил қилади;

тегишли давлат органлари билан ҳамкорликда бошқарма ва унинг ташкилий тузилмасидаги ташкилотларда коррупцияни олдини олишга қаратилган ишларни ташкиллаштиради.

15. Бош бошқарма қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

### 3-§. Тошкент шаҳар Қурилиш бош бошқармасининг вазифалари ва функциялари

16. Тошкент шаҳар Қурилиш бош бошқармасининг вазифалари ва функциялари этиб қуйидагилар ҳисобланади:

ҳудудда Вазирликка юкланган вазифаларни самарали бажариш;

ўз ваколатлари доирасида аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлашни ташкил қилишда иштирок этиш;

шаҳарсозлик фаолияти йўналишлари бўйича таклифларни тайёрлаш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг тармоқ ва ҳудудий дастурларини тайёрлашда иштирок этиш;

ҳудудларда шаҳарсозлик фаолияти объектларини жойлаштириш ва муҳандислик, транспорт ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш масалалари бўйича таклифлар киритиш;

юқори самарали ва энергияни тежайдиган лойиҳа ечимлари ва қурилиш материаллари, замонавий қурилиш технологиялари ва инновация лойиҳаларини татбиқ этишда кўмаклашиш;

аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқувчилар ва

мутахассисларнинг малакасини доимий равишда ошириш ва уларни қайта тайёрлашни ташкил қилишда иштирок этиш;

туманлар ҳокимлари, прокуратура, ички ишлар ва солиқ хизмати ҳудудий органлари раҳбарлари бошқарадиган комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожланиш секторлари (кейинги ўринларда комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожланиш секторлари деб аталади) билан ҳамкорлик қилиш;

шаҳарсозлик фаолияти соҳасида ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, минтақадаги қурилиш-пудрат ташкилотларини юқори малакали қурувчилар, лойиҳачилар ва бошқа мутахассислар билан таъминлашни ташкил қилишда иштирок этиш.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда шаҳарсозлик фаолияти соҳасида Тошкент шаҳар Қурилиш бош бошқармасига алоҳида вазифалар юклатилиши мумкин.

17. Бош бошқарма ўзига юкланган асосий вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

келишилган лойиҳа ҳужжатларининг фасад, кичик архитектура шакллари ҳамда бошқа архитектуравий ечимларидан жисмоний ва юридик шахслар томонидан чекиниш содир этилганда мазкур ҳолатларга нисбатан чора кўриш учун тўпланган материалларни вазирликнинг тегишли бўлинмасига, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга тақдим этиб боради;

қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳолатларда ва тартибда қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиш комиссиялари ишида иштирок этади;

аҳоли пунктларининг бош режалари, батафсил режалаштириш лойиҳалари ҳамда бошқа шаҳарсозлик ҳужжатлари ишлаб чиқилиши, келишилиши ва тасдиқланишида иштирок этади;

мақсадли дастурларга киритилган қурилиш объектларининг лойиҳа топшириқларини келишади;

объектларнинг жойлашуви бўйича қурилиш чизиғини белгилайди;

умумдавлат ва маҳаллий аҳамиятга молик алоҳида тартибга солинадиган шаҳарсозлик фаолияти объектлари учун чегаралар белгилаш ҳақида таклифлар киритади;

бош режалар мавжуд бўлмаган ҳудудларда ҳамда бош режа ишлаб чиқилаётган даврда, шунингдек, батафсил режалаштириш лойиҳаларида назарда тутилмаган объектлар жойлаштирилишини ҳудудий архитектура-шаҳарсозлик кенгашида кўриб чиқади ва келишади;

аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатлари асосида (мавжуд бўлганда) шаҳарсозлик фаолияти объектлари, бино-иншоотлар, муҳандислик ва транспорт инфратузилмаси объектлари қурилиши ёки реконструкцияси, шунингдек, ҳудудларни ободонлаштиришни лойиҳалаштириш учун архитектура-режалаштириш топшириқларини ишлаб чиқади;

аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларининг амалга оширилиши юзасидан мониторинг олиб боради;

давлат шаҳарсозлик кадастри юритилишида иштирок этади;

лойиҳа ҳужжатларининг архитектура қисмини сақлашга доир электрон архивни юритади;

шаҳарсозлик фаолияти соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари бўйича таклифлар тайёрлашда қатнашади;

ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича ҳудудий мақсадли дастурлар, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш прогнозларининг шаҳарсозлик бўлимларини (қисмларини) ишлаб чиқишда ва амалга оширишда қатнашади;

аҳолини шаҳарсозлик фаолияти тўғрисида мунтазам равишда хабардор қилиб боради;

шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритади;

шаҳарсозлик фаолияти, шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш, пудрат ишлари ва қурилиш материаллари бозорини ривожлантириш, қурилиш-монтаж ишларига янги техника ва замонавий технологияларни қўллаш масалалари бўйича халқаро илмий-техник ва иқтисодий ҳамкорликни амалга оширишда ҳудуддаги ташкилотларга амалий ёрдам кўрсатади, хорижий ҳамкорлар билан алоқалар ўрнатишда кўмаклашади;

аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатлари асосида ҳудудлардаги ерлардан самарали фойдаланиш, шунингдек, ҳудудда муҳандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш бўйича таклифлар киритади;

шаҳарсозлик фаолияти объектларини жойлаштириш ҳамда аҳоли пунктларининг чегараларини белгилаш тўғрисида таклифлар киритади;

юқори самарали ва энергияни тежайдиган лойиҳа ечимлари, қурилиш материаллари, замонавий қурилиш технологиялари ва инновацион лойиҳаларни амалиётга татбиқ этишда иштирок этади;

ҳудуддаги шаҳарсозлик фаолияти объектлари бўйича лойиҳалаштириш ишларини ва комплекс муҳандислик қидирувлари, шунингдек, шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқувчиларнинг муаллифлик назоратини мувофиқлаштириб боради;

бош бошқарма ҳузуридаги ҳудудий Архитектура-шаҳарсозлик кенгаши фаолиятини ташкил этади;

бино ва иншоотлар ҳамда бошқа объектлар лойиҳаларининг архитектура қисмини келишиб беради ёки асослантирган ҳолда рад этади;

аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқувчилар ва объектлар қурилиши бўйича қурилиш-пудрат ташкилотларининг рейтинг баҳоларини акс эттирувчи кўрсаткичлар тизимини жорий этишда иштирок этади;

қурилишдаислоҳотларни чуқурлаштириш, шунингдек, пудрат ишлари бозорини ривожлантириш бўйича таклифларни Вазирликка киритади;

қурилиш индустрияси корхоналари тўғрисидаги маълумотлар базаси, шунингдек, қурилиш материаллари, конструкциялари ва буюмлари тўғрисидаги маълумотларнинг ахборот базасини шакллантиришда иштирок этади;

соҳага кириб келаётган замонавий техника ва технологияларни инобатга олган ҳолда қисқа муддатли малака ошириш курсларининг дастурларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишда иштирок этади;

соҳага оид фаолият юритаётган мутахассислар малакасини ошириш ва сертификатлаш чораларини кўриш юзасидан таклифлар киритади;

назарий билимлар ва амалий кўникмаларни шакллантириш мақсадида ҳудудларда амалга оширилаётган қурилиш объектларида кўчма машғулотлар ташкил этишда кўмаклашади;

соҳа мутахассисларининг ишлаб чиқариш амалиётларини ўташ базаси сифатида уларни лойиҳа ва пудрат ташкилотларига жойлаштиришга кўмаклашади;

архитектура ва қурилиш ривожланиши ҳолати мониторингини олиб боради, минтақада келажакда уларни янада ривожлантириш бўйича прогнозларни шакллантиради;

вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар ҳудудий бўлинмаларининг архитектура ва қурилиш соҳасидаги ишларини мувофиқлаштиради;

белгиланган тартибда тасдиқланган архитектура ва қурилиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижросини таъминлайди;

архитектура ва қурилиш соҳасида ўзини кўрсатган ходимларни, шунингдек, архитектура ва қурилишни ривожлантиришга кўмаклашган бошқа шахсларни мукофотлаш ҳақида таклиф тайёрлайди ва белгиланган тартибда тақдим этади.

18. Бош бошқарма қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

## 4-§. Тошкент шаҳар Уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармасининг вазифалари ва функциялари

19. Тошкент шаҳар Уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармасининг вазифалари этиб қуйидагилар ҳисобланади:

Вазирликнинг уй-жой коммунал хўжалиги соҳасидаги ягона давлат сиёсатини ҳудуд миқёсида татбиқ этиш ва тармоқлараро мувофиқлаштиришни амалга ошириш;

кўп квартирали уйларда бошқарув органлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва кўп квартирали уйларнинг техник ҳолатини мониторинг қилиш;

кўп хонадонли уй-жой фондини мукаммал ва жорий таъмирлаш ишларини ташкил қилишда иштирок этиш;

кўп квартирали уй-жой фондини сақлаш, улардан фойдаланиш ва умумий мулкни сақлашга қаратилган мажбурий бадаллар миқдорини аниқлаш юзасидан бошқарув органларига услубий кўмаклашиш;

ичимлик сув ва оқова сувларни чиқариб юбориш объектларини, иссиқлик таъминоти тизимларини модернизация ва реконструкция қилиш дастурлари амалга оширилишини мониторинг қилиш;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасини ривожлантириш ва тартибга солишда иштирок этиш, мазкур соҳада ҳудудда хизмат кўрсатувчилар фаолиятини мувофиқлаштириш;

иссиқлик таъминоти тизимида, жумладан қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиб, энергия ва ресурсни тежайдиган янги технология ва ускуналарни жорий қилиш бўйича комплекс тадбирларни ишлаб чиқиш;

марказий қозонхоналар, иссиқлик тармоқларини модернизация ва реконструкция қилиш борасида дастурларни шакллантириш;

ривожланган хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасини инобатга олган ҳолда уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;

ичимлик сув таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш хизматлари, иссиқлик таъминоти бўйича кўрсатиладиган хизматларга тариф сиёсатини шакллантириш учун ҳамда уй-жой коммунал хўжалиги соҳаси ташкилотларининг иқтисодий барқарорлигини мустаҳкамлаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

уй-жой коммунал хўжалиги соҳасининг ҳудуддаги ташкилотлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакаларини ошириш бўйича эҳтиёжни ўрганиш, шу юзасидан таклифлар киритиш;

уй-жой коммунал хўжалиги соҳасининг ҳудудий ташкилотлари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга жалб қилиш;

бош бошқарма ва унинг ташкилий тузилмасидаги ташкилотларда ахборот коммуникация технологиялари фаолиятини йўлга қўйиш ва барқарорлигини таъминлаш;

бош бошқарма ва унинг ташкилий тузилмасидаги ташкилотларда баланс ва молиявий ҳисоботларни қабул қилиш, таҳлил қилиш ҳамда Вазирликка тақдим қилиш.

20. Бош бошқарма ўзига юкланган асосий вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

жисмоний ва юридик шахсларнинг уй-жой коммунал хизматларга бўлган талабини ўрганади ва ўрнатилган тартибда Вазирликка тақдим қилади;

истеъмолчиларга уй-жой коммунал хизматлар кўрсатиш сифат даражасини ошириш ва энергия тежайдиган замонавий технологияларни жорий қилиш юзасидан таклифлар киритади;

кўп хонадонли уй-жой фонди, ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш хизматлари, иссиқлик таъминоти соҳасида қурилиш, реконструкция ва модернизация қилишга доир дастурларни ишлаб чиқишда иштирок этади;

ҳудудий уй-жой коммунал хўжалиги тизимига раҳбарлик қилади, уй-жой коммунал хўжалиги объектларидан фойдаланадиган ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштиради;

кўп хонадонли уй-жой фонди, иссиқлик таъминоти, ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тизимларининг техник-иқтисодий ҳолати кўрсаткичларини ўрганади ва мониторинг қилади;

кўп квартирали уйлардан ва кўп квартирали уйларга туташ ер участкаларидан фойдаланиш ҳамда уларни сақлаш бўйича тизимли ишларни самарали ташкил қилишда иштирок этади;

кўп квартирали уйларни мавсумий фойдаланишга ўз вақтида ва сифатли тайёрлаш ишларини ташкил қилади;

кўп квартирали уйларни бошқариш органларига новаторлик фаолиятини ва замонавий инновацион технологияларни жорий этишга кўмаклашиш;

кўп квартирали уйларни бошқариш органлари фаолиятининг техник-иқтисодий кўрсаткичларини таҳлил қилиб боради ҳамда вазирликка тақдим қилиб боради;

уй-жой коммунал хўжалиги сифатини ошириш, уларнинг турларини кенгайтириш, ишлаб чиқаришнинг моддий ва энергия истеъмолини камайтириш ва бу соҳани такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;

маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан уй-жой мулкдорлари ширкатларининг кўп хонадонли уйларнинг сақланишини таъминлаш, уй-жой коммунал хўжалиги объектларининг барқарор ишлаши масалалари юзасидан ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўяди;

ҳудуд аҳолисини уй-жой коммунал хўжалиги ташкилотларининг фаолияти тўғрисида мунтазам хабардор қилади, жисмоний юридик шахсларнинг бош бошқарма ваколатига киритилган масалаларга тааллуқли мурожаатларини қонунчиликда белгиланган тартибда кўриб чиқади;

кўп хонадонли уй-жой фондини таъмирлаш, ободонлаштириш ва ундан фойдаланиш кўп хонадонли уйларни бошқариш ва бошқарувни амалга оширадиган ташкилотларни назорат қилиш тизимининг фаолият кўрсатиши, уй-жой муносабатлари иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида аҳолини ахборот билан таъминлайди;

кўп хонадонли уйларни реконструкция қилиш, улардан фойдаланиш, сақлаш ва таъмирлаш, уларнинг техник ва фойдаланиш ҳолатини яхшилаш масаласида маҳаллий ижро этувчи органлар фаолиятига кўмаклашади;

кўп хонадонли уй-жой фондининг турар жойларини яшаш учун яроқсиз деб тан олиш тадбирларини белгиланган тартибда амалга оширишда иштирок этади;

кўп хонадонли уй-жой фондининг авария ҳолати мониторингини олиб боради;

кўп хонадонли уй-жой фондини куз-қиш мавсумида барқарор ишлашга тайёрлаш борасида ишларни ташкил қилади ва маҳаллий ижро ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятига кўмаклашади;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги дастурлар, стратегиялар ҳамда концепцияларни ишлаб чиқиш учун аниқ таклифларни шакллантириш ва уларни амалга оширишда иштирок этиш;

аҳолининг ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар билан қамраб олинишини мониторинг қилиш;

аҳоли пунктларини ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар билан таъминлаш учун давлат ижтимоий буюртмалари учун таклифларни шакллантириш;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар кўрсатилишида хусусий секторнинг иштирокини кенгайтириш бўйича чоралар кўриш, шу жумладан давлат-хусусий шериклик асосида кенгайтириш чораларини кўриш;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳаси-

даги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги тариф сиёсатини шакллантиришга кўмаклашиш учун ҳududдаги тарифларни иқтисодий ва техник томондан таҳлил қилиш;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги илмий тадқиқотларни амалга оширишга кўмаклашиш;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасида ходимларга бўлган эҳтиёжни таҳлил қилиш ҳамда уларни тайёрлаш бўйича таклифларни шакллантириш;

ичимлик суви таъминоти ташкилотлари фаолияти самарадорлигининг асосий мезонларини бажарилишини баҳолашда иштирок этиш;

ичимлик суви ва оқова сувларни тозалаш иншоотларини технологик аудитдан ўтказиш бўйича таклифларни шакллантириш ҳамда сувни тежаш бўйича зарур чораларни кўриш;

ичимлик суви таъминоти ташкилотлари учун сувнинг технологик жиҳатдан сарфланишини ва йўқотилишини йўл қўйиладиган нормаларини (лимитларини) белгилашда иштирок этиш;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш объектларини қуриш ҳамда реконструкция қилишга доир аниқ йўналтирилган дастурларни шакллантириш;

давлат ижтимоий буюртмаси асосида ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш объектларини қуриш ҳамда реконструкция қилишга доир аниқ йўналтирилган рўйхатларни юритиш;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги лойиҳаларнинг рўёбга чиқарилиши мониторингини маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари билан ҳамкорликда амалга ошириш;

иссиқлик таъминоти тизимида, жумладан қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиб, энергия ва ресурсни тежайдиган янги технология ва ускуналарни жорий қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

объектларда энергия самарадорлигини таъминлайдиган маҳаллий қозонхоналар қуриш, шунингдек, хонадонлар ичида алоҳида иссиқлик таъминоти тизимларини ўрнатиш орқали марказлаштирилмаган иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш бўйича таклифларни тайёрлайди;

жисмонан ва маънан эскирган, самарадорлиги паст қозонхона агрегатлари, насос ускуналари, ишдан чиққан магистраль ва тақсимлаш иссиқлик тармоқлари модернизация, реконструкция қилиниши ҳамда алмаштирилишида қатнашади;

энергия ресурсларини ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишни норматив ҳисобга олишни йўлга қўйиш, истеъмолчиларнинг иссиқлик таъминоти хизматлари учун келиб тушадиган маблағлар ва тўловларини автоматлаштирилган ҳисобга олиш тизими жорий қилинишини ташкил этади;

уй-жой коммунал хўжалиги соҳаси учун ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга эҳтиёжни ўрганади, уй-жой коммунал хўжалиги соҳаси учун ходимлар тайёрлашни, хорижий мамлакат-

ларда тажриба орттириш учун номзодларни жалб қилиш ишларини ташкил қилади;

тегишли давлат органлари билан ҳамкорликда бош бошқарма ва унинг ташкилий тузилмасидаги ташкилотларда коррупцияни олдини олишга қаратилган ишларни ташкиллаштиради.

21. Бош бошқарма қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

### 5-§. Туман (шаҳар) қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлимлари, Тошкент шаҳар туман қурилиш бўлимлари ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлимларининг вазифалари ва функциялари

22. Туман (шаҳар) қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлимлари, Тошкент шаҳар туман қурилиш бўлимлари ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлимларининг вазифалари этиб қуйидагилар ҳисобланади:

а) шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги вазифалари:

тегишли туманда (шаҳарда) Вазирликка юкланган вазифалар ва функцияларни бажарилишини таъминлаш;

ўзларига юкланган вазифалар бўйича давлат хизматларини кўрсатиш ҳамда тизимни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритиш;

комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожланиш секторлари билан ҳамкорлик қилиш;

шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари талабларига риоя этилишини назорат қилишда иштирок этиш;

аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларининг ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишида иштирок этиш;

ўз ваколатлари доирасида аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини амалиётга татбиқ этиш мониторингини олиб бориш;

шаҳарсозлик фаолияти йўналишлари бўйича таклифлар тайёрлаш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг тармоқ ва ҳудудий дастурларини ишлаб чиқишда қатнашиш;

шаҳарсозлик фаолияти объектларини жойлаштириш, шунингдек, тегишли ҳудудда муҳандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш юзасидан таклифлар киритиш;

аҳоли пунктининг бош режаси мавжуд бўлмаганда ёки унинг янги бош режаси ишлаб чиқилаётган даврда аҳоли пункти ҳудудида жорий қурилиш учун ер участкаси ажратиш билан боғлиқ масалаларни ҳудудий архитектура-шаҳарсозлик кенгашлари билан келишиб олиш учун Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, вилоятлар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармалари ва Тошкент шаҳар Қурилиш бош бошқармасига тақдимнома киритиш;

шаҳарсозлик фаолияти соҳасида юқори самарали ва энергияни тежайдиган лойиҳа ечимлари ва қурилиш материаллари, замонавий қурилиш технологиялари ва инновация лойиҳаларини татбиқ этишда иштирок этиш;

лойиҳалаштириш ва пудрат ишлари, қурилиш материаллари бозорларида рақобат муҳитини шакллантириш бўйича таклифлар киритиш;

туманда (шаҳарда) архитектура ва қурилишни ривожлантириш ҳолати мониторингини олиб бориш, туманда (шаҳарда) уларни янада ривожлантириш бўйича ҳар йилги прогнозларни шакллантириш;

б) уй-жой коммунал хўжалиги соҳасидаги вазифалари:

тегишли туманда (шаҳарда) Вазирликка юкланган вазифалар ва функцияларни бажарилишини таъминлаш;

уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш ҳамда уй-жой коммунал хизматларнинг замонавий шакл ва усулларини жорий этишда кўмаклашиш;

кўп квартирали уйларнинг ҳисобини юритиш, уйларнинг техник ҳолатини мониторинг қилиш;

кўп хонадонли уйларни қуриш бўйича дастурлари амалга оширилишида иштирок этиш, эски ва авария ҳолатидаги уй-жойлар бузилишини ташкил этиш;

маҳаллий ижро ҳокимияти органлари билан ҳамкорликда кўп квартирали уйларни таъмирлаш ва реконструкция қилиш бўйича дастурларни шакллантириш;

бошқарувчи ташкилот ва уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятига кўмаклашиш;

уй-жой коммунал хўжалиги соҳаси учун ходимлар тайёрлаш бўйича таклифлар киритиш, ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш;

вазирлик ва бош бошқарма томонидан берилган топшириқ ва вазифаларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш, бажарилиши юзасидан ҳисоботлар киритиш;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасини ривожлантириш ва тартибга солишда иштирок этиш, мазкур соҳада ҳудудда хизмат кўрсатувчилар фаолиятига кўмаклашиш;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасида барча дастурлар доирасида амалга оширилаётган қурилиш, реконструкция ва модернизация қилиш соҳасида амалга оширилаётган ишларни мониторинг қилиш;

ваколати доирасида истеъмолчиларга ичимлик суви таъминоти ва оқова сувни чиқариб юбориш хизматларини кўрсатиш сифатини яхшилаш чораларини кўриш ва кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада яхшилаш борасида таклифлар киритиш.

23. Туман (шаҳар) қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлимлари, Тошкент шаҳар туман қурилиш бўлимлари ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлимлари уларга юкланган асосий вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

а) шаҳарсозлик фаолияти соҳасида:

туманда (шаҳарда) архитектура ва қурилишнинг ривожланиш ҳолати мониторингини олиб боради, туманда (шаҳарда) уларни янада ривожлантириш бўйича ҳар йилги прогнозларни шакллантиради;

аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларига асосан лойиҳа ва қурилиш-монтаж ишларини бажаришда шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчиликка, шаҳарсозлик норма ва қоидаларига, стандартларга риоя этилиши юзасидан назорат амалга оширилишида иштирок этади;

ер майдонларини аукционга чиқарилишида иштирок этади;

ўз ваколатлари доирасида давлат хизматларини кўрсатади;

белгиланган тартибда объектлар чегараларини белгилаш бўйича таклифлар киритади;

шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари бузилишларини бартараф этиш бўйича шаҳарсозлик фаолияти субъектлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган ёзма кўрсатмалар беради;

шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари бузилишида айбдор бўлган шахсларга нисбатан жазо чораларини кўриш учун материалларни ваколатли органларга беради;

аҳоли пунктларини шаҳарсозлик ҳужжатлари билан таъминлаш бўйича таклифлар киритади;

аҳоли пунктларининг бош режалар, батафсил режалаштириш лойиҳалари ва бошқа шаҳарсозлик ҳужжатларини амалга оширишда иштирок этади;

тегишли ҳудудларда шаҳарсозлик фаолияти объектларини жойлаштириш ва муҳандислик, транспорт ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш масалалари бўйича бош бошқармалар ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларига таклифлар киритади;

аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларининг амалга оширилиши юзасидан мониторинг олиб боради;

бош бошқармаларга давлат шаҳарсозлик кадастрини юритиш юзасидан маълумотларни киритади;

ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича ҳудудий дастурлар, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш прогнозларининг шаҳарсозлик бўлимларини (қисмларини) ишлаб чиқиш ва амалга оширишда қатнашади;

тегишли ҳудудни ривожлантириш бўйича шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун бошланғич маълумотларни жамлашда кўмаклашади ва иштирок этади;

аҳолини шаҳарсозлик фаолияти тўғрисида мунтазам равишда хабардор қилиб боради;

юқори самарали ва энергияни тежайдиган лойиҳа ечимлари, қурилиш материаллари, замонавий қурилиш технологиялари ва инновацион лойиҳаларни татбиқ этишда иштирок этади;

лойиҳалаштириш ва қурилиш-пудрат ташкилотларининг рейтинг баҳоларини акс эттирувчи кўрсаткичлар тизимини жорий этишда иштирок этади;

б) уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида:

кўп квартирали уйларни сақлаш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ белгиланган вазифалар ва ишлаб чиқилган дастурлар ижросининг мониторингини юритади;

кўп квартирали уйларнинг техник паспортлари асосида уйларнинг сони,

уларнинг техник ҳолати ва ушбу уйларга хизмат кўрсатувчи бошқариш ташкилотлари юзасидан тўлиқ маълумот-ҳисоботларни юритади;

кўп квартирали уйларнинг техник ҳолати бўйича хатлов ишларини ўтказади, бу борада ишлаб чиқилган статистик ҳисоботлар, нуқсон далолатномалари ва шу каби бошқа ҳужжатлар амалиётга тўлиқ татбиқ этилишида иштирок этади;

уйларнинг техник ҳолати ва келгусида таъмирлаш зарурияти юзасидан манзилли дастур бўйича таклифлар тайёрлайди;

ўтказилган техник хатлов натижалари бўйича тегишли ҳудудда жойлашган кўп квартирали уйларнинг тасдиқланган техник меъёрларга мувофиқ яхши, ўрта ва оғир тоифага бўлиниши ҳамда уларнинг рўйхатини шакллантиради;

бошқарув органларига бириктирилмаган уйлар рўйхатини тузади, уларда бошқарув органларини ташкил этиш бўйича таклифлар тайёрлайди;

ҳудудлардаги кўп квартирали уйларнинг аниқ ҳисобини юритади ва уйларнинг техник ҳолатидаги муаммолар ҳамда унинг ечимлари юзасидан шу мутасадди идораларга тегишли таклифлар тайёрлайди;

уйларни капитал таъмирлаш, санация, реконструкция ёки реновация қилиш ёхуд бузиш, ушбу уйларда яшаётган мулкдорларни кўчириш ёки уларни бошқа уй-жойлар билан таъминлашнинг қисқа ва узоқ муддатга мўлжалланган комплекс режа-дастурларини ишлаб чиқишда иштирок этади;

кўп квартирали уйларнинг турар жой биноларини яшаш учун яроқсиз деб тан олиш, бунда, ваколатли органлар билан биргаликда эски ва авария ҳолатида деб топилган кўп квартирали уйларнинг капитал таъмирлаш, реконструкция қилиш ва бузиш ишларини ташкил қилишда иштирок этади;

ҳар йил декабрь ойида техник жиҳатдан «ўрта (сариқ)» ва «оғир (қизил)» тоифадаги уйлар бўйича келгуси йилда амалга ошириладиган комплекс ишлар бўйича бошқармага таклифлар тайёрлайди;

лифт хавфсизлигини таъминлашга масъул деб топилган хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан биргаликда уйларда ўрнатилган лифтларнинг техник хавфсизлигини таъминлашдаги муаммоларни бартараф этишнинг комплекс чора-тадбирларини ишлаб чиқади;

кўп квартирали уйлар жойлашув харитасини ишлаб чиқиш ва уни маҳаллий ҳокимликлар қарорлари билан тасдиқлашга оид масалалар бўйича ваколати доирасидаги ишларни амалга оширади;

кўп квартирали уйлар ва унга туташ ҳудудларнинг аниқ чегараларини белгилаш ва ушбу ишларга оид ишлаб чиқилган ҳужжатларни туман (шаҳар) ҳокимлиги қарорлари билан тасдиқлаш, ушбу қарорларни бошқарув органларига тарқатиш ва амалга оширилаётган ишларнинг мақсади юзасидан кенг жамоатчилик ўртасида тушунтириш билан боғлиқ бўлимга юкланган вазифалар ижросини таъминлайди;

кўп квартирали уйларни электрон паспортлаштиришга оид бўлим ваколатига кирувчи ишларни ташкил этади, тегишли мутасадди идоралар билан биргаликда электрон паспортлаштириш билан боғлиқ талаб этилаётган харажатлар миқдорини аниқлаб, талаб этиладиган харажатларнинг манбалари юзасидан таклифлар тайёрлайди;

кўп квартирали уйнинг кадастр ҳужжатларида уй-жой фонди унга туташ ҳудудлари акс эттирилган ҳолда расмийлаштирилишини ташкил қилади;

ҳудудларни ободонлаштириш соҳасидаги муаммоларни ўрганади, уларни ҳудудлар бўйича бартараф этиш юзасидан бўлимга юкланган вазифаларни бажаради;

кўп квартирали уйларни сақлаш ва ундан фойдаланиш ҳамда коммунал хизматларни кўрсатиш бўйича ишлар бозорини ривожлантириш имконини беришга оид ишлаб чиқилган комплекс чора-тадбирлар ижросини таъминлайди;

жойлардаги маҳаллий ҳокимликлар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ва уйларни бошқариш органлари билан биргаликда кўп квартирали уйларни куз-қиш даврига барқарор тайёрлашга оид манзилли дастурларни шакллантиради, шу жумладан уйларни мавсумий таъмирлаш, ободонлаштириш ва ундан фойдаланиш шароитларини яхшилаш бўйича дастурлар доирасида лойиҳадан аввалги ва лойиҳа ҳужжатлари учун техник топшириқларни ишлаб чиқади ва мутасадди идоралар томонидан тасдиқланишини ташкил қилади;

кўп квартирали уйларни мавсумий таъмирлаш бўйича дастурларни амалга ошириш учун ажратилган маблағлардан самарали ва мақсадли фойдаланиш, бу борада буюртмачилар ва лойиҳа ташкилотлари ишларини мувофиқлаштириш бўйича бўлимга юкланган вазифаларни бажаради;

ҳудудни ободонлаштириш соҳасидаги муаммоларни ўрганади ва умумлаштиради ҳамда уларнинг натижалари бўйича ушбу соҳа самарадорлигини янада ошириш, мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклифлар тайёрлайди;

кўп квартирали уйларни бошқариш органларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва янгиларини ташкил қилиш бўйича туман (шаҳар) миқёсидаги комплекс чора-тадбирларини ишлаб чиқади ва уларни ҳудудларда амалга оширилишини мониторингини юритади;

бошқарув органи ташкил этилмасдан фойдаланишда бўлган кўп квартирали уйлар ёки янги қурилган кўп квартирали уйларда бошқарув органларини ташкил этилишида иштирок этади;

бошқарув органлари тасарруфидаги кўп квартирали уйларнинг ертўлалари, нотурар жойлари ва уйга туташ ҳудудларида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши рухсат этиладиган турларини ишлаб чиқиш, ижарага бериладиган уй-жой фонди қисмларини нархлар калькуляциясини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш учун маҳаллий ижро этувчи ҳокимликларга тақдим этиш;

уй-жой коммунал хўжалиги соҳасини бошқариш борасида кўп квартирали уйлардан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш бозорини ривожлантириш имконини беришга оид ишлаб чиқилган комплекс чора-тадбирлар ижросини мониторинг қилади;

ҳудудда мавжуд бошқарув органлари бўйича барча кўп квартирали уйлардаги хонадонларни «Менинг уйим» биллинг тизими билан қамраб олиш билан боғлиқ ишларни ташкил этади, янги қурилган уй-жойларни эътиборга

олган ҳолда доимий равишда дастурга маълумотлар киритиб борилишини таъминлайди;

кўп квартирали уйлар жой мулкдорларининг мажбурий бадаллари ёки тўловлари миқдорини белгилашда харажатлар таркибини аниқлашда бошқарув органларига кўмаклашади;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги дастурлар, стратегиялар ҳамда концепцияларни ишлаб чиқиш учун аниқ таклифларни шакллантириш ва тақдим этиш;

аҳолининг ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар билан қамраб олинишини мониторинг қилиш;

аҳоли пунктларини ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар билан таъминлаш учун давлат ижтимоий буюртмалари учун таклифларни шакллантириш;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар кўрсатилишида хусусий секторнинг иштирокини кенгайтириш бўйича чоралар кўриш, шу жумладан давлат-хусусий шериклик асосида кенгайтириш бўйича таклифларни шакллантириш;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги илмий тадқиқотларни амалга оширишга кўмаклашиш;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш объектларини қуриш ҳамда реконструкция қилишга доир аниқ йўналтирилган дастурларни шакллантиришда иштирок этиш;

давлат ижтимоий буюртмаси асосида ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш объектларини қуриш ҳамда реконструкция қилишга доир аниқ йўналтирилган рўйхатларни ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар билан таъминланишини истиқболли прогноз қилиш мақсадида юритиш;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасидаги лойиҳаларнинг рўёбга чиқарилиши мониторингини маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари билан ҳамкорликда амалга ошириш.

24. Туман (шаҳар) қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлимлари қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга оширади.

## 4-боб. Вазирлик ва Бош бошқармаларнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

### 1-§. Вазирликнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

25. Вазирлик ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун:

а) шаҳарсозлик фаолияти соҳасида:

ўз ваколатлари доирасида, шу жумладан, бошқа давлат органлари билан биргаликда давлат органлари ва ташкилотлари, жисмоний ва юридик шахслар учун мажбурий бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини, шунингдек, Вазирликка юкланган вазифалар ва функцияларни бажаришга боғлиқ бўлган бошқа

ҳужжатларни белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ёки Вазирлар Маҳкамасига киритиш;

Вазирлик ваколатига кирувчи масалаларда давлат органлари ва ташкилотлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини белгиланган тартибда мувофиқлаштириш;

давлат органлари ва ташкилотларидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан шунингдек, давлат статистика органларидан Вазирлик ваколатига кирувчи масалаларни ҳал этишга доир зарур маълумотларни ҳамда зарур статистик ахборотни сўраш ва бепул асосда олиш;

ўз ваколатлари доирасида шаҳарсозлик ва шаҳарсозлик фаолияти ҳамда капитал қурилиш соҳасидаги иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш масалалари ишлаб чиқилишини мувофиқлаштириш;

Вазирлик ва унинг тизимига кирувчи ташкилотлар мутахассисларини илғор тажрибани ўрганиш ва малака ошириш мақсадида хорижга юбориш;

шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги энг яхши илмий-техник ишланмалар ҳамда ҳудудларни режалаштириш ва қуриш лойиҳаларини танлаш учун танловлар эълон қилиш;

шаҳарсозлик фаолияти субъектларидан шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига риоя этилишини талаб қилиш;

Вазирлик ва унга идоравий мансуб тузилмалар мол-мулкини ўзининг ташкилий тузилмаси доирасида бир бўлинмадан бошқа бўлинмага текин фойдаланиш ҳуқуқи билан белгиланган тартибда бериш;

вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар ҳокимликлари томонидан қонунбузарлик ҳолатлари ихтиёрий равишда бартараф этилмаганда, вазирлик номидан судларга ҳақиқий эмас деб топиш, бекор қилиш ва тўхтатиб қўйиш юзасидан даъво аризаларини киритиш ва қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа чоралар кўриш;

шаҳарсозлик фаолияти соҳасида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича бажарилиши мажбурий бўлган ёзма кўрсатмалар беради;

Вазирлар Маҳкамасига, давлат органлари ва ташкилотлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига Вазирлик ваколатига кирувчи масалалар бўйича таклифларни кўриб чиқиш учун киритиш;

Вазирлик ваколатига кирувчи масалалар бўйича идоралараро тусдаги халқаро шартномаларни белгиланган тартибда тузиш;

Вазирлик ваколатига кирувчи масалалар бўйича халқаро даражада Ўзбекистон Республикаси манфаатларини белгиланган тартибда ҳимоя қилиш;

архитектура ва қурилишни ривожлантириш ҳамда оммалаштириш учун шарт-шароитларни яратиш доирасида йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш тўғрисидаги кўриб чиқилиши шарт бўлган кўрсатмаларни давлат органлари ва ташкилотлари, маҳаллий ижро ҳокимияти органларига юбориш;

вазирликлар, идоралар, таълим муассасалари ҳамда бошқа ташкилотларнинг юқори малакали мутахассислари ва олимларни шунингдек, хорижий

мутахассисларни маслаҳатлар, илмий ва эксперт ишларини ўтказиш, архитектура ва қурилишга оид долзарб лойиҳаларни ишлаб чиқиш учун шартнома асосида таклиф этиш;

ўз ваколати доирасида конференциялар, семинарлар, симпозиумлар, кўргазмалар, ярмаркалар ва бошқа тадбирларни ўтказиш, шунингдек, бошқа ташкилотлар томонидан ўтказиладиган шундай тадбирларда иштирок этиш;

архитектура ва қурилишни ривожлантиришга йўналтирилган қарорларни биргаликда ишлаб чиқиш мақсадида халқаро, хорижий ва республика ташкилотлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш чора-тадбирларини белгиланган тартибда амалга ошириш;

архитектура ва қурилиш соҳасини реклама қилувчи ва тарғиб қилувчи бошқа маҳсулотларни (мамлакатда архитектура ва қурилишни янада оммалаштиришга йўналтирилган реклама аудио, видеоматериаллари ва брошюралар, хариталар ва бошқа реклама-ахборот материалларини) босиш, кўпайтириш, тайёрлашга буюртмаларни мустақил равишда ёки ўзига қарашли ташкилотлар орқали жойлаштириш;

ўз ваколатига кирувчи масалаларни ҳал этиш учун шартнома асосида ташкилотлар, олимлар ва мутахассислар, шу жумладан, чет эл олимлари ва мутахассисларини жалб этиш;

лицензия, рухсат бериш ва хабардор қилиш талаблари ва шартларига жисмоний ва юридик шахсларнинг риоя этишини текширишни қонунчиликда белгиланган тартибда жойига чиққан ҳолда ўтказиш;

лицензия, рухсат бериш ва хабардор қилиш талаблари ва шартларига риоя этилиши юзасидан текширувлар ўтказилаётганда юзага келадиган масалалар бўйича жисмоний ва юридик шахслардан зарур ахборотни сўраш ва олиш;

текширувлар натижалари асосида жисмоний ва юридик шахслар йўл қўйган лицензия, рухсат бериш ва хабардор қилиш талаблари ва шартларига доир қоидабузарликларни кўрсатган ҳолда далолатномалар тузиш;

жисмоний ва юридик шахслар зиммасига аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш мажбуриятини юкловчи қарорлар чиқариш;

лицензия ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёхуд уни бекор қилиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилиш;

хабардор қилувчиларнинг фаолиятини (ҳаракатларини) тўхтатиб туриш ва қайта тиклаш тўғрисида қарор қабул қилиш, уларнинг фаолиятини тугатиш тўғрисида, шунингдек, хабардор қилувчининг фаолиятини (ҳаракатларини) амалга оширишни тақиқлаш тўғрисида судга ариза бериш;

лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларга жарима солиш тўғрисида судга ариза бериш;

лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари соҳасидаги ваколатларни амалга ошириш учун судга аризалар бериш;

жисмоний ва юридик шахслар томонидан лицензиясиз ёки рухсат этиш

хусусиятига эга ҳужжатларсиз, шунингдек, хабарнома юбормасдан фаолият билан шуғулланиш ҳолларини аниқлаш учун қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда назорат тадбирларини ўтказиш;

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ шартнома асосида хизматлар кўрсатиш ва ишларни бажариш;

б) уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида:

ташкилотлардан ўз ваколатига кирадиган масалалар бўйича ҳужжатлар, статистика маълумотлар, таҳлилий материаллар, хулоса ва бошқа ахборотларни сўраб олиш;

ташкилотлардан ичимлик суви таъминоти, оқова сувларни чиқариб юбориш ва иссиқлик таъминоти объектларини қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал ва жорий таъмирлаш, кўп квартирали уй-жой фондини мукаммал ва жорий таъмирлаш, кўп квартирали уй-жой фондига туташ ҳудудларни ободонлаштириш бўйича дастурлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш учун зарур ҳисоб-китоблар, ҳисобот маълумотлари ва бошқа материалларни олиш;

ичимлик суви таъминоти ташкилотларига ва уларнинг муассисларига бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш;

Вазирлар Маҳкамасига, давлат органлари ва ташкилотлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига Вазирлик ваколатига кирувчи масалалар бўйича таклифларни кўриб чиқиш учун киритиш;

Давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига кўриб чиқилиши шарт бўлган уй-жой коммунал хўжалиги соҳасидаги қонунбузарликларни бартараф этиш тўғрисида тақдимномалар киритиш ҳуқуқига эга.

Вазирлик қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

26. Вазирлик:

унга юкланган вазифалар ва функцияларнинг лозим даражада ва самарали бажарилиши, шунингдек, тегишли соҳада давлат сиёсати амалга оширилиши;

тегишли соҳадаги фаолиятнинг асосий кўрсаткичлари параметрларига ва белгиланган индикаторларга эришишнинг сўзсиз таъминланиши;

жорий этилаётган инновациялар, ғоялар ва технологиялар, шунингдек, Вазирлик томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига киритиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини, шунингдек, Вазирлик томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни амалга ошириш сифати, якуний натижалари ва оқибатлари;

тегишли соҳани ривожлантириш дастурлари, чора-тадбирлар режалари, «йўл хариталари» ва бошқа ҳужжатлар самарали амалга оширилиши ҳамда ҳудудлардаги муаммоли масалалар ҳал этилиши;

фуқаролар ва тегишли соҳадаги тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлар ва қонуний манфаатларига риоя этилиши ва уларнинг ҳимоя қилиниши таъминланиши, соҳада рақамлаштиришни таъминлаш ва коррупцион омилларни бартараф этиш учун жавоб беради.

## 2-§. Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ва вилоятлар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаларининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

27. Бош бошқарма ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) шаҳарсозлик фаолияти соҳасида:

давлат органлари ва ташкилотларининг ҳудудий бўлинмаларидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан ўз ваколатига кирувчи масалаларни ҳал этишга доир маълумотларни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

давлат органлари ва ташкилотларининг ҳудудий бўлинмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича таклифларни кўриб чиқиш учун киритиш;

давлат органлари ва ташкилотларининг ҳудудий бўлинмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига архитектура ва қурилишни ривожлантириш мақсадида зарур шароитларни яратишда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш тўғрисида мажбурий кўриб чиқиш учун тақдимномалар киритиш;

ўз ваколатига кирувчи масалаларни ҳал этиш учун шартнома асосида ташкилотлар, олимлар ва мутахассислар, шу жумладан, чет эл олимлари ва мутахассисларини жалб этиш;

объектлар лойиҳаларини шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчилик, шунингдек, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари талабларига мувофиқлигини кўриб чиқиш, уларни келишишда ижобий ёки салбий хулосалар бериш;

шаҳарсозлик фаолияти субъектларидан шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига ҳамда шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига риоя этилишини талаб қилиш;

молиялаштирилиши марказлаштирилган манбалар ҳисобига амалга оширилаётган қурилиш объектлари бўйича буюртмачилар, лойиҳачилар ва пудратчилар томонидан бажарилиши мониторингини олиб бориш;

ўз фаолиятида шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқувчилар ва илмий-тадқиқот ташкилотлари билан ўзаро ижодий ҳамкорликни амалга ошириш;

Вазирликка шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари талабларини бузган ҳолда ишлаётган шаҳарсозлик фаолияти субъектларининг қурилиш соҳасидаги ҳамда архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини яратиш фаолияти ҳуқуқини берувчи лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки бекор қилиш тўғрисида таклифлар киритиш;

олимлар ҳамда вазирликлар, идоралар, таълим ва бошқа муассасаларнинг юқори малакали мутахассисларини илмий ва эксперт ишлари, маслаҳатлар ўтказиш учун, архитектура ва қурилиш соҳасининг долзарб масалаларини ишлаб чиқиш учун Вазирлик билан келишган ҳолда хорижий мутахассисларни таклиф этиш;

ўз ваколатлари доирасида конференциялар, семинарлар, симпозиумлар,

кўргазмалар, ярмаркалар ва бошқа тадбирларни ўтказиш, шунингдек, бошқа ташкилотлар томонидан ўтказиладиган шундай тадбирларда иштирок этиш;

минтақада архитектура ва қурилишни ривожлантиришга йўналтирилган тадбирларни биргаликда ишлаб чиқиш мақсадида халқаро, хорижий ва республика ташкилотлари билан ҳамкорликни белгиланган тартибда йўлга қўйиш;

б) уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида:

ташкилотлардан ўз ваколатига кирадиган масалалар бўйича ҳужжатлар, статистика маълумотлар, таҳлилий материаллар, хулоса ва бошқа ахборотларни сўраб олади;

ташкилотлардан ичимлик суви таъминоти, оқова сувларни чиқариб юбориш ва иссиқлик таъминоти объектларини қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал ва жорий таъмирлаш, кўп квартирали уй-жой фондини мукаммал ва жорий таъмирлаш, кўп квартирали уй-жой фондига туташ ҳудудларни ободонлаштириш бўйича дастурлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш учун зарур ҳисоб-китоблар, ҳисобот маълумотлари ва бошқа материалларни олади;

кўп квартирали уйларни бошқариш органларининг электрон реестридан бошқариш органларини чиқариш бўйича «Коммунал таъминот маркази» давлат муассасасига кўриб чиқиш учун таклифлар киритади;

вазирлик ва вилоят ҳокимлигига кўриб чиқиш учун бош бошқарма ваколатига кирадиган масалалар юзасидан таклифлар киритади;

ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига кўриб чиқилиши шарт бўлган уй-жой коммунал хўжалиги соҳасидаги қонунбузарликларни бартараф этиш тўғрисида тақдимномалар юборади;

ташкилотлар раҳбарларини уй-жой коммунал хўжалиги соҳасидаги қонунчилик талаблари ва норматив ҳужжатларни бажармагани ёки тегишли равишда бажармагани учун белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш тўғрисида кўриб чиқиш учун вазирликка, вилоят ҳокимлигига ёки бошқа тегишли органларга таклифлар киритади;

вилоят ҳокимлигига кўриб чиқиш учун таклифлар киритади;

бош бошқарма ва унинг таркибига кирадиган ташкилотларнинг моддий-техника базасини яхшилаш чораларини кўради;

бош бошқарма тизимида бюджет маблағларидан оқилона фойдаланади, бошқарма таркибига кирадиган корхоналарнинг молиявий ва хўжалик фаолиятини текширади ва тафтиш қилади.

Бош бошқарма қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

28. Бош бошқарма:

туман (шаҳар) ҳудудий бўлинмалари билан ҳамкорликда уларга юкланган вазифалар ва функцияларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилишини таъминлаш;

туман (шаҳар) бўлинмаларининг фаолияти билан боғлиқ прогноз кўрсаткичларига эришишни таъминлаш;

Вазирликка киритиладиган ҳужжатлар лойиҳалари ва таклифларни сифатли тайёрлаш;

туманлар (шаҳарлар)да аниқланган муаммоларни чуқур таҳлил қилиш ва умумлаштириш асосида вилоятда соҳани ривожлантириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

соҳани ривожлантириш бўйича дастурлар, тадбирлар режалари, «йўл хариталари» ва бошқа дастурий ҳужжатларни самарали амалга ошириш учун жавоб беради.

### 3-§. Тошкент шаҳар Қурилиш бош бошқармасининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

29. Тошкент шаҳар Қурилиш бош бошқармаси ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат органлари ва ташкилотларининг ҳудудий бўлинмаларидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан ўз ваколатига кирувчи масалаларни ҳал этишга доир маълумотларни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

давлат органлари ва ташкилотларининг ҳудудий бўлинмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича таклифларни кўриб чиқиш учун киритиш;

давлат органлари ва ташкилотларининг ҳудудий бўлинмалари, маҳаллий ижро ҳокимияти органларига архитектура ва қурилишни ривожлантириш мақсадида зарур шароитларни яратишда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш тўғрисида мажбурий кўриб чиқиш учун тақдимномалар киритиш;

ўз ваколатига кирувчи масалаларни ҳал этиш учун шартнома асосида ташкилотлар, олимлар ва мутахассислар, шу жумладан, чет эл олимлари ва мутахассисларини жалб этиш;

объектлар лойиҳаларини шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчилик, шунингдек, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари талабларига мувофиқлигини кўриб чиқиш, уларни келишишда ижобий ёки салбий хулосалар бериш;

шаҳарсозлик фаолияти субъектларидан шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига ҳамда шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига риоя этилишини талаб қилиш;

молиялаштирилиши марказлаштирилган манбалар ҳисобига амалга оширилаётган қурилиш объектлари бўйича буюртмачилар, лойиҳачилар ва пудратчилар томонидан бажарилиши мониторингини олиб бориш;

ўз фаолиятида шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқувчилар ва илмий-тадқиқот ташкилотлари билан ўзаро ижодий ҳамкорликни амалга ошириш;

Вазирликка шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари талабларини бузган ҳолда ишлаётган шаҳарсозлик фаолияти субъектларининг қурилиш соҳасидаги ҳамда архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини яратиш фаолияти ҳуқуқини берувчи лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки бекор қилиш тўғрисида таклифлар киритиш;

олимлар ҳамда вазирликлар, идоралар, таълим ва бошқа муассасаларнинг юқори малакали мутахассисларини илмий ва эксперт ишлари, маслаҳатлар ўтказиш учун, архитектура ва қурилиш соҳасининг долзарб масалаларини

ишлаб чиқиш учун Вазирлик билан келишган ҳолда хорижий мутахассисларни таклиф этиш;

ўз ваколатлари доирасида конференциялар, семинарлар, симпозиумлар, кўргазмалар, ярмаркалар ва бошқа тадбирларни ўтказиш, шунингдек, бошқа ташкилотлар томонидан ўтказиладиган шундай тадбирларда иштирок этиш;

ҳудудда архитектура ва қурилишни ривожлантиришга йўналтирилган тадбирларни биргаликда ишлаб чиқиш мақсадида хорижий ва республика ташкилотлари билан ҳамкорликни белгиланган тартибда йўлга қўйиш.

30. Бош бошқарма:

туман бўлимлари билан ҳамкорликда уларга юкланган вазифалар ва функцияларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилишини таъминлаш;

туман бўлимларининг фаолияти билан боғлиқ прогноз кўрсаткичларига эришишни таъминлаш;

Вазирликка киритиладиган ҳужжатлар лойиҳалари ва таклифларни сифатли тайёрлаш;

туманларда аниқланган муаммоларни чуқур таҳлил қилиш ва умумлаштириш асосида вилоятда соҳани ривожлантириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

соҳани ривожлантириш бўйича дастурлар, тадбирлар режалари, «йўл хариталари» ва бошқа дастурий ҳужжатларни самарали амалга ошириш учун жавоб беради.

### 4-§. Тошкент шаҳар Уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармасининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

31. Тошкент шаҳар Уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси ўзига юкланган вазифа ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ташкилотлардан ўз ваколатига кирадиган масалалар бўйича ҳужжатлар, статистика маълумотлар, таҳлилий материаллар, хулоса ва бошқа ахборотларни сўраб олади;

ташкилотлардан ичимлик суви таъминоти, оқова сувларни чиқариб юбориш ва иссиқлик таъминоти объектларини қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал ва жорий таъмирлаш, кўп квартирали уй-жой фондини мукаммал ва жорий таъмирлаш, кўп квартирали уй-жой фондига туташ ҳудудларни ободонлаштириш бўйича дастурлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш учун зарур ҳисоб-китоблар, ҳисобот маълумотлари ва бошқа материалларни олади;

кўп квартирали уйларни бошқариш органларининг электрон реестридан бошқариш органларини чиқариш бўйича «Коммунал таъминот маркази» давлат муассасасига кўриб чиқиш учун таклифлар киритади;

вазирлик ва шаҳар ҳокимлигига кўриб чиқиш учун Бошқарма ваколатига кирадиган масалалар юзасидан таклифлар киритади;

ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига кўриб чиқилиши шарт бўлган уй-жой коммунал хўжалиги соҳасидаги қонунбузарликларни бартараф этиш тўғрисида тақдимномалар юборади;

ташкилотлар раҳбарларини уй-жой коммунал хўжалиги соҳасидаги қонунчилик талаблари ва норматив ҳужжатларни бажармагани ёки тегишли равишда бажармагани учун белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш

тўғрисида кўриб чиқиш учун вазирликка, шаҳар ҳокимлигига ёки бошқа тегишли органларга таклифлар киритади;

бош бошқарма ва унинг таркибига кирадиган ташкилотларнинг моддий-техника базасини яхшилаш чораларини кўради;

бош бошқарма тизимида бюджет маблағларидан оқилона фойдаланади, бошқарма таркибига кирадиган корхоналарнинг молиявий ва тадбиркорлик фаолиятини текширади ва тафтиш қилади.

Бош бошқарма қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

32. Бош бошқарма:

туман бўлинмалари билан ҳамкорликда уларга юкланган вазифалар ва функцияларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилишини таъминлаш;

ҳудудий бўлинмаларининг фаолияти билан боғлиқ прогноз кўрсаткичларига эришишни таъминлаш;

Вазирликка киритиладиган ҳужжатлар лойиҳалари ва таклифларни сифатли тайёрлаш;

туманларда аниқланган муаммоларни чуқур таҳлил қилиш ва умумлаштириш асосида вилоятда соҳани ривожлантириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

соҳани ривожлантириш бўйича дастурлар, тадбирлар режалари, «йўл хариталари» ва бошқа дастурий ҳужжатларни самарали амалга ошириш учун жавоб беради.

## 5-боб. Вазирлик фаолиятини ташкил этиш

### 1-§. Вазирлик раҳбарияти

33. Вазирликка Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси маъқуллаганидан кейин Президент томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган Вазир бошчилик қилади.

Вазир ўз мақомига кўра Вазирлар Маҳкамасининг аъзоси ҳисобланади.

34. Вазирнинг тўрт нафар ўринбосари, шу жумладан, бир нафар биринчи ўринбосари бўлади.

35. Вазирнинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимномасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

Вазирнинг режим ва кадрлар масалалари бўйича маслаҳатчиси Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан келишилган ҳолда вазир томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

36. Вазир бўлмаган вақтда унинг ваколатлари вазифалар тақсимотига биноан унинг ўринбосарлари томонидан бажарилади.

Вазир ва унинг ўринбосарлари ишда бир вақтда бўлмаганда вазирлик фаолиятини вазир маслаҳатчиси мувофиқлаштиради.

37. Қуйидагилар:

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири, вилоятлар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқарма-

лари, Тошкент шаҳар Қурилиш бош бошқармаси ва Тошкент шаҳар Уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бошлиқлари қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири буйруғи билан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

38. Қуйидагилар вазир буйруғи асосида лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади:

Марказий аппарат раҳбари ва ходимлари;

Қорақалпоғистон Республикаси қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири, вилоятлар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармалари, Тошкент шаҳар Қурилиш бош бошқармаси ва Тошкент шаҳар Уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармалари бошлиқлари ва бошлиқларининг ўринбосарлари;

Туман (шаҳар) қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлимлари, Тошкент шаҳрида — туман қурилиш бўлимлари ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлимлари бошлиқлари;

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси бошлиғи ўринбосарлари ва ҳудудий инспекциялар бошлиқлари;

Шаҳарсозлик ҳужжатларини экспертиза қилиш Республика маркази давлат муассасаси раҳбари;

Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш Республика маркази давлат муассасаси раҳбари;

Урбанизация ва шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш Республика маркази давлат муассасаси раҳбари;

Компетенцияни ривожлантириш институти давлат муассасаси раҳбари;

Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти давлат муассасаси раҳбари;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри қурилиш соҳасида давлат харидларини ташкил этиш консалтинг марказлари раҳбарлари;

Иссиқлик таъминоти объектлари бўйича инжиниринг компаниялари раҳбарлари;

Иссиқлик таъминоти давлат ташкилотлари раҳбарлари;

Коммунал таъминот маркази давлат муассасаси раҳбари;

«ЎзшаҳарсозликЛИТИ» бош лойиҳа институти давлат муассасаси раҳбари;

«ТошкентбошпланЛИТИ» бош лойиҳа институти давлат муассасаси раҳбари;

«Қишлоқ қурилиш лойиҳа» бош лойиҳа институти давлат муассасаси раҳбари;

Коммунал лойиҳа илмий-тадқиқот институти давлат муассасаси раҳбари;

Лойиҳа офиси раҳбари;

«Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ раҳбари;

«Ўзбекистон архитектураси ва қурилиши» журнали таҳририяти» МЧЖ раҳбари;

Инфратузилмани ривожлантириш инжиниринг компанияси давлат муассасаси раҳбари.

Вазирлик ташкилий тузилмасига кирувчи давлат иштирокидаги корхоналарнинг бошқарув органлари фаолиятига доир масалалар (раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимда озод этиш) Ўзбекистон Республикасининг «Давлат мулкини бошқариш тўғрисида»ги Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига асосан амалга оширилади.

### 2-§. Вазирлик марказий аппарати таркибий бўлинмаларининг унинг ҳудудий бўлинмалари билан ҳамкорлик тартиби

39. Вазирлик марказий аппарати таркибий бўлинмаларининг унинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари билан ҳамкорлигини таъминлаш марказий аппаратнинг таркибий бўлинмалари раҳбарлари томонидан амалга оширилади.

40. Вазирлик марказий аппаратининг таркибий бўлинмалари ўз фаолияти йўналишлари бўйича ҳудудий бўлинмалар билан ҳамкорлик қилган ҳолда:

топшириқларни ҳудудий бўлинмалар ва идоравий мансуб ташкилотларга етказади ва уларнинг бажарилиши боришини назорат қилади;

таркибий бўлинмаларнинг бевосита фаолияти масалалари бўйича сўровларни Вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотларига юборади ва уларнинг бажарилиб боришини назорат қилади;

текширишларни ва ўрганишни амалга оширади, Вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари фаолияти амалиётини умумлаштиради ва уни такомиллаштиришга қаратилган чораларни кўради;

ташкилот тўғрисидаги ҳисобот ва ахборот материаллари, статистик ва бошқа маълумотлар ҳамда Вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари фаолияти натижаларини ўрганишни ташкил қилади;

Вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари иш режаларини таҳлил қилади, уларнинг фаолиятини такомиллаштириш бўйича чоралар кўради;

Вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотларидан тушган таклифларни кўриб чиқади;

Вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда иштирок этишини ташкил қилади, қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича улардан тушган таклифларни кўриб чиқади.

41. Вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари Вазирликнинг таркибий бўлинмалари билан ҳамкорлик қилади, шу жумладан:

Вазирлик раҳбариятининг топшириқлари ижроси тўғрисида ахборот беради;

белгиланган фаолият соҳасида қонунчиликни амалга ошириш бўйича фаолият натижалари тўғрисида марказий аппаратга ахборот тақдим этади;

уларнинг фаолиятини текшириш ва ўрганиш натижасида аниқланган камчиликларни бартараф этиш натижалари тўғрисида хабар беради;

Вазирликнинг марказий аппаратига белгиланган тартибда ва муддатларда ўзининг иш натижалари тўғрисидаги ҳисоботларни тақдим этади;

Вазирликнинг марказий аппаратига ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш муаммоларини, шу жумладан, аҳолининг энг муҳим муаммоларини ҳал қилишга қаратилган таклифларни юборади;

комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар билан ҳамкорлик натижалари тўғрисида хабар беради;

ўз фаолиятини ваколатли органлар томонидан текшириш натижалари тўғрисида хабардор қилади.

42. Вазирликнинг марказий аппарати таркибий бўлинмалари ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари ҳамкорлиги жараёнида юзага келадиган келишмовчиликлар вазирнинг топшириғига биноан унинг тегишли ўринбосари томонидан кўриб чиқилади. Агар ушбу кўриб чиқишдан кейин келишмовчиликлар тартибга солинмаса, улар бўйича қарор бевосита вазир томонидан қабул қилинади.

## 3-§. Вазирликнинг республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан ҳамкорлиги

43. Вазирлик ўз вазифалари ва функцияларини амалга оширишда бошқа давлат органлари ва ташкилотлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.

44. Вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари ўз ваколати доирасида давлат органлари ва ташкилотларининг ҳудудий бўлинмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.

Вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари тегишли ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича «йўл хариталари»ни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар билан яқин ҳамкорлик қилади.

## 4-§. Вазирликнинг ҳайъати

45. Вазирликда вазир (ҳайъат раиси), унинг ўринбосарлари (лавозими бўйича), шунингдек, асосий фаолият йўналишларига мутасаддилик қилувчи таркибий бўлинмалар раҳбарлари таркибида ҳайъат ташкил этилади.

Ҳайъат аъзоларининг сони ва шахсий таркиби вазирнинг тақдимномаси бўйича Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

46. Ҳайъатга қуйидаги вазифалар юкланади:

Вазирликнинг ушбу Низом билан белгиланган фаолиятининг асосий йўналишларини тайёрлаш ва амалга ошириш;

Вазирлик тизими ходимлари ва раҳбарларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва Ҳукумат қарорларида белгиланган ўзларига юкланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширишни таъминлаш учун шахсий масъулиятини ошириш бўйича чораларни кўрган ҳолда тизимли асосда таркибий ҳамда ҳудудий бўлинмалар ва идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарлари ҳисоботларини эшитишни ташкил этиш;

Вазирлик фаолияти соҳасида мақсадли, ҳудудий ва тармоқ дастурларини амалга оширишнинг бориши натижадорлигини ҳар чоракда ва тизимли кўриб чиқиш;

жойларда Вазирлик фаолият соҳасининг долзарб масалаларини муҳокама қилишни таъминлаган ҳолда ҳайъатнинг кенгайтирилган кўчма мажлисларини ўтказишни ташкил этиш, шунингдек, юзага келган муаммоларни бартараф этиш бўйича тегишли қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва топшириқлари билан белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширишни таъминлаш учун ижро интизомини мустаҳкамлаш ҳамда Вазирликнинг раҳбарлари ва ходимларининг шахсий жавобгарлигини ошириш.

Ҳайъат Вазирлик ваколатига тааллуқли бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқиш ҳуқуқига эга.

47. Ҳайъат мажлисларига Вазирлик ваколатига кирадиган масалалар бўйича давлат органлари ва ташкилотлари, бошқа ташкилотлар раҳбарлари таклиф этилиши мумкин.

48. Ҳайъат унинг мажлисида таркибининг ярмидан кўпи қатнашган тақдирда ҳуқуқий ваколатли бўлади. Кўриб чиқилаётган масалалар бўйича қарорлар оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

49. Ҳайъат қарорлари вазир томонидан тасдиқланади.

50. Вазир ва ҳайъат аъзолари ўртасида келишмовчиликлар келиб чиққан тақдирда вазир юзага келган келишмовчиликлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига ахборот берган ҳолда мустақил равишда қарор қабул қилади, ҳайъат аъзолари ҳам Вазирлар Маҳкамасига ўз фикрларини билдиришлари мумкин.

51. Ҳайъат фаолияти тартиби унинг ҳайъати тасдиқлайдиган регламентда белгиланади.

52. Вазирликда қонунчиликда белгиланган тартибда бошқа кенгаш, маслаҳат ва эксперт органлари ташкил этилиши мумкин.

## 6-боб. Вазирлик фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари ва иш индикаторлари

53. Вазирлик фаолиятининг самарадорлиги мунтазам баҳоланади.

54. Вазирлик фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигига берилган баҳо Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг тегишли таркибий бўлинмалари ёки Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Вазирлик фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари ва иш индикаторларига асосланади.

55. Вазирлик фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш якунлари бўйича:

Вазирлик раҳбарлари ва ходимларини рағбатлантириш (мукофотлаш) ёки интизомий жавобгарликка тортиш;

Вазирлик фаолиятида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва унинг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари кўрилади.

## 7-боб. Вазирликни молиялаштириш ва моддий-техник таъминлаш, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш

56. Вазирлик, унинг ҳудудий бўлинмаларини ва тизим ташкилотларини молиялаштириш ва моддий-техник таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

57. Вазирлик, унинг ҳудудий бўлинмалари ва тизим ташкилотлари ходимларига тўланадиган иш ҳақи қонунчиликда назарда тутилган лавозим маоши, мукофотлар, қўшимча ҳақ, устамалар, рейтинг тўловлари ва қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа тўловлардан иборат бўлади.

58. Вазирлик ва унинг ҳудудий бўлинмалари ҳамда бюджетдан маблағ олувчи тизим ташкилотлари ходимларига (оширилган ва рағбатлантирувчи коэффициентларни инобатга олган ҳолда):

узоқ муддат хизмат қилгани учун белгиланган тартибда ҳар ойлик устама тўланади;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига узоқ муддат хизмат қилгани учун устама олиш Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган тартибга мувофиқ белгиланади;

байрам саналарида Давлат бюджети, Вазирликнинг жамғармаси маблағлари ёки қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалардан штат жадвалига биноан лавозим маошининг 2 баравариггача миқдорда мукофот тўланади;

фаолиятни баҳолашнинг рейтинг тизимига мувофиқ аниқланадиган меҳнатдаги юқори натижалари учун Жамғарма маблағлари ҳисобидан лавозим маошининг 2 бараваригача миқдорда рағбатлантирувчи тўловлар амалга оширилади;

Вазирликнинг айрим ташаббускор ва юқори малакали ходимларининг лавозим маошларига (тариф ставкасига) белгиланган тартибда шахсий устамалар белгиланади.

59. Вазирлик ва унинг ҳудудий бўлинмалари ходимларини лавозим маошларига ҳар ойлик устамалар ва рағбатлантириш тусидаги қўшимча тўловлар, Давлат бюджети маблағлари ҳисобига узоқ муддат хизмат қилгани учун устамалар белгиланади.

60. Вазирликнинг ташкилий тузилмасига кирувчи ташкилотларнинг моддий-техника таъминоти, шунингдек, уларнинг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тегишлилигига кўра Давлат бюджети маблағлари, хўжалик фаолиятидан тушумлар, шунингдек, қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

61. Меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси, бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар Вазирлик ходимларига иш ҳақи тўлаш ва моддий рағбатлантиришни амалга ошириш манбалари ҳисобланади.

## 8-боб. Вазирликнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти, Президент Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот бериш тартиби

62. Вазир ва унинг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси олдида Вазирлик фаолияти тўғрисида мунтазам равишда ҳисобот беради.

## 9-боб. Якунловчи қоида

63. Вазирликни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2024 йил 17 апрелдаги 214-сон қарорига
2-ИЛОВА

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика архитектура-шаҳарсозлик кенгаши тўғрисидаги НИЗОМ

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика архитектура-шаҳарсозлик кенгаши (кейинги ўринларда — Кенгаш) фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси ҳудудини ривожлантиришни режалаштириш бош схемаси, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудларини ривожлантиришни режалаштириш схемалари, шунингдек, агломерацияларни ривожлантириш стратегиялари, шаҳарларнинг (шаҳарчаларнинг) бош режалари ҳамда қишлоқ аҳоли пунктларининг схемаларини ишлаб чиқишда (кейинги ўринларда — шаҳарсозлик ҳужжатлари) соҳа ва тармоқлар кесимида вазирликлар, идоралар ва ҳокимликлар ҳамкорлигини йўлга қўйиш бўйича мувофиқлаштирувчи органдир.

2. Кенгаш ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Низомга ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатларига амал қилади.

3. Кенгаш ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисоб беради ва ўз ишини Кенгаш раиси томонидан тасдиқланадиган иш режаси асосида олиб боради.

### 2-боб. Кенгашнинг асосий вазифалари ва функциялари

4. Қуйидагилар Кенгашнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

шаҳарсозлик ва архитектурани янада ривожлантириш концепциялари ва дастурларини шакллантириш, кўриб чиқиш ва амалга ошириш ишларини ташкил этиш;

илмий асосланган ҳолда аҳолини жойлаштириш, ҳудудларни режалаштириш ва қуриш, замонавий талабларни, миллий архитектура-маданий анъаналарни, шаҳар ҳудудларидан самарали фойдаланиш, табиий муҳитга зиён етказмайдиган муносабатда бўлишни ҳисобга олган ҳолда аҳоли пунктларининг архитектура-режалаштириш тузилмасини уйғун ривожлантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

аҳоли пунктларининг ижтимоий ва муҳандислик-транспорт инфратузилмасини комплекс янгилаш, замонавий шаҳар марказларини шакллантириш, эски турар жой муҳитининг шинамлигини сифат жиҳатидан оширишни ҳамда

тарихий-архитектура мероси объектлари сақлаб қолинишини назарда тутган ҳолда эски шаҳар туманларини реконструкция қилиш бўйича таклифлар тайёрлаш.

5. Кенгаш ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

шаҳарсозлик ва архитектурани янада ривожлантириш концепциялари шакллантирилишини, кўриб чиқилишини ва амалга оширилишини ташкил этади.

шаҳарсозлик ва архитектура соҳасида дастурларни ишлаб чиқишда иштирок этади, уларни муҳокама қилиш ва келишиш ишларини ташкил этади ҳамда уларнинг амалга оширилишига кўмаклашади;

республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларининг шаҳарсозликка оид қисмларини кўриб чиқади ва келишади;

шаҳарлар, шаҳарчаларнинг ва республика ва вилоят бўйсунувидаги шаҳарларнинг бош режаларига асосан қисмлари бўйича ишлаб чиқилган батафсил режалаштириш лойиҳаларини кўриб чиқади, келишади ҳамда уларни тасдиқлаш учун тавсия этади;

белгиланган тартибда тасдиқланган шаҳарсозлик ҳужжатларига, шу жумладан, шаҳарлар ва туманлар марказларининг бош режаларига асосли ўзгартиришлар киритилишига розилик беради;

шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ ташкилий-техник тадбирларни амалга ошириш ва молиялаштириш ҳолатидан келиб чиққан ҳолда, йилдан-йилга ўтувчи лойиҳаларни белгилайди;

шаҳарсозлик ҳужжатлари ишлаб чиқилиши лозим бўлган аҳоли пунктларининг тасдиқланган рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритади;

аҳоли пунктларининг замонавий архитектура қиёфасини шакллантириш, комплекс равишда қуриш, ижтимоий, муҳандислик ва транспорт инфратузилмасини таъминлаш бўйича аҳоли пунктлари шаҳарсозлик ҳужжатларининг асосий қоидалари бажарилиши тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг ҳамда вазирликлар ва идоралар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитади;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудини ривожлантиришни режалаштириш бош схемаси, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудларини ривожлантиришни режалаштириш схемалари, умумдавлат аҳамиятига молик алоҳида тартибга солинадиган шаҳарсозлик фаолияти объектларининг шаҳарсозлик ҳужжатлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудини ривожлантиришнинг тармоқ тарҳларини ҳамда муҳандислик, транспорт ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш лойиҳаларини кўриб чиқади ва уларни тасдиқлаш, амалиётга татбиқ этиш юзасидан таклифлар ва тавсияларни ваколатли органларга киритади;

умумдавлат аҳамиятига молик алоҳида, шу жумладан, табиий ва сув объектлари зоналарини, рекреацион, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларнинг таъсирига учраган, фойдали қазилмалар жойлашган ва бошқа ҳудудларнинг чегараларини белгилайди ҳамда тегишли объектлар ҳудудларида шаҳарсозлик фаолияти тартиботини

ўрнатиш бўйича ҳужжатларни кўриб чиқади ва улар юзасидан тавсиялар қабул қилади;

минтақаларда экологик вазиятни яхшилаш, ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш, маданий мерос объектлари ҳудудларини сақлаш, умумдавлат аҳамиятига молик муҳандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш чора-тадбирларини ташкил этади;

ҳудудларни ривожлантиришга доир лойиҳа ечимларини кўриб чиқади;

аҳоли пунктларининг ижтимоий ва муҳандислик-транспорт инфратузилмасини комплекс янгилаш, урбанизация, замонавий шаҳар марказларини шакллантириш бўйича таклифлар тайёрлайди;

эски турар жой муҳитининг шинамлигини сифат жиҳатидан оширишни ва тарихий-архитектура мероси объектлари сақлаб қолинишини назарда тутган ҳолда эски шаҳар туманларини реконструкция қилиш бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органларига тавсиялар киритади.

## 3-боб. Кенгашнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

6. Кенгаш қуйидаги ҳуқуқларга эга:

шаҳарсозлик ҳужжатлари ишлаб чиқиладиган аҳоли пунктлари рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ ташкилий-техник тадбирларни амалга ошириш ва молиялаштириш ҳолатидан келиб чиққан ҳолда, йилдан йилга ўтувчи лойиҳа этиб ҳисоблаш;

вақтинча ишчи гуруҳлар тузиш ва уларда ишлаш учун мутахассисларни жалб этиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан Кенгаш фаолиятига доир ҳужжатларни сўраб олиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда лойиҳа-қидирув ташкилотлари томонидан ҳудудларни шаҳарсозлик жиҳатидан ривожлантириш соҳасида олиб борилган ишлар ҳолатини ўрганиш, шунингдек, уларнинг ушбу йўналишдаги фаолиятини такомиллаштириш бўйича тавсиялар тайёрлаш.

Кенгаш қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

7. Кенгаш ушбу Низом ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан ўзига юкланган вазифаларнинг самарали бажарилиши учун жавоб беради.

## 4-боб. Кенгаш фаолиятини ташкил этиш

8. Кенгашга Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари раислик қилади, унинг ваколатига қуйидагилар киради:

Кенгаш мажлисининг кун тартибини белгилаш ва мажлисни чақириш;

Кенгаш томонидан тузилган ишчи гуруҳлар фаолиятини назорат қилиш;

Кенгаш томонидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши юзасидан назоратни ташкил қилиш;

Кенгашга юкланган вазифаларни бажариш бўйича Кенгаш аъзоларининг фаолиятини назорат қилиш;

Кенгаш аъзолари зиммасига юкланган вазифаларни бажариш бўйича ишларини мувофиқлаштириш;

Кенгаш аъзоларининг шахсий таркибини ўзгартириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш;

Кенгашнинг самарали ишлашини таъминлаш бўйича бошқа ваколатларни амалга ошириш.

9. Кенгаш аъзолари:

Кенгаш мажлисларида кўриб чиқиладиган масалаларни муҳокама қилишда ва ҳал этишда қатнашадилар;

шаҳарсозликнинг долзарб масалалари бўйича Кенгашга таклифлар киритадилар;

Кенгашда муҳокама қилинадиган масалалар бўйича хулосалар берадилар.

Кенгаш аъзолари Кенгашдаги ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширадилар.

10. Кенгаш мажлисининг ўтказилиш вақти, жойи ва кун тартиби тўғрисида Кенгаш аъзолари мажлис ўтказиш кунидан камида уч кун олдин хабардор қилинади.

11. Кенгаш мажлисини унинг раиси олиб боради. Кенгаш раиси бўлмаган тақдирда унинг ўринбосари бошқаради.

Кенгаш, агар мажлисда унинг аъзоларининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлса, қарор қабул қилишга ваколатли ҳисобланади.

12. Кенгаш мажлисига унда кўриб чиқилаётган масалаларнинг аҳамиятига кўра давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, лойиҳа-қидирув ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари ва мутахассислари таклиф этилиши мумкин.

## 5-боб. Кенгашнинг ишчи органи ва котиби

13. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Кенгашнинг ишчи органи (кейинги ўринларда — ишчи орган) ҳисобланади.

14. Ишчи орган:

Кенгаш фаолиятини ташкилий-техник жиҳатдан таъминлашни амалга оширади;

иш режаси лойиҳасини тайёрлайди, Кенгаш муҳокамасига киритади ва тасдиқланган иш режаси бажарилишини таъминлайди;

Кенгаш мажлисига зарур бўлган материаллар тайёрланишини таъминлайди ва манфаатдор ташкилотлардан зарур материаллар ва эксперт хулосаларини олади;

Кенгаш мажлиси кун тартибидаги масала бўйича таҳлилий материаллар тайёрланишини ташкил этади;

тушган мурожаатларни кўриб чиқади ҳамда Кенгаш ваколатига кирадиган масалалар бўйича қарорлар лойиҳаларини тайёрлайди.

15. Кенгаш котиби:

Кенгаш мажлисига зарур бўлган ҳужжатларнинг ўз вақтида тайёрланишини таъминлайди, Кенгаш мажлисига материаллар тайёрлаш бўйича ишчи органнинг ишини ташкил этади;

Кенгаш раиси билан мажлис ўтказиш муддатлари ва жойини, шунингдек, таклиф этиладиганлар рўйхатини келишади, Кенгаш аъзоларини ва таклиф этилган шахсларни мажлиснинг ўтказиладиган санаси, вақти, жойи тўғрисида хабардор қилади;

кун тартибидаги масалалар бўйича Кенгаш мажлислари ўтказилишини ташкил қилади, Кенгаш мажлиси баёнларини расмийлаштиради ва тасдиқланган баёнларнинг Кенгаш аъзоларига ва бошқа манфаатдор ташкилотларга юборилишини таъминлайди;

Кенгаш қарорлари ижроси мониторингини олиб боради ва унинг якунларини кўриб чиқиш учун Кенгаш мажлисига тақдим этади.

## 6-боб. Кенгаш томонидан қарорлар қабул қилиш ва уларнинг бажарилишини таъминлаш

16. Кенгаш қарори Кенгаш мажлисида қатнашаётган аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган тақдирда Кенгаш раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Кенгашнинг ҳар бир аъзоси қабул қилинаётган қарорлар юзасидан ўз фикрини ёзма равишда билдириш ҳуқуқига эга.

17. Кенгаш раиси қарорларни тезкор қабул қилиш мақсадида Кенгашнинг алоҳида масалалар бўйича Кенгаш аъзолари билан келишилган қарорларини сўров йўли билан тасдиқлаши мумкин.

18. Кенгаш қарорлари Кенгаш мажлиси баёни билан расмийлаштирилади. Кенгаш мажлиси баёни ишчи орган раҳбари ва Кенгаш котиби томонидан имзоланади, Кенгаш раиси томонидан тасдиқланади ва бир ҳафта муддатда Кенгаш аъзолари ҳамда манфаатдор ташкилотларга юборилади.

19. Кенгаш баёнининг асл нусхаси Вазирлар Маҳкамасининг Транспорт, коммуникациялар, қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги масалалари котибиятида сақланади.

20. Кенгашининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари барча республика ижро этувчи органлар, юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши мажбурийдир.

21. Кенгашнинг ишчи органи ва котиби Кенгаш қарорларининг бажарилишини мунтазам равишда ўрганадилар ва кўриб чиқадилар, зарурият бўлганда Кенгаш раисига тегишли ахборотлар ва таклифлар киритадилар.

22. Кенгашнинг иш тартиби унинг Кенгаш томонидан тасдиқланадиган Регламентида белгиланади.

## 7-боб. Якунловчи қоида

23. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2024 йил 17 апрелдаги 214-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, вилоятлар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармалари ва Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармаси ҳузуридаги ҳудудий архитектура-шаҳарсозлик кенгаши тўғрисида**

# НАМУНАВИЙ НИЗОМ

## 1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Намунавий низом Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, вилоятлар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармалари ва Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармаси ҳузуридаги ҳудудий архитектура-шаҳарсозлик кенгашининг (кейинги ўринларда — Кенгаш) фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Кенгаш ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Намунавий низомга ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатларига амал қилади.

3. Кенгаш Республика архитектура-шаҳарсозлик кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, вилоятлар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармалари ва Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармасининг (кейинги ўринларда — ҳудудий орган) коллегиал органи ҳисобланади ҳамда шаҳарсозлик ва лойиҳа ҳужжатларини келишиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш жараёнида уларнинг профессионал жиҳатдан асосланганлиги, шаффофлиги ва очиқлигини таъминлайди.

4. Кенгаш ўз фаолиятида Республика архитектура-шаҳарсозлик кенгаши ва Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигига ҳисобот беради ва ўз ишини Кенгаш раиси томонидан тасдиқланган иш режасига мувофиқ, бепул асосда амалга оширади.

## 2-боб. Кенгашнинг асосий вазифалари ва функциялари

5. Қуйидагилар Кенгашнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳудудларини ривожлантиришни режалаштириш схемаларини ҳамда шаҳарларнинг (шаҳарчаларнинг) бош режалари, қишлоқ аҳоли пунктларининг ҳудудларини шаҳарсозлик жиҳатидан ривожлантириш схемалари, батафсил режалаштириш лойиҳалари ҳамда ўз тасарруфидаги ҳудудларда бошқа шаҳарсозлик ҳужжатларини (кейинги ўринларда — шаҳарсозлик ҳужжатлари) кўриб чиқиш ва келишиб олиш;

бинолар, иншоотлар ва бошқа объектларнинг лойиҳаларини кўриб чиқиш ва келишиб олиш;

аҳоли пунктларини ва қишлоқлараро ҳудудларни ривожлантиришни режалаштириш ва қуриш тўғрисида давлат органлари ва ташкилотлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг таклифларини кўриб чиқиш;

шаҳарсозлик ҳужжатларини амалга ошириш, шаҳарсозлик фаолияти объектларини жойлаштириш ҳамда тегишли ҳудудларда муҳандислик, транспорт ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш бўйича маҳаллий давлат ҳокимияти органларига таклифлар киритиш.

6. Кенгаш ўзига юкланган вазифалардан келиб чиқиб қуйидаги функцияларни амалга оширади:

ўз ҳудудида шаҳарсозлик ҳужжатларни кўриб чиқади, келишади ва тасдиқлаш учун ваколатли органлар томонидан тасдиқлашга тавсия қилади;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳарларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларининг шаҳарсозликка оид қисмларини, шаҳарсозлик ва архитектурани янада ривожлантириш концепциялари ишлаб чиқилишида иштирок этади, уларни кўриб чиқади ва амалга оширилишида бевосита иштирок этади;

Кенгаш белгиланган тартибда тасдиқланган шаҳарсозлик ҳужжатлари, шу жумладан, шаҳарлар ва туманлар марказларининг бош режаларига асосланган ўзгартиришлар киритилишига ўз ваколати доирасида розилик беради, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика архитектура-шаҳарсозлик кенгаши ваколатига кирувчи масалалар юзасидан таклифлар киритади;

бинолар, иншоотлар ва бошқа объектлар қурилиши учун лойиҳа ҳужжатларини минтақаларда экологик вазиятни яхшилаш, ерлардан оқилона фойдаланиш, турар жой муҳитининг шинамлигини сифат жиҳатдан ошириш ва тарихий-архитектура мероси объектларини сақлаб қолиш нуқтаи-назаридан келиб чиқиб кўриб чиқади, маъқуллайди ёки қайта ишлаш бўйича тавсиялар беради;

аҳоли пунктларини ва қишлоқлараро ҳудудларни ривожлантиришни режалаштириш ва қуриш тўғрисида, жумладан архитектура ва шаҳарсозлик комплекслари, муҳандислик, транспорт ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш соҳасида давлат органлари ва ташкилотлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг таклифларини кўриб чиқади ҳамда асосланган таклифлар асосида ваколатли республика ижро этувчи органларига тавсиялар киритади;

бош режалар, батафсил режалаштириш лойиҳалари ва бошқа шаҳарсозлик ҳужжатлари асосида аҳоли пунктларини қуриш ва қисмларини реконструкция қилиш, ижтимоий ва муҳандислик-транспорт инфратузилмаларини ривожлантириш ва янгилаш бўйича таклифларни республика ижро этувчи органларнинг ҳудудий бўлинмаларига киритади;

замонавий шаҳар марказларини шакллантириш, эски турар жой муҳитининг шинамлигини сифат жиҳатидан оширишни ва тарихий-архитектура мероси объектлари сақлаб қолинишини назарда тутган ҳолда эски шаҳар ту-

манларини ва қисмларини реконструкция қилиш бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳудудий бўлинмаларига тавсиялар киритади;

ҳудудий аҳамиятга молик алоҳида, шу жумладан, табиий ва сув объектлари зоналарини, рекреацион, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги, табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларнинг таъсирига учраган, фойдали қазилмалар жойлашган ва бошқа ҳудудларнинг чегараларини белгилайди ҳамда тегишли объектлар ҳудудларида шаҳарсозлик фаолияти тартиботини ўрнатиш бўйича ҳужжатларни кўриб чиқади ва улар юзасидан тавсиялар қабул қилади.

## 3-боб. Кенгашнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

7. Кенгаш ўзига юкланган вазифаларнинг амалга оширилишини таъминлаш мақсадида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

вақтинчалик ишчи гуруҳлар тузиш ва уларда ишлаш учун мутахассисларни жалб этиш;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва ташкилотлардан Кенгаш фаолиятига доир ҳужжатларни сўраб олиш;

шаҳарсозлик ҳужжатларини амалга ошириш бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисида туман ва шаҳар ҳокимлари ҳамда тегишли ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш.

Кенгаш қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

8. Кенгаш ушбу Намунавий низом ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан ўзига юкланган вазифаларнинг самарали бажарилиши учун жавоб беради.

## 4-боб. Кенгаш фаолиятини ташкил этиш

9. Кенгашга ҳудудий органлар раҳбари раислик қилади.

Кенгаш раисининг ваколатларига қуйидагилар киради:

Кенгаш аъзоларининг шахсий таркибини тасдиқлаш;

Кенгаш мажлисини ўтказиш кунини ва кун тартибини белгилаш;

Кенгаш томонидан тузилган ишчи гуруҳлар фаолиятини мувофиқлаштириш;

Кенгаш томонидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши юзасидан назоратни ташкил қилиш;

Кенгаш аъзолари зиммасига юкланган вазифаларни бажариш бўйича ишларни мувофиқлаштириш;

Кенгашнинг самарали ишлашини таъминлаш бўйича бошқа ваколатларни амалга ошириш.

Бош архитектор — ҳудудий орган раҳбарининг ўринбосари Кенгаш раисининг ўринбосари ҳисобланади.

10. Кенгаш аъзолари:

Кенгаш мажлисларида кўриб чиқиладиган масалаларни муҳокама қилиш ва ҳал этишда иштирок этадилар;

шаҳарсозликнинг долзарб масалалари бўйича Кенгашга таклифлар киритадилар;

Кенгаш муҳокама қиладиган масалалар бўйича хулосалар берадилар.

Кенгаш аъзолари Кенгашдаги фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширадилар.

11. Кенгаш мажлислари заруратга кўра ҳар қандай иш кунида ўтказилиши мумкин, шу билан бирга лойиҳа ҳужжатларини келишиш бўйича Кенгашга сўровнома киритилган ҳолатларда уни кўриб чиқиш муддати мазкур сўровнома келиб тушган кунидан бошлаб беш иш кунидан ошмаслиги керак.

Кенгаш мажлисини ўтказиш вақти, жойи ва кун тартиби тўғрисида Кенгаш аъзолари мажлисни ўтказиш кунидан бир кун олдин хабардор қилинади.

12. Кенгаш мажлисини унинг раиси олиб боради. Кенгаш раиси бўлмаган тақдирда мажлисни унинг ўринбосари бошқаради.

Кенгашнинг асосий вазифаларидан келиб чиқиб, унинг мажлисида масалага алоқадор барча аъзолар қатнашиши шарт.

Кенгаш мажлисида лойиҳа ҳужжатлари кўриб чиқилаётганда муайян лойиҳа ҳужжатини келишишга алоқадор аъзолар қатнашмаган ҳолатда мазкур лойиҳа кейинги мажлисда кўриб чиқилади. Бундай ҳолатда мажлисда сабабсиз қатнашмаган масалага алоқадор аъзолар лойиҳа ҳужжатини келишиш муддатини бузилишига жавобгар ҳисобланади, агарда кенгаш аъзоси узрли сабаб билан келмаса унда ташкилот жавобгар бўлади.

13. Кенгаш мажлисига унда кўриб чиқилаётган масалалар аҳамиятидан келиб чиқиб туман (шаҳар) давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, лойиҳа-қидирув ва бошқа ташкилотлар раҳбар ва мутахассислари таклиф этилади.

Кенгашда келишилган лойиҳа ҳужжатлари қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги органларининг интернет тармоқларидаги сайтларида жойлаштириб борилади.

## 5-боб. Кенгашнинг ишчи органи ва котиби

14. Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, вилоятлар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармалари ҳамда Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармаси Кенгашнинг ишчи органи (кейинги ўринларда — ишчи орган) ҳисобланади.

Ишчи орган:

Кенгаш фаолиятини ташкилий-техник жиҳатдан таъминлашни амалга оширади;

Кенгаш иш режаси лойиҳасини тайёрлайди, Кенгаш муҳокамасига киритади ва тасдиқланган иш режасининг бажарилишини таъминлайди;

Кенгаш мажлисига зарур бўлган материалларнинг тайёрланишини таъминлайди ва манфаатдор ташкилотлардан зарур материалларни олади;

кун тартиби масаласи бўйича Кенгаш мажлиси ўтказилишини ташкил этади.

15. Кенгашнинг масъул котиби вазифасини бажариш ҳудудий органнинг Аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва ама-

лиётга татбиқ этиш бўлими бошлиғи зиммасига юкланади, унинг ваколатига қуйидагилар киради:

Кенгаш мажлисига зарур бўлган ҳужжатларнинг ўз вақтида тайёрланишини таъминлаш, Кенгаш мажлисига материаллар тайёрлаш бўйича ишчи орган ишини ташкил этиш;

Кенгаш раиси билан мажлис ўтказиш муддатлари ва жойи, шунингдек таклиф этилувчилар рўйхатини келишиш, Кенгаш аъзолари ва таклиф этилган шахсларни мажлис ўтказиладиган сана, вақти, жойи тўғрисида хабардор қилиш;

кун тартибидаги масалалар бўйича Кенгаш мажлислари ўтказилишини ташкил қилиш, Кенгаш мажлиси баёнларини расмийлаштириш ва тасдиқланган баёнларнинг Кенгаш аъзолари ва бошқа манфаатдор ташкилотларга юборилишини ташкил этиш;

Кенгаш қарорлари ижроси мониторингини олиб бориш ва унинг якунларини кўриб чиқиш учун Кенгаш мажлисига киритиш.

## 6-боб. Кенгаш томонидан қарорлар қабул қилиш ва уларнинг бажарилишини таъминлаш

16. Кенгаш қарори Кенгаш мажлисида қатнашаётган аъзоларининг ижобий ёки салбий хулосалари асосида қабул қилинади.

Кенгашнинг ҳар бир аъзоси қабул қилинаётган қарорлар юзасидан ўз фикрини ёзма равишда билдириш ҳуқуқига эга.

17. Кенгаш аъзолари лойиҳа ҳужжатларини келишишда масалага алоқадор аъзоларнинг барчаси ўзига тааллуқли йўналишда ижобий хулоса берган тақдирда лойиҳа келишилган ҳисобланади.

Кенгаш аъзоси Кенгаш мажлисида қатнашмаганда унинг ўрнига мажлисда фақат тегишли орган ёки ташкилот раҳбарининг ўринбосари, ёхуд мазкур орган ёки ташкилотнинг буйруғи билан ваколат берилган ходими иштирок этади.

Кенгаш аъзоси мажлисда сабабсиз иштирок этмаган тақдирда мазкур мажлисда кўриб чиқилган шаҳарсозлик ҳужжатлари ушбу Кенгаш аъзоси томонидан келишилган ҳисобланади. Ушбу ҳолатда келишилган шаҳарсозлик ҳужжатларидан фойдаланишдан келиб чиқадиган салбий оқибатлар учун Кенгаш мажлисида иштирок этмаган Кенгаш аъзоси ҳамда у вакиллик қиладиган орган ёки ташкилот ўзига тааллуқли йўналишда жавобгар ҳисобланади.

Кенгаш аъзоси мажлисга сабабсиз иштирок этмаганлиги йиғилиш баёнида қайд этилади, кейинчалик унинг келмаганлиги оқибатида келиб чиққан зарарни қоплаш ёки жавобгарликка тортиш «Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, Фуқаролик, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ва Жиноят кодексларида ёки бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Бундан ташқари, кенгашга раислик қилувчи томонидан кенгаш мажлисига сабабсиз келмаган ёки келмаслик сабабларини олдиндан ёзма равишда билдирмаган кенгаш аъзоларига тегишли чора кўриш учун унинг юқори ту-

рувчи органига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

18. Кенгаш қарорлари Кенгаш мажлиси баёни билан расмийлаштирилади. Кенгаш мажлиси баёни Кенгаш котиби томонидан имзоланади, Кенгаш раиси томонидан тасдиқланади ва уч кун муддатда Кенгаш аъзолари ҳамда манфаатдор ташкилотларга юборилади.

Кенгаш аъзолари кенгаш муҳокамасига қўйилган лойиҳа ҳужжатлари бўйича ўз йўналишлари юзасидан тегишли норматив-ҳуқуқий ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги нормативларга асосланган хулосаларини (ижобий ёки салбий) тақдим этадилар.

Кенгаш аъзоларидан бир нафари салбий хулоса берганда ҳам кенгаш лойиҳа ҳужжатларини келишмасдан қайтариши шарт.

Кенгаш аъзолари томонидан ўз йўналишлари бўйича лойиҳа ҳужжатларини шарт билан келишиш таъқиқланади.

Кенгаш аъзолари муҳокама этилган лойиҳа (масала) хусусида баёнга ўзининг алоҳида фикрини киритишга ҳақли.

Кенгаш баёнининг асл нусхаси ҳудудий қурилиш органида беш йил мобайнида сақланади.

Кенгаш баёни (баёндан кўчирма) йўқолган ёки бузилган ҳолатларда лойиҳа ташкилотнинг мурожаатига кўра уч кун муддатда унга баён нусхаси (дубликати) берилади.

Кенгаш мажлислари видеотасвирга тушириб борилади ва ҳар бир видеотасвир беш йил давомида Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, вилоятлар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармалари ва Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармалари архивларида сақланади.

19. Кенгашнинг қарори (баёни) асосида ҳар бир лойиҳа ҳужжатига ахборот тизими орқали алоҳида хулоса (ижобий ёки салбий) берилади.

Кенгаш қарори (баёни) асосида ижобий келишилган лойиҳа (шаҳарсозлик) ҳужжатларини кейинги босқичларда лойиҳалаш ва лойиҳаларни давлат экспертизасига тақдим этиш учун асос бўлади.

20. Кенгаш ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорлар барча вазирлик, идора, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши мажбурийдир.

21. Кенгаш қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши ҳолатини ўз мажлисларида мунтазам равишда кўриб чиқади.

22. Кенгашнинг иш тартиби унинг Кенгаш томонидан қабул қилинган Регламентида белгиланади.

## 7-боб. Якунловчи қоида

23. Мазкур Намунавий низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2024 йил 17 апрелдаги 214-сон қарорига
4-ИЛОВА

# Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси тўғрисидаги НИЗОМ

## 1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекциясининг (кейинги ўринларда — Инспекция) мақоми, асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари ва жавобгарлиги, фаолиятини ташкил этиш, раҳбарларининг функционал вазифалари, шунингдек, Инспекция ходимларини моддий рағбатлантириш тартибини белгилайди.

Инспекция ўз ваколатлари доирасида қурилиш-монтаж ишларининг сифати ва лойиҳа ҳужжатларига мувофиқлиги, шунингдек, кўп квартирали уй-жой фондини бошқариш, иссиқлик таъминотидан фойдаланиш, ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш хизматини кўрсатиш ҳамда фойдаланиш юзасидан давлат назоратини амалга оширади.

2. Инспекция республика ижро этувчи ҳокимият органи ҳисобланади ва ўз фаолиятида Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигига ҳисобот беради.

3. Инспекция ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек, ушбу Низомга ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига, шу жумладан, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг (кейинги ўринларда — Вазирлик) қарорлари ва буйруқларига амал қилади.

4. Инспекция ўз фаолиятини республика ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

5. Инспекциянинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари республика ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, шунингдек, юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши мажбурийдир.

6. Инспекция давлат муассасаси шаклидаги юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳр ва бланкаларга, мустақил балансга, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасида шахсий ҳисобварақларига, шу жумладан, чет эл валютасидаги Ягона ғазна ҳисобварағига эга бўлади.

7. Инспекциянинг расмий номи:

а) давлат тилида:

тўлиқ номи — Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси;

қисқартирилган номи — Қурилиш ва коммунал хўжалиги назорати инспекцияси;

б) рус тилида:

тўлиқ номи — Инспекция по контролю в сфере строительства и жилищно-коммуналного хозяйства при Министерстве строительства и жилищно-коммуналного хозяйства Республики Узбекистан;

қисқартирилган номи — Узстройкомхознадзор;

8. Инспекциянинг жойлашган манзили (почта манзили): Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Абай кўчаси, 6-уй.

9. Инспекция ҳудудий инспекциялар фаолиятини ташкил этади, назорат қилади ва умумий раҳбарлик қилади.

## 2-боб. Инспекциянинг асосий вазифалари ва функциялари

10. Қуйидагилар Инспекциянинг асосий вазифалари ҳисобланади:

а) қурилиш соҳасида:

лойиҳа ҳужжатлари бўйича қурилиш-монтаж ишларининг амалга оширилишида ва қурилиш-монтаж ишлари тугалланган объектларнинг фойдаланишга қабул қилинишида шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунлар, шаҳарсозлик меъёрлари, қоидалари ва стандартларга риоя қилиниши, қурилиш соҳасида техник жиҳатдан тартибга солишга доир норматив ҳужжатлар талабларига риоя этилиши бўйича давлат назоратини амалга ошириш;

ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, объектларда бино ва иншоотларнинг зилзилага бардошлилигига таъсир қилувчи, шунингдек, инсон саломатлиги ва ҳаётига таҳдид солувчи сифатсиз қурилиш материаллари ва буюмлар қўлланилишини олдини олиш;

буюртмачининг техник назорати ва лойиҳа ташкилотларининг муаллифлик назоратини, пудратчининг ички назорат тизимини олиб борилиши устидан давлат назоратини олиб бориш ва мониторинг қилиш;

янги қурилаётган бино ва иншоотларнинг сейсмик жиҳатдан заифлигини баҳолаш, мавжуд бинолар ва иншоотларнинг инструментал-техник текширувдан ўтказилишини таъминлаш ҳамда синов лабораториялари фаолиятини мувофиқлаштириш;

объектларнинг қурилиш-монтаж ишларини бошлашга ҳамда қуриб битказилган объектларни фойдаланишга рухсат бериш;

б) кўп квартирали уй-жой фондини бошқариш соҳасида:

кўп квартирали уйларни бошқариш, унга туташ ер участкаларини сақлаш ва ундан фойдаланишда техник фойдаланиш қоидалари ва нормаларига риоя этилишини назорат қилиш ҳамда мулкдорлар томонидан жойларнинг ўзбошимчалик билан қайта қурилишига ва қайта режалаштирилишига йўл қўймаслик;

кўп квартирали уйлардаги умумий мол-мулк ва уларга туташ ер участка-

ларида амалга оширилган таъмирлаш-тиклаш ишларининг қонунчилик ҳужжатлари ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга мувофиқ бажарилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш;

кўп квартирали уйларни бошқариш органлари ва жойлар мулкдорлари томонидан иссиқлик таъминотидан фойдаланишда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалгаошириш;

в) ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасида:

ичимлик сувини самарали ишлаб чиқариш, етказиб бериш, реализация қилиш, ичимлик сувидан оқилона фойдаланиш, шунингдек оқова сувларни чиқариб юбориш ва тозалаш бўйича хизмат кўрсатиш соҳасида техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисидаги қонунчилик ҳамда норматив ҳужжатлар талабларига риоя этилишини назорат қилиш;

ичимлик суви ишлаб чиқариш учун мўлжалланганер ости сувлари қудуқларининг техник ҳолати ва улардан фойдаланиш шартларига ҳамда қазишнинг (бурғилашнинг) белгиланган қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш;

оқова сувларни чиқариб юбориш тармоқларидаги ва тозалаш иншоотларидаги оқова сувлар таркибида ифлослантирувчи моддаларни рухсат этилган меъёрлар даражасида чиқариб юборилиши ҳамда тозаланиши устидан давлат назоратини амалга ошириш;

оқова сувларни чиқариб юбориш тармоқларига оқизилган ва оқова сувларни тозалаш иншоотларидаги оқова сувлар таркибида ифлослантирувчи моддаларни рухсат этилган меъёрлар даражасида тозаланиши устидан давлат назоратини амалга ошириш;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш объектларида, шу жумладан, ер ости сувлари қудуқларида қурилиш-монтаж (реконструкция) ишлари ҳамда лойиҳа-смета ҳужжатларини таҳлил қилиш устидан назорат олиб боради.

Ичимлик суви иншоотларини ва оқова сувларни тозалаш иншоотларини ҳудудий инспекциялар томонидан технологик аудитдан ўтказилишини назорат қилади.

11. Инспекция ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

1) қурилиш соҳасида:

а) қурилиш соҳасида техник жиҳатдан тартибга солишга доир норматив ҳужжатлар талабларига риоя этилиши бўйича давлат назоратини амалга оширишда:

лойиҳа ҳужжатлари бўйича шаҳарсозлик субъектлари (буюртмачи, лойиҳа ва пудрат ташкилотлари) томонидан шаҳарсозлик ҳужжатларига риоя этилишида ҳудудий инспекциялар томонидан амалга ошириладиган назорат тадбирларини мувофиқлаштиради;

қурилиш-монтаж ишларининг бажарилишида шаҳарсозлик меъёрлари, қоидалари ва стандартларга риоя қилинишини қурилиш соҳасида техник

жиҳатдан тартибга солишга доир норматив ҳужжатлар талабларига риоя этилиши бўйича таъсирчан назорат ўрнатади;

қонунчиликда белгиланган тартибда қурилиш нормалари ҳамда қоидаларини бузган ҳолда бино-иншоотлар қурилиши бўйича ҳудудий инспекциялар фаолиятини мувофиқлаштиради;

жисмоний ва юридик шахслар томонидан қурилишда шаҳарсозлик норма ва қоидаларига, стандартларга риоя этишлари юзасидан назорат ўрнатилишида таҳлилий маълумотларни юритади.

б) ташкилий-ҳуқуқий шаклларидан қатъи назар, объектларда бино ва иншоотларнинг зилзилага бардошлилигига таъсир қилувчи, шунингдек, инсон саломатлиги ва ҳаётига таҳдид солувчи сифатсиз қурилиш материаллари ва буюмлар қўлланилишини олдини олиш юзасидан давлат назоратини амалга оширишда:

қурилиш объектларида қурилиш материаллари, буюмлари, конструкциялари ва бажарилаётган қурилиш-монтаж ишлари сифатини текшириш учун шаҳарсозлик фаолияти субъектларидан белгиланган тартибда лойиҳа, технологик ва ижро ҳужжатлари, шунингдек, бошқа зарур маълумотларни сўрайди ва олади;

қурилиш объектларидаги авария ва носозликлар бўйича профилактик тадбирлари ўз вақтида ўтказилишини назорат қилади.

в) буюртмачининг техник, лойиҳа ташкилотининг муаллифлик ва пудратчининг ички назорат тизимини олиб борилиши устидан давлат назоратини амалга оширишда:

қурилиш объектларида буюртмачининг техник, лойиҳа ташкилотларининг муаллифлик ва пудратчининг ички назорати олиб борилиши бўйича ҳудудий инспекциялар фаолиятини назорат қилади;

объектларни қуриш ва реконструкция қилишда тегишли мутахассисларининг бириктирилганлигини ёки ушбу фаолият турини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган юридик шахсни шартнома асосида жалб қилинганлигини ҳамда уларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сертификатга эгалигини ўрганади;

г) янги қурилаётган бино ва иншоотларнинг сейсмик жиҳатдан заифлигини баҳолаш, мавжуд бинолар ва иншоотларнинг инструментал-техник текширувдан ўтказилиши ҳамда синов лабораториялари фаолиятини амалга оширишда:

сейсмик фаол зоналарда қурилиши режалаштирилаётган барча турдаги бинолар ва иншоотларнинг, шунингдек, кўп қаватли турар жойларнинг сейсмик жиҳатдан заифлигини баҳолаш учун зарур бўлган ахборотни ўз ичига олган электрон техник паспортларнинг буюртмачилар томонидан расмийлаштирилишини мувофиқлаштиради;

қурилаётган бинолар ва иншоотларнинг зилзилабардошлигини таъминлаш, шунингдек, инструментал-техник текширувдан ўтказиш ҳамда зилзилабардошлигини аниқлаш бўйича кўрилган чораларни мувофиқлаштиради;

ҳудудий инспекцияларни синов лабораторияларни иш юритиш фаолия-

тини ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасида амалга оширилган ишларни мувофиқлаштиради;

2) кўп квартирали уй-жой фондини бошқариш соҳасида:

а) кўп квартирали уйларни бошқариш, унга туташ ер участкаларини сақлаш ва ундан фойдаланишда техник фойдаланиш қоидалари ва нормаларига риоя этилиши ҳамда мулкдорлар томонидан жойларнинг ўзбошимчалик билан қайта қурилишига ва қайта режалаштирилишига йўл қўйилмаслиги бўйича давлат назоратини амалга оширишда:

мавжуд кўп квартирали уйлардаги таянч ва (ёки) тўсиқ конструкцияларни қонунчиликни ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни бузган ҳолда ўзгартириш ва (ёки) реконструкция қилиш, шу жумладан кўп квартирали уйларда ва кўп квартирали уйларга туташ ер участкаларида ўзбошимчалик билан иморатлар (иншоотлар) қурилишига йўл қўйилмаслигини таъминлайди;

уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси ташкилотлари томонидан тегишли коммунал хизматлар кўрсатишда техник тартибга солиш бўйича меъёрий ҳужжатлар талабларига риоя этилишини таъминлайди;

кўп квартирали уйлар ва уларга туташ ер участкаларидан фойдаланишда техник фойдаланиш қоидалари ва нормалари талабларига амал қилинишини юзасидан таҳлилий маълумотларни юритади;

кўп хонадонли уй-жой фондини бошқариш, жумладан муҳандислик тармоқлари, кўп хонадонли уйлар ускуналаридан фойдаланиш, авария ҳолатларини бартараф этилишини тизимли ташкил этиш юзасидан мониторинг юритади;

уй-жой мулкдорларининг мурожаатларига асосан умумий йиғилишларнинг ўтказилишини ва ҳисоботларнинг мулкдорларга ўз муддатларида бериб борилишини ўрганади.

б) кўп квартирали уйлардаги умумий мол-мулк ва уларга туташ ер участкаларида амалга оширилган таъмирлаш-тиклаш ишларининг қонунчилик ҳужжатлари ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга мувофиқ бажарилиши устидан давлат назорати амалга оширишда:

умумий фойдаланиладиган жойлар, фасадлар, уйларнинг ички муҳандислик коммуникацияларини таъмирлаш-тиклаш ишларини тизимли ўтказиш қоидаларига риоя этилишини ўрганади;

в) кўп квартирали уйларни бошқариш органлари ва жойлар мулкдорлари томонидан иссиқлик таъминотидан фойдаланишда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширишда:

истеъмолчилар томонидан (белгиланган тартиб-таомилларга зид равишда) рухсатномаларсиз (ўзбошимчалик билан) иссиқлик тармоқларига уланиш ҳолатларини ўрганади;

жойлар мулкдорлари томонидан ўзбошимчалик билан хонадон ичидаги иситиладиган майдон ҳажмини сунъий равишда кенгайтириш ва иссиқлик таъминоти тизимидан ўзини ўзи узиб қўйиш ҳолатларини ўрганади;

кўп квартирали уйларни бошқариш органлари томонидан иситиш тизи-

мидаги иссиқлик энергиясини оқава сув тизимларига оқизиб юбориш ҳолатларини ўрганади;

3) ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасида:

а) ичимлик сувини самарали ишлаб чиқариш, етказиб бериш ва реализация қилиш, ичимлик сувидан оқилона фойдаланиш, оқова сувларни чиқариб юбориш ва тозалаш бўйича хизмат кўрсатиш соҳасида техник жиҳатдан тартибга солишга доир норматив ҳужжатлар талабларига риоя қилиниши бўйича:

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тизимларига уланишда техник шартлар талабларига риоя этилиши, шунингдек ичимлик ва оқава сув тармоқларига ўзбошимчалик билан уланишнинг олдини олиш;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тармоқларидаги ва бошқа иншоотлардаги авариялар бартараф этилишини, улар юзага келишининг олдини олиш бўйича ишлаб чиқилган тадбирларнинг амалга ошириш;

ичимлик сувининг технологик жиҳатдан сарфланиши ва йўқотилишининг йўл қўйиладиган нормаларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш;

ичимлик суви таъминоти ташкилотлари, шунингдек, истеъмолчилар томонидан сув таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юборишсоҳасида хизмат кўрсатиш қоидаларига амал қилинишини таъминлаш;

ичимлик суви таъминоти ташкилотлари томонидан иншоотларда ичимлик сувининг технологик ҳисоби юритилиши таъминланганлигини ва ҳисоблаш ускуналари ишлашини назорат қилиш;

ичимлик суви таъминоти ташкилотлари томонидан ичимлик сувини йўқотишнинг белгиланган меъёрларига риоя этилишини назорат қилиш;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, сув таъминоти ташкилотлари томонидан аҳолига етказиб берилаётган ичимлик сувининг сифати, стандартлар ва ўрнатилган талабларга жавоб беришини назорат қилиш;

ичимлик суви таъминоти ташкилотлари томонидан истеъмолчиларга етказиб берилаётган ичимлик сувининг сифати, сувни тозалаш, зарарсизлантириш ускуналари билан таъминланганлигини ва белгиланган талабларга мувофиқлигини текширади;

инвестиция дастурлари асосида ичимлик суви таъминоти ва оқова сув объектларида амалга оширилган қурилиш, реконструкция ва модернизация ишлари натижасида истеъмолчиларнинг сув таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш хизматлари билан қамраб олиниши ҳамда ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъий назар, сув таъминоти ташкилотлари билан истеъмолчилар ўртасида шартномавий муносабатлар йўлга қўйилганлиги устидандавлат назоратини амалга оширишни таъминлайди;

б) ичимлик суви эҳтиёжлари учун ер ости сувлари қудуқларининг ҳолати ва улардан фойдаланиш шартларига риоя этилиши бўйича:

ичимлик эҳтиёжлари учун ер ости сувларидан фойдаланиш соҳасини

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талаблари бажарилиши устидан таъсирчан назорат ўрнатиш;

ичимлик суви эҳтиёжлари учун сув қудуқларини қазишнинг белгиланган қоидаларини ва технологиясига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади;

в) оқова сувларни чиқариб юбориш тармоқларига оқизилган оқова сувлар таркибида ифлослантирувчи моддаларни рухсат этилган меъёрлар даражасида тозаланиши устидан давлат назоратини амалга оширишда:

оқова сувларни чиқариб юбориш тармоғига нормадан юқори даражада ифлослантирилган оқова сувларни оқизиб юборганлик учун компенсация тўловларини қонунчиликда белгиланган тартибда ҳисоб-китоб қилиш ҳамда жисмоний ва юридик шахслардан ундирилиши устидан назоратни амалга оширади.

г) ичимлик суви иншоотларини ва оқова сувларни тозалаш иншоотларини ҳудудий инспекциялар томонидан технологик аудитдан ўтказилиши бўйича:

ҳудудий инспекциялар томонидан ичимлик сув таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тизими таркибидаги объектларни самарадорлигини ошириш (техник жараён ва энергияни тежаш) бўйичатехнологик аудитдан ўтказилишини назоратга олишни таъминлаш;

12. Инспекция қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

13. Инспекция ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бевосита ҳамда ҳудудий инспекциялар орқали амалга оширади.

## 3-боб. Инспекциянинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

14. Инспекция ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни амалга оширишда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) объектларда ўтказиладиган текширишларни ташкил этиш соҳасида:

ташкилий-ҳуқуқий шаклларидан қатъий назар давлат назоратини амалга ошириш юзасидан ваколат доирасига кирувчи масалаларда белгиланган тартибда текширув ўтказиш;

«хавфни таҳлил этиш» тизими доирасида тадбиркорлик субъектларининг қонунни бузиш хавфи даражасидан келиб чиқиб, текширувни ташаббус қилиш;

давлат назоратини амалга оширишда жисмоний ва юридик шахслардан, шунингдек, ўз ваколатига кирувчи масалаларни ҳал этиш учун зарур бўлган маълумотларни вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ҳамда ташкилотлардан белгиланган тартибда олиш;

ҳудудий инспекциялар томонидан ўтказилган назорат тадбирлари бўйича таҳлилий маълумотларни юритиш;

назорат ишларини электрон тизим орқали таҳлил қилиш, умумлаштириш ҳамда мониторингини олиб бориш, шунингдек уларнинг натижалари бўйича ҳудудий инспекцияларга тегишли кўрсатмалар бериш;

Инспекцияга ўз функционал вазифалари ва функцияларини бажариш

учун кўп квартирали уйлардаги хонадонларга мулкдорни олдиндан хабардор қилган ҳолда унинг розилиги билан кириш;

зарурат бўлганда ичимлик ва оқова сувларни, ускуна ва материалларни тегишли ташкилотлар томонидан назорат синовидан ва таҳлилдан ўтказишни тайинлаш.

б) ўтказилган текширишларнинг натижадорлигини таъминлаш соҳасида:

қуйидаги ҳолатларда жисмоний ва юридик шахсларга нисбатан бажарилиши мажбурий бўлган ёзма кўрсатмалар киритади:

бино ва иншоотларнинг зилзилага бардошлигига таъсир қилувчи, шунингдек, инсон саломатлиги ва ҳаётига таҳдид солувчи конструктив бузилишлар аниқланган ҳолатларда, қурилиш-монтаж ишларини тўхтатиб туриш ва демонтаж ишларини амалга оширишни талаб қилиш бўйича;

кўп квартирали уй-жой фондини бошқариш соҳасида одамлар ҳаёти ва саломатлигига хавф соладиган носоз техник қурилмалардан улардаги носозликлар бартараф этилмагунгача фойдаланишни тақиқлаш бўйича;

кўп квартирали уйлар, кўп квартирали уйлар умумий мулкини сақлаш ва улардан фойдаланиш қоидалари, коммунал хизматлар кўрсатишда техник тартибга солишга оид норматив ҳужжатлар талаблари, технологик лойиҳалаштириш нормаларининг бузилиши ҳолатларини, фойдаланишда хавфсизликни пасайтирадиган ускуналарни тайёрлаш ва монтаж қилишдаги камчиликларни бартараф этиш бўйича;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш хизмати соҳасида аниқланган ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш тўғрисида;

ер ости ичимлик суви захираларининг камайиши ёки ер ости сувларидан самарасиз фойдаланиш ҳолатлари аниқланганда ер ости сувларини олишни тўхтатиш ёки бу борада ажратилган лимитни белгиланган тартибда қисқартириш бўйича.

Инспекция ўз ваколатлари доирасида:

маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ва махсус ваколатли давлат органининг ҳудудий бўлинмаларига шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузган ҳолда қабул қилинган қарорларни бекор қилиш ҳақида тақдимномалар киритади;

шаҳарсозлик фаолиятини амалга оширишга доир лицензияларнинг ҳамда рухсат берувчи ҳужжатларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ёки уларни бекор қилиш тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун тегишли давлат органлари ҳамда ташкилотларга тақдимномалар юборади;

бинолар ҳамда иншоотларнинг зилзилабардошлилигига таъсир қилувчи, шунингдек инсон ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солувчи сифатсиз қурилиш материаллари, конструкциялари ҳамда буюмлари қўлланилганлиги аниқланган ҳолларда, қурилиш материалларини, конструкцияларини ва буюмларини ишлаб чиқаришни, реализация қилиш ҳамда қўллашни тўхтатиб туриш ҳақида тегишли давлат органлари ва ташкилотларга тақдимномалар юборади;

давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда бошқа ташкилотларга кўп квартирали уй-жой фондини бошқариш ҳамда ичимлик суви таъминоти ва оқова

сувларни чиқариб юбориш хизмати соҳасида ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш бўйича судларга даъво киритади.

Қуйидаги ҳолатларда судларга даъво аризалар киритади:

қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган қурилиш соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомилларига риоя қилинмаган ҳолда қурилиш ишлари бошланган ҳолати аниқланганда қурилиш-монтаж ишларини тўхтатиб қўйиш, демонтаж ишларини амалга ошириш ёки буздириш ишларини амалга ошириш тўғрисида;

ўтказилган текширув натижасида аниқланган қонунбузарликларни бартараф этишга доир кўрсатмалар талаблари бажарилмаган ҳолатларда жисмоний ёхуд юридик шахс фаолиятини қисман ёки тўлиқ тўхтатиш ёхуд тақиқлаш тўғрисида;

инспекция манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида.

в) фаолият йўналишлари бўйича самарадорликни таъминлаш соҳасида:

норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш, тегишли меъёрлар ва қоидаларни ишлаб чиқади ёки бошқа ваколатли органлар билан ишлаб чиқишда иштирок этади;

Инспекция ва ҳудудий инспекциялар иш фаолиятида фойдаланиши учун услубий ва методик қўлланмалар, йўриқномалар ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

қурилиш соҳасида ва кўп квартирали уй-жой фондини бошқариш ҳамда ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасида давлат назоратини амалга ошириш юзасидан электрон ахборот тизимини ташкил этади;

Инспекция ва ҳудудий инспекциялар ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва узлуксиз малакасини оширишни ташкил этади;

хорижий давлатлар мутахассисларини жалб қилган ҳолда тажриба алмашиш ва инспекция ходимларининг хорижий мамлакатларда малакасини оширишни ташкил этади;

ходимларни қонунчиликда белгиланган тартибда аттестациядан ўтказишни ва уларнинг натижаларига кўра тегишли махсус гувоҳномалар беришни ташкил этади;

қурилиш, уй-жой фондини бошқариш ва ичимлик суви таъминоти ҳамда оқова сувларни чиқариб юбориш масалалари бўйича ўқув семинарларни ташкил қилади ва ўтказади.

15. Инспекция ҳуқуқбузарлик ҳолати бўйича эътироз билдирилган ҳолларда ишни кўриб чиқиш учун судга тақдим этиш тартибини сақлаб қолган ҳолда, қонун ҳужжатларининг бузилишига оид маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқади.

16. Кўп қаватли турар жойни нотурар жой тоифасига ёки кўп қаватли нотурар жойни турар жой тоифасига ўтказишга рухсатнома беришда хулоса беради.

17. Инспекция:

унга юкланган вазифалар ва функцияларни самарали бажариш, шунингдек, қурилиш соҳасида ва кўп квартирали уй-жой фондини бошқариш ҳамда

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш хизмати соҳасида давлат назоратини самарали амалга ошириш;

Вазирликка Инспекция томонидан киритиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳалари, шунингдек, Инспекция томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг сифати ва пировард натижалари учун жавоб беради.

## 4-боб. Инспекция фаолиятини ташкил этиш

18. Инспекцияга Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимномасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган Инспекция бошлиғи раҳбарлик қилади.

Инспекция бошлиғи бошқарув ходимларининг белгиланган чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида Инспекция штат бирликлари ҳамда харажатлар сметасини тасдиқлаш, заруратга кўра штат бирликларининг умумий чекланган сонидан чиқмаган ҳолда ўзгартириш киритиш;

Ҳудудий инспекциялар томонидан тузиб, тасдиқланган харажатлар сметаси ва штат жадвалларини «Келишилган»лиги бўйича тасдиқлаш, шунингдек объектлар сонидан келиб чиққан ҳолда ҳудудий инспекциялар тузилмаси ва штатлар жадвалларига ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

19. Инспекция бошлиғи Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган уч нафар ўринбосарга, шу жумладан, бир нафар биринчи ўринбосарга эга бўлади.

Инспекция бошлиғи бўлмаган даврда, бошлиқ вазифасини унинг ўринбосарларидан бири бажаради.

Ҳудудий инспекцияларнинг бошлиқлари Инспекция бошлиғи тавсияси асосида вазир томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

Инспекция бошлиғи:

Инспекция фаолиятига умумий раҳбарлик қилади;

ўринбосарлар ўртасида аниқ вазифалар ва функцияларни тақсимлайди, ходимлар ўртасида ваколатларни белгилайди ва мажбуриятларни тақсимлайди, Инспекция ҳудудий бўлинмаларининг мансабдор шахслари ваколатларини белгилайди;

инспекция марказий аппарати ходимларини лавозимга тайинлайди ва лавозимидан озод қилади;

ҳудудий инспекцияларнинг комплаенс-назорат бўйича мутахассисларини лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади;

Инспекция ва ҳудудий инспекция ходимларини давлат мукофотлари билан тақдирлашга доир таклифлар киритади;

Инспекция ва ҳудудий инспекция ходимларига тегишли махсус унвонлар (мартаба ва малака даражалари) беради;

малакали хорижий мутахассислар ва экспертларни шартномавий ҳуқуқий асосда вазир билан келишилган ҳолда жалб қилади;

ҳудудий инспекциялар фаолиятини мувофиқлаштириш, шу жумладан

моддий-техника базасини ташкил этиш ва ривожлантиришда амалий ёрдам беради;

инспекция ва ҳудудий инспекциялар ходимлари учун мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради ҳамда уларнинг бажарилишининг назоратини ташкил этади;

лаборатория ва биноларни техник кўрикдан ўтказиш хизматлари қийматини аниқлаш методикасини ишлаб чиқади ва тасдиқлаш учун вазирликка тақдим этади;

инспекцияни малакали, амалий тажрибага эга кадрлар билан тўлдириш, шунингдек уларни саралаб олиш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва узлуксиз малакасини ошириш соҳасида кадрлар сиёсатини юритади;

инспекцияда давлат фуқаролик хизматининг муайян лавозимини эгаллаш учун талабгор бўлаётган номзодларга нисбатан иш тажрибасига ва касбий компетенциясига доир талабларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди.

20. Инспекция бошлиғи қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширади.

21. Инспекция бошлиғи вазирлик ҳайъати таркибига киритилади.

## 5-боб. Инспекция бошлиғи, унинг ўринбосарлари ва марказий аппарати раҳбарларининг асосий вазифалари

22. Қуйидагилар Инспекция бошлиғининг асосий вазифалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси ва вазирликнинг қарорлари ва топшириқлари ижроси таъминланиши ҳамда мониторинги олиб борилишининг амалий тизимини ташкил этиш;

«Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ Инспекция тизимида коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, қонун ҳужжатларини такомиллаштириш чораларини ишлаб чиқиш, амалиётда соҳада юзага келиши мумкин бўлган салбий оқибатлар билан курашиш, таҳлил қилиш ҳамда бартараф қилиш;

Инспекция фаолиятини режалаштириш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш;

Инспекциянинг йиллик ва ярим йиллик иш режаларини тасдиқлаш учун вазирга киритиш;

Инспекция фаолиятида ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни амалга ошириш, қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ топшириқлар ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун марказий аппаратнинг мансабдор шахслари ва ҳудудий инспекциялар раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини ошириш чора-тадбирларини кўриш;

ҳудудий инспекциялар фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини танқидий таҳлилини мунтазам равишда ўтказиш, уларнинг ҳисоботларини Инспекция мажлисларида эшитиш, якунлари бўйича зарур ҳолларда уларни белгиланган тартибда интизомий жавобгарликка тортиш чораларини кўриш;

Инспекция ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка

тортиш масалаларини белгиланган тартибда ҳал қилиш, уларнинг эгаллаб турган лавозимларига мувофиқлиги масаласини кўриб чиқиш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини кейинчалик қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш учун сифатли ишлаб чиқишни ташкил этиш ва Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигига киритиш;

одоб-ахлоқ қоидаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, шунингдек, уларга риоя қилинишини таъминлаш;

Инспекциянинг таркибий бўлинмалари низомлари, лавозим йўриқномаларини ва ҳудудий инспекциялар тўғрисидаги низомларни ҳамда Инспекциянинг бошқа ички ҳужжатларини белгиланган тартибда тасдиқлаш;

Инспекция ва унинг таркибий бўлинмалари ишини ташкил қилишнинг замонавий шаклларини жорий қилишни таъминлаш;

инспекцияга тегишли бўлган мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш;

Инспекция бошлиғи қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа функционал вазифаларни ҳам амалга оширади.

23. Қуйидагилар Инспекция бошлиғи ўринбосарларининг асосий вазифалари ҳисобланади:

инспекциянинг ўзи мутасаддилик қиладиган таркибий бўлинмалари фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва бевосита бошқариш, уларнинг ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлаш;

инспекция фаолиятининг ўзи мутасаддилик қиладиган йўналишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва вазирликнинг буйруқлари билан тасдиқланган инспекциянинг фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича концепциялар, комплекс дастурлар ва тадбирларнинг бажарилишини танқидий ва чуқур таҳлил қилиш;

ўзи мутасаддилик қиладиган таркибий бўлинмалар томонидан режа кўрсаткичларининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш чораларини кўриш, бўлинмалар раҳбарларининг ҳисоботларини мунтазам равишда эшитиш ва ушбу кўрсаткичларга эришиш учун уларнинг шахсий масъулиятини ошириш;

ўзи мутасаддилик қиладиган таркибий бўлинмаларнинг иш режаларини тасдиқлаш, уларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаш;

ўзи мутасаддилик қиладиган таркибий бўлинмалар фаолиятида ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни бажариш, шунингдек, таркибий бўлинмалар раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чора-тадбирларини кўриш;

Вазирликнинг Инспекция фаолиятига тааллуқли буйруқлари, Инспекция буйруқлари ва топшириқларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

ўзи мутасаддилик қиладиган таркибий бўлинмаларда ходимларни танлаш ва жой-жойига қўйиш бўйича Инспекция бошлиғига таклифлар киритиш;

ўзи мутасаддилик қиладиган таркибий бўлинмалар раҳбарлари фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини мунтазам равишда танқидий таҳлил қилиш;

ўзи мутасаддилик қиладиган таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш бўйича Инспекция бошлиғига таклифлар киритиш.

Инспекция бошлиғи ўринбосарлари қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа функционал вазифаларни ҳам амалга оширади.

## 6-боб. Инспекция бошлиғи ва ўринбосарларининг жавобгарлиги

24. Инспекция бошлиғи:

Инспекцияга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши;

ушбу Низомнинг 17 ва 19-бандида назарда тутилган ҳолатлар бўйича;

ушбу Низомнинг 22-бандида кўрсатилган ўз вазифаларининг сифатли бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

25. Инспекция бошлиғининг ўринбосарлари:

Инспекциянинг ўзи назорат қиладиган таркибий тузилмаларида Инспекцияга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши;

ушбу Низомнинг 17-бандида назарда тутилган Инспекциянинг мутасаддилик қилинадиган масалаларга доир жавобгарлик соҳалари бўйича;

ушбу Низомнинг 23-бандида кўрсатилган ўз вазифаларининг сифатли бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

## 7-боб. Инспекция фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари

26. Инспекция бошлиғи Инспекция фаолияти ва унга юкланган вазифалар самарали бажарилиши бўйича доимий мониторингни олиб боради ҳамда Инспекция фаолияти самарадорлиги ва натижадорлиги мунтазам равишда баҳолаб боради.

27. Инспекция фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири томонидан тасдиқланадиган Инспекция фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари ва индикаторларига асосланади.

28. Инспекция фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш якунлари бўйича қуйидаги чоралар кўрилади:

Инспекция раҳбарлари ва ходимларини рағбатлантириш (мукофотлаш) ёки интизомий жавобгарликка тортиш;

Инспекция фаолиятида аниқланган камчиликларни бартараф қилиш ва унинг фаолиятини янада такомиллаштириш.

29. Инспекция фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

## 8-боб. Инспекция фаолиятини молиялаштириш, ходимларни меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш тартиби

30. Инспекция фаолиятини молиялаштириш, ходимларининг меҳнатига

ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш қуйидагилар ҳисобидан амалга оширилади;

харажатлар сметаси асосида бюджетдан ажратиладиган маблағлар;

инспекциянинг бюджетдан ташқари барча маблағлари;

ҳомийлик маблағлари;

қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

31. Инспекция ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашни молиялаштиришда республика бюджетидан қуйидагилар назарда тутилади:

а) ягона тариф сеткаси бўйича тасдиқланган разрядларга мувофиқ лавозим маоши, бунда, лавозим маошини ҳисоблашда, тасдиқланган тариф разрядлари тариф коэффициенти 1,8 бараварга оширилган миқдорида қўлланилади;

б) 40 фоиз миқдорида меҳнатни рағбатлантириш (рағбатлантирувчи коэффициент) учун оширилган тариф коэффициентни ҳисобга олган ҳолда устама ҳақ;

в) йилда бир ойлик меҳнатга ҳақ тўлаш фонди миқдорида моддий ёрдам;

г) йилда икки ойлик меҳнатга ҳақ тўлаш фонди миқдорида мукофот пули;

д) 15 фоизлик моддий рағбатлантириш фонди;

е) инспекциянинг бошқарув, техник ва хизмат кўрсатувчи ҳамда бошқа ходимларига кўп йиллик хизмати учун ҳар ойлик қўшимча устама ҳақи:

2 йилдан 5 йилгача — 10 фоиз миқдорида;

5 йилдан 10 йилгача — 20 фоиз миқдорида;

10 йилдан 15 йилгача — 30 фоиз миқдорида;

15 йилдан 20 йилгача — 40 фоиз миқдорида;

20 йилдан 25 йилгача — 50 фоиз миқдорида;

25 йилдан — 60 фоиз миқдорида.

32. Инспекция ходимларининг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича меҳнатига ҳақ тўлашда лавозим маошларига устама ҳақлар, мукофот, моддий ёрдам пули ҳамда бошқа барча қўшимча тўловлар қуйидагилардан иборат:

а) қуйидаги миқдорлардаги ҳар ойлик устама ҳақлардан;

инспекциянинг бошқарув ходимларининг лавозим маошига 40 фоиз миқдорда;

инспекция ходимларига меҳнат фаолиятини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий қўллаб қувватлаш учун Инспекция бошлиғи буйруғи ҳамда махсус комиссия қарорига асосан тайинланадиган 200 фоизгача ҳар ойлик белгиланадиган қўшимча устама тўлови:

лавозим маошига (жамоа шартномасида белгиланган миқдорда) шахсий устама;

б) қуйидагиларни ўз ичига оладиган рағбатлантирувчи, мукофот, компенсация ва бошқа тўловлардан:

меҳнат қонунчилигида белгиланган байрам саналар муносабати билан ходим лавозим маошининг икки бараваригача миқдорда;

ходимларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва уларнинг иш самарадорлигини ошириш мақсадида ҳар ойда йўл транспорти харажатлари учун базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари (хизмат автотранспорти бириктирилган ходимлар бундан мустасно) ҳамда ходимларнинг овқатланиши харажатларига кўмаклашиш мақсадида базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдорда компенсация тўловлари;

зарур ҳолларда, ўн беш ойлик базавий ҳисоблаш миқдорида (ходимнинг даволаниши, юбилей ёши муносабати билан, шунингдек, пенсияга чиққанда, тўй, дафн маросими ва бошқалар учун) ходимларга касаба уюшмаси билан келишган ҳолда моддий ёрдам пули;

ходимларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотиб олиш учун ҳар йили бир марта базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн беш бараваригача миқдорда тўлов амалга оширилади.

йил якуни бўйича ходимларнинг самарали меҳнатларини ҳисобга олган ҳолда, лавозим маошининг икки баравари миқдоригача мукофотлаш;

в) базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн беш бараваригача миқдорда қуйидагиларни ўз ичига оладиган моддий ёрдам ва бошқа тўловлардан:

ходим вафот этган ҳолларда, моддий ёрдам (агар ходим вафот этган йилда бевосита унга моддий ёрдам кўрсатилмаган бўлса) унинг турмуш ўртоғига, турмуш ўртоғи йўқлигида — у билан бирга яшовчи вояга етган фарзандларига ёки қонуний вакилларига (васийлар ва ҳомийларга) ёхуд вояга етмаган болаларни (болаликдан ногиронларни — ёшидан қатъий назар) фарзандликка олганларга, шунингдек, агар ходимлар никоҳда бўлмаганда ва фарзандлари бўлмаган ҳолларда, ходимнинг қарамоғидаги шахсларга ёки ота-оналарига тенг улушда тўлаб берилади.

Истисно тариқасида, ходимнинг асослантирилган аризасига асосан Инспекция раҳбарининг розилиги билан меҳнатга ҳақ тўлаш фондига ажратилган маблағлар доирасида қуйидаги ҳолларда қўшимча тарзда моддий ёрдам кўрсатилиши мумкин:

яқин қариндошлари вафот этганда — ўлим тўғрисидаги гувоҳнома нусхасига асосан;

алоҳида эҳтиёж туғилганда (бахтсиз ҳодиса, авария, узоқ муддатли касаллик сабабли махсус даволаниш ёки оиласи оғир моддий аҳволда бўлса).

33. Давлат бюджетидан ва бюджетдан ташқари маблағлар бўйича лавозим маошига устама ҳақлар, байрам пули, чораклик мукофот пули ҳамда бошқа қўшимча тўловлар оширилган тариф ва рағбатлантирувчи коэффициентларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

34. Инспекция ходимларига қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари қўлланилади.

## 9-боб. Якунловчи қоидалар

35. Инспекция қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қайта ташкил этилади ва тугатилади.

36. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2024 йил 17 апрелдаги 214-сон қарорига
5-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекциялари тўғрисидаги**
**НАМУНАВИЙ НИЗОМ**

## 1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Намунавий низом Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияларининг (кейинги ўринларда — Ҳудудий инспекция) мақоми, асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари ва жавобгарлиги, фаолиятини ташкил этиш, раҳбарларининг функционал вазифалари, ҳуқуқлари ва жавобгарлигини, шунингдек, ходимларни моддий рағбатлантириш тартибини белгилайди.

2. Ҳудудий инспекция Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси (кейинги ўринларда — Инспекция) таркибига киради ва қурилиш объектларида қурилиш-монтаж ишларининг лойиҳа ҳужжатларига мувофиқлиги, шунингдек, кўп квартирали уй-жой фондини бошқариш, иссиқлик таъминотидан фойдаланиш, ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш хизматини кўрсатиш ҳамда фойдаланиш юзасидан давлат назоратини амалга оширади (йўл қурилиши объектлари бундан мустасно).

3. Ҳудудий инспекция ўз фаолияти юзасидан Инспекцияга бўйсунади ва ҳисобот беради.

4. Ҳудудий инспекциялар фаолиятини ташкил этиш, назорат қилиш ва умумий раҳбарлик қилиш Инспекция томонидан вертикал бошқарув тизими асосида амалга оширилади.

5. Ҳудудий инспекция ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек, ушбу Низомга ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига, шу жумладан Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги (кейинги ўринларда — Вазирлик) ва Инспекциянинг буйруқлари, қарорларига ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатларига амал қилади.

6. Инспекция ўз фаолиятини давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда хўжалик бирлашмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

7. Ҳудудий инспекция хўжалик ҳисобидаги ташкилот ҳисобланади.

8. Ҳудудий инспекция давлат муассасаси шаклидаги юридик шахс ҳи-

собланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга ва бланкаларга, мустақил балансга, банкларда ҳисобварақларига, шу жумладан чет эл валютасидаги Ягона ғазна ҳисобварағигаэга бўлади.

9. Ҳудудий инспекциянинг расмий номи:

а) давлат тилида:

тўлиқ номи — Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекциясининг ҳудудий инспекцияси;

қисқартирилган номи — Ҳудудий қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги назорати инспекцияси;

б) рус тилида:

тўлиқ номи — Территориальная инспекция Инспекции по контролю в сфере строительства и жилищно-коммуналного хозяйства при Министерстве строительства и жилищно-коммуналного хозяйства Республики Узбекистан; қисқартирилган номи — Территориальная инспекция по контролю в сфере строительства и жилищно-коммуналного хозяйства;

## 2-боб. Ҳудудий инспекциянинг вазифалари ва функциялари

10. Қуйидагилар Ҳудудий инспекциянинг асосий вазифалари ҳисобланади:

1) қурилиш соҳасида:

лойиҳа ҳужжатлари бўйича қурилиш-монтаж ишларининг амалга оширилишда ва қурилиш-монтаж ишлари тугалланган объектларнинг фойдаланишга қабул қилинишида шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунлар, шаҳарсозлик меъёрлари, қоидалари ва стандартларга риоя қилиниши, қурилиш соҳасида техник жиҳатдан тартибга солишга доир норматив ҳужжатлар талабларига риоя этилиши бўйича давлат назоратини амалга ошириш;

буюртмачининг техник назорати ва лойиҳа ташкилотларининг муаллифлик назоратини, пудратчининг ички назорат тизимини олиб борилиши;

қурилиш объектларида қўлланилаётган қурилиш материаллари, маҳсулотлари ва конструкцияларининг шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, стандартлари талабларига ҳамда лойиҳа ҳужжатларида қабул қилинган техник ечимларга, қурилиш-монтаж ишларининг барча босқичларига риоя этишлари устидан давлат назоратини амалга оширади;

янги қурилаётган бино ва иншоотларнинг сейсмик жиҳатдан заифлигини баҳолаш, мавжуд бинолар ва иншоотларнинг инструментал-техник текширувдан ўтказишни таъминлаш ҳамда синов лаборатория фаолиятини амалга оширади;

қурилиш-монтаж ишларини бошлаш учун рўйхатдан ўтказади.

2) кўп квартирали уй-жой фондини бошқариш соҳасида:

кўп квартирали уйларни бошқариш, унга туташ ер участкаларини сақлаш ва ундан фойдаланишда техник фойдаланиш қоидалари ва нормаларига риоя этилишини назорат қилиш томонидан жойларнинг ўзбошимчалик билан қайта қурилишига ва қайта режалаштирилишига йўл қўйилмаслиги;

кўп квартирали уйдаги умумий мол-мулк ва уйларга туташ ер участкала-

рида амалга оширилган таъмирлаш-тиклаш ишларини қонунчилик ва шаҳарсозлик фаолиятини техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга мувофиқ бажарилиши;

кўп квартирали уйларни таъмирлаш ишларини амалга ошириш ва уларга туташ ер участкаларини ободонлаштириш учун ажратиладиган барча маблағларидан мақсадли фойдаланилиши;

кўп квартирали уйлар, уйлардаги яшаш ва яшаш учун мўлжалланмаган жойлар ва уйларга туташ ер участкаларида иссиқлик таъминотидан (иссиқ сув ва иссиқлик энергияси) фойдаланишда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади.

3) ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасида:

ичимлик сувини самарали ишлаб чиқариш, етказиб бериш ва реализация қилиш, ичимлик сувидан оқилона фойдаланиш, оқова сувларни чиқариб юбориш ва тозалаш бўйича хизмат кўрсатиш соҳасида техник жиҳатдан тартибга солишга доир норматив ҳужжатлар талабларига риоя қилиниши;

Ичимлик суви ишлаб чиқариш учун мўлжалланган ер ости сувлариқудуқларининг техник ҳолати ва улардан фойдаланиш шартларига ҳамда қазишнинг (бурғилашнинг) белгиланган қоидаларигариоя этилиши;

оқова сувларни чиқариб юбориш тармоқларидаги ва тозалаш иншоотларидаги оқова сувлар таркибида ифлослантирувчи моддаларни рухсат этилган меъёрлар даражасида чиқариб юборилиши ҳамда тозаланиши устидан давлат назоратини амалга оширади.

Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш объектларида, шу жумладан, ер ости сувлари қудуқларида қурилиш-монтаж (реконструкция) ишлари ҳамда лойиҳа-смета ҳужжатларини таҳлил қилади ва аниқланган ҳуқуқбузарликлар юзасидан чоралар кўради.

11. Ҳудудий инспекция ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

1) қурилиш соҳасида:

а) лойиҳа ҳужжатлари бўйича шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунлар, шаҳарсозлик меъёрлари, қоидалари ва стандартларга риоя қилиниши, шунингдек, қурилиш соҳасида техник жиҳатдан тартибга солишга доир норматив ҳужжатлар талабларига риоя этилиши бўйича давлат назоратини амалга оширишда:

қурилиш объектларида тасдиқланган лойиҳа ҳужжатлари, амалга оширилаётган қурилиш-монтаж ишларида шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига риоя этилишини назорат қилади;

қонунчиликда белгиланган тартибда лойиҳа ҳужжатларига ўзгартириш киритмасдан ёки қурилиш нормалари ҳамда қоидаларини бузган ҳолда бино-иншоотлар қурилиши устидан назорат ўрнатади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг лойиҳа ҳужжатлари бўйича шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунларга, қурилиш меъёрлари ва қоидалари ҳамда стандартларига риоя этилишини назорат қилади;

б) буюртмачининг техник назорати ва лойиҳа ташкилотларининг муал-

лифлик назоратини, пудратчининг ички назорат тизимини олиб борилиши устидан давлат назоратини амалга оширишда:

қурилиш объектида буюртмачи, лойиҳа ташкилоти ва пудратчи томонидан ижро ҳужжатларини юритилишини ҳамда қурилиш соҳасида қонунда кўрсатилган лицензияли фаолият турларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларнинг мавжудлигини назорат қилади;

объектларни қуриш ва реконструкция қилишда тегишли мутахассисларининг бириктирилганлигини ёки ушбу фаолият турини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган юридик шахсни шартнома асосида жалб қилинганлигини ҳамда уларнинг қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда сертификатга эгалигини ўрганади.

в) қурилиш объектларидаги қурилиш материаллари, маҳсулотлари ва конструкцияларининг шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, стандартлари талабларига ҳамда лойиҳа ҳужжатларида қабул қилинган техник ечимларга, қурилиш-монтаж ишларининг барча босқичларига риоя этишлари устидан давлат назоратини амалга оширишда:

қурилиш объектларида қўлланилаётган қурилиш материаллари, буюмлари, конструкциялари ва бажарилаётган қурилиш-монтаж ишлари сифатини текшириш учун шаҳарсозлик фаолияти субъектларидан белгиланган тартибда лойиҳа, технологик ва ижро ҳужжатлари, шунингдек, бошқа зарур маълумотларни сўрайди ва олади;

қурилиш объектларидаги авария ва носозликлар бўйича профилактик тадбирлари ўз вақтида ўтказилишини назорат қилади.

г) янги қурилаётган бино ва иншоотларнинг сейсмик жиҳатдан заифлигини баҳолаш, мавжуд бинолар ва иншоотларнинг инструментал-техник текширувдан ўтказилиши ҳамда синов лаборатория фаолиятини амалга оширишда:

сейсмик фаол зоналарда қурилиши режалаштирилаётган барча турдаги бинолар ва иншоотларнинг, шунингдек, кўп қаватли турар жойларнинг сейсмик жиҳатдан заифлигини баҳолаш учун зарур бўлган ахборотни ўз ичига олган электрон техник паспортларнинг буюртмачилар томонидан расмийлаштирилишини текширади;

қурилаётган бинолар ва иншоотларнинг зилзилабардошлигини таъминлаш, шунингдек, сейсмик заиф ҳисобланган бино ва иншоотларни инструментал-техник текширувдан ўтказиш ҳамда зилзилабардошлигини ошириш учун зарур чоралар кўришга кўмаклашади;

қурилиш объектларида синов лаборатория ишларини ҳамда мавжуд бинолар ва иншоотларнинг техник ҳолатини шартнома асосида ўрганиш ва тегишли хулоса беради.

д) қурилиш-монтаж ишларини бошлаш учун рўйхатдан ўтказишда:

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурига ва Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган дастурларга киритилган лойиҳалар ва наъмунавий лойиҳалар бўйича қуриладиган, шунингдек, ташаббусли бюджетлаштириш жараёнлари асосида молиялаштириладиган хавф-хатар тоифасидан қатъи на-

зар, барча бино ва иншоотларда қурилиш-монтаж ишларининг бажарилишини тўғридан-тўғри рўйхатдан ўтказади;

ҳудудий инспекциядан тегишли тартибда қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун рўйхатдан ўтган, қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиш ҳайъати таркибида мажбурий иштирок этади;

2) кўп квартирали уй-жой фондини бошқариш соҳасида:

а) кўп квартирали уйларни бошқариш, унга туташ ер участкаларини сақлаш ва ундан фойдаланишда техник фойдаланиш қоидалари ва нормаларига риоя этилиши ҳамда мулкдорлар томонидан жойларнинг ўзбошимчалик билан қайта қурилишига ва қайта режалаштирилишига йўл қўйилмаслиги устидан давлат назоратини амалга оширишда:

кўп квартирали уйлардаги таянч ва (ёки) тўсиқ конструкцияларни қонунчиликни ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни бузган ҳолда ўзгартириш ва (ёки) реконструкция қилиш, шу жумладан кўп квартирали уйларда ва кўп квартирали уйларга туташ ер участкаларида ўзбошимчалик билан иморатлар (иншоотлар) қурилишига йўл қўйилмаслигини таъминлайди;

кўп квартирали уйлар ва уларга туташ ер участкаларидан фойдаланишда техник фойдаланиш қоидалари ва нормалари талабларига амал қилинишини юзасидан назорат қилади;

уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси ташкилотлари томонидан тегишли коммунал хизматлар кўрсатишда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига риоя этилишини ўрганади;

кўп квартирали уй-жой фондини бошқариш, жумладан муҳандислик тармоқлари, кўп квартирали уйлар ускуналаридан фойдаланиш, авария ҳолатларини бартараф этилишини тизимли ташкил этиш юзасидан мониторинг юритади;

уй-жой мулкдорларининг мурожаатларига асосан умумий йиғилишларнинг ўтказилишини ва ҳисоботларнинг мулкдорларга ўз муддатларида бериб борилишини ўрганади.

б) кўп квартирали уйдаги умумий мол-мулк ва уйларга туташ ер участкаларида амалга оширилган таъмирлаш-тиклаш ишларини қонунчилик ва шаҳарсозлик фаолиятини техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга мувофиқ бажарилиши устидан давлат назоратини амалга оширишда:

умумий фойдаланиладиган жойлар, фасадлар, уйларнинг ички муҳандислик коммуникацияларини таъмирлаш-тиклаш ишларини тизимли ўтказиш қоидаларига риоя этилишини ўрганади;

кўп квартирали уй-жой фонди, кўп квартирали уйлардаги жойлар мулкдорларининг умумий мулки ва унга туташ ҳудудлардан мавсумий фойдаланишга тайёрлаш тадбирларини ўтказилишини назорат қилади;

в) кўп квартирали уйларни таъмирлаш ишларини амалга ошириш ва уларга туташ ер участкаларини ободонлаштириш учун ажратиладиган барча маблағларидан мақсадли фойдаланилиши устидан давлат назоратини амалга оширишда:

жой мулкдорлари ва кўп квартирали уйларни бошқариш органлари, таъмирлаш ташкилотлари ўртасидаги шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилишини назорат қилади;

кўп квартирали уйларни бошқариш органи томонидан жойлар мулкдорларининг мажбурий бадал ёки тўловлари ҳисобини ҳар бир кўп квартирали уй ва ундаги квартиралар кесимида юритилишини назорат қилади;

кўп квартирали уйлардаги умумий мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш (ижарага бериш) ва уни тасарруф этишдан олинган маблағларнинг мақсадли сарфланишини ўрганади;

кўп квартирали уйларни мукаммал ва жорий таъмирлаш учун тасдиқланган умумий смета қийматининг жойлар мулкдорлари ҳисобидан жамғариб борилиши белгиланган маблағларнинг ҳаракатини биллинг ахборот тизими орқали назорат қилади.

г) кўп квартирали уйлар ва уларга туташ ер участкаларида иссиқлик таъминотидан (иссиқ сув ва иссиқлик энергияси) фойдаланишда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларига талабларига риоя этилишини устидан давлат назоратини амалга оширилишда:

истеъмолчилар томонидан (белгиланган тартиб-таомилларга зид равишда) рухсатномаларсиз (ўзбошимчалик билан) иссиқлик тармоқларига уланиш ҳолатларини ўрганади;

жойлар мулкдорлари томонидан ўзбошимчалик билан квартира ичидаги иситиладиган майдон ҳажмини сунъий равишда кенгайтириш ва иссиқлик таъминоти тизимидан ўзини-ўзи узиб қўйиш ҳолатларини ҳамда ҳисобга олиш асбоблари мавжудлигини ўрганади;

кўп квартирали уйларни бошқариш органлари томонидан иситиш тизимидаги иссиқлик энергиясини оқизиб юбориш ҳолатларини ўрганади;

3) ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасида:

а)ичимлик сувини самарали ишлаб чиқариш, етказиб бериш ва реализация қилиш, ичимлик сувидан оқилона фойдаланиш, оқова сувларни чиқариб юбориш ва тозалаш бўйича хизмат кўрсатиш соҳасида техник жиҳатдан тартибга солишга доир норматив ҳужжатлар талабларига риоя қилиниши устидан:

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тизимларига уланишда техник шартлар талабларига риоя этилиши, шунингдек ичимлик суви таъминоти ва оқава сувларни чиқариб юбориш тармоқларига ўзбошимчалик билан уланишнинг олдини олиш;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тармоқларидаги ва бошқа иншоотлардаги авариялар бартараф этилишини, улар юзага келишининг олдини олиш бўйича ишлаб чиқилган тадбирларнинг амалга оширилиши;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш корхоналари, шунингдек, истеъмолчилар томонидан сув таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасида хизмат кўрсатиш қоидаларига амал қилиниши;

ичимлик суви таъминоти ташкилотлари томонидан иншоотларда ичим-

лик сувининг технологик ҳисоби юритилиши таъминланганлигини ва ҳисоблаш ускуналари ишлаши;

ичимлик суви таъминоти ташкилотлари томонидан ичимлик сувини йўқотишнинг белгиланган меъёрларига риоя этилиши;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, ичимлик суви таъминоти ташкилотлари томонидан аҳолига етказиб берилаётган ичимлик сувининг сифати, стандартлар ва ўрнатилган талабларга жавоб бериши;

ичимлик суви таъминоти ташкилотлари томонидан истеъмолчиларга етказиб берилаётган ичимлик сувининг сифати, сувни тозалаш, зарарсизлантириш ускуналари билан таъминланганлигини ва белгиланган талабларга мувофиқлиги;

инвестиция дастурлари асосида ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш объектларида амалга оширилган қурилиш, реконструкция ва модернизация ишлари натижасида истеъмолчиларнинг сув таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш хизматлари билан қамраб олиниши ҳамда ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, сув таъминоти ташкилотлари билан истеъмолчилар ўртасида шартномавий муносабатлар йўлга қўйилганлиги устидан давлат назоратини амалга оширади;

ичимлик сувининг технологик жиҳатдан сарфланиши ва йўқотилишининг йўл қўйиладиган нормаларига риоя этилиши таъминлаш чораларини кўради;

б) ичимлик суви эҳтиёжлари учун ер ости сувлари қудуқларининг ҳолати ва улардан фойдаланиш шартларига риоя этилиши устидан:

ичимлик суви эҳтиёжлари учун ер ости сувларидан фойдаланиш соҳасини техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг талаблари бажарилиши;

ичимлик суви эҳтиёжлари учун сув қудуқларини қазишнинг (бурғилашнинг) белгиланган қоидалари ва технологиясига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади;

в) оқова сувларни чиқариб юбориш тармоқларига оқизилган оқова сувлар таркибида ифлослантирувчи моддаларни рухсат этилган меъёрлар даражасида тозаланиши устидан давлат назоратини амалга оширишда:

оқова сувларни чиқариб юбориш тармоғига нормадан юқори даражада ифлослантирилган оқова сувларни оқизиб юборганлик учун компенсация тўловларини қонунчиликда белгиланган тартибда ҳисоб-китоб қилади ҳамда жисмоний ва юридик шахслардан ундиради;

ҳудудий инспекциялар томонидан ичимлик сув таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тизими таркибидаги объектларни самарадорлигини ошириш (техник жараён ва энергияни тежаш) бўйича технологик аудитдан ўтказади.

## 3-боб. Ҳудудий инспекциянинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

10. Ҳудудий инспекция ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни амалга оширишда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) объектларда ўтказиладиган текширишларни ташкил этиш соҳасида:

ташкилий-ҳуқуқий шаклларидан қатъий назар молиявий фаолиятга аралашмаган ҳолда давлат назоратини амалга ошириш юзасидан ваколат доирасига кирувчи масалаларда белгиланган тартибда текширув ўтказиш (Ҳудудий инспекцияда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган объектларда олиб бориладиган назорат текшириш ҳисобланмайди);

«хавфни таҳлил этиш» тизими доирасида тадбиркорлик субъектларининг қонунни бузиш хавфи даражасидан келиб чиқиб, текширувни ташаббус қилиш;

давлат назоратини амалга оширишда жисмоний ва юридик шахслардан, шунингдек ҳудуддаги давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда хўжалик бирлашмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан ўз ваколати доирасига кирувчи масалаларни ҳал қилиш учун зарур бўлган маълумотларни сўраш ва олиш;

пудратчи ташкилотларга конструкцияларнинг алоҳида деталларини очиш, пойдевордаги ва қайта тўлдириладиган тупроқни текшириш ишларини топшириш, зарурат бўлганда, тегишли хулоса тайёрлаш учун илмий-тадқиқот ташкилотларидан эксперт-мутахассисларни жалб қилиш;

авария ҳолатидаги бинолар, иншоотлар, уларнинг қисмлари, конструктив элементлари ва аварияга олиб келган сабабларни текшириш, уларни нотурар жой тоифасига ўтказиш бўйича техник комиссияларда иштирок этиш;

қурилиш объектларида синов лаборатория ишларини ҳамда мавжуд бинолар ва иншоотларнинг техник ҳолатини шартнома асосида ўрганиш ва тегишли хулоса беради;

кўп квартирали уйлардаги жойлар мулкдори томонидан олиб борилаётган қайта қуриш ва қайта режалаштириш ишлари ҳолатини назорат қилиш мақсадида, жой мулкдорлари ва (ёки) бошқарувчилардан келиб тушган мурожаатга асосан мазкур ишларни олиб бораётган мулкдор ёки унинг вакилини олдиндан хабардор қилган ҳолда унга тегишли бўлган турар ёки нотурар жойга бошқарувчи билан бирга кириш;

зарурат бўлганда, ичимлик ва оқова сувларни, ускуна ва материалларни тегишли ташкилотлар томонидан назорат синовидан ва таҳлилдан ўтказишни тайинлаш.

б) ўтказилган текширишларнинг натижадорлигини таъминлаш соҳасида:

қуйидаги ҳолатларда жисмоний ва юридик шахсларга нисбатан бажарилиши мажбурий бўлган ёзма кўрсатмалар киритади:

бино ва иншоотларнинг зилзилабардошлигига таъсир қилувчи, шунингдек, инсон саломатлиги ва ҳаётига таҳдид солувчи конструктив бузилишлар аниқланган ҳолатларда, қурилиш-монтаж ишларини тўхтатиб туриш ва демонтаж ишларини амалга оширишни талаб қилиш бўйича;

юридик ва жисмоний шахсларга объектдаги ҳуқуқбузарликларни бартараф қилиш учун мос равишда, бироқ олтмиш кундан ортиқ бўлмаган муддатни белгилаган ҳолда, аниқланган ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш бўйича;

бажарилган ишлар лойиҳа ечимлари, техник регламентлар, шаҳарсозлик

нормалари ва қоидалари, техник тартибга солиш соҳасидаги бошқа норматив ҳужжатлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мос келмаслиги аниқланган ҳолларда, шунингдек, қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини лабораторияда синовдан ўтказишнинг салбий натижаларига ҳамда талаблари бузилган ҳужжатга асосланган ҳолда қурилиши ниҳоясига етказилган босқичда бажарилган ишларнинг номувофиқлиги бўйича;

кўп квартирали уй-жой фондини бошқариш соҳасида одамлар ҳаёти ва саломатлигига хавф соладиган носоз техник қурилмалардан улардаги носозликлар бартараф этилмагунгача фойдаланишни тақиқлаш бўйича;

коммунал хизматлар кўрсатишда техник тартибга солишга оид норматив ҳужжатлар талаблари риоя этилишини таъминлаш бўйича;

кўп квартирали уйлар, кўп квартирали уйлар умумий мулкини сақлаш ва улардан фойдаланиш қоидалари, технологик лойиҳалаштириш нормаларининг бузилиши ҳолатларини, фойдаланишда хавфсизликни пасайтирадиган ускуналарни тайёрлаш ва монтаж қилишдаги камчиликларни бартараф этиш бўйича;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасида аниқланган ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш тўғрисида;

ичимлик эҳтиёжлари учун ер ости ичимлик суви захираларининг камайиши ёки ер ости сувларидан самарасиз фойдаланиш ҳолатлари аниқланганда ер ости сувларини олишни тўхтатиш ёки бу борада ажратилган лимитни белгиланган тартибда қисқартириш бўйича.

қуйидаги ҳолатларда жисмоний ва юридик шахсларга нисбатан бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритади:

тегишли органлар ва ташкилотларга қурилиш соҳасида фаолиятни амалга ошириш учун лицензиялар ва рухсат берувчи ҳужжатларни тўхтатиб туриш, тугатиш ва бекор қилиш масалаларини ҳал қилиш юзасидан;

тегишли орган ва ташкилотларга объектларда бино ва иншоотларнинг зилзилабардошлигига таъсир қилувчи, шунингдек, инсон саломатлиги ва ҳаётига таҳдид солувчи сифатсиз қурилиш материаллари ва буюмлар қўлланилгани аниқланган ҳолларда, қурилиш материаллари ва буюмлари ишлаб чиқариш ва сотишни тўхтатиб туриш юзасидан;

қурилиш объектларининг барча босқичларида пудратчининг ички, лойиҳачининг муаллифлик ва техник назоратни амалга оширувчи мутахассисларнинг махсус сертификатлари мавжудлигини текшириш, назорат давомида сертификат мавжуд бўлмаганда буюртмачи, пудратчи ва лойиҳа ташкилотларига масъул шахсларни қурилиш объектларидан четлаштириш юзасидан;

давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда хўжалик бирлашмалари ва бошқа ташкилотларга кўп квартирали уй-жой фондини бошқариш ҳамда ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасида ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш бўйича;

қуйидаги ҳолатларда судларга аризалар киритади:

қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган қурилиш соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомилларига риоя қилинмаган ҳолда қурилиш ишлари бошланган ҳолати аниқланганда қурилиш-монтаж ишларини тўхтатиб қўйиш,

демонтаж ишларини амалга ошириш ёки буздириш ишларини амалга ошириш тўғрисида;

ўтказилган текширув натижасида аниқланган қонунбузарликларни бартараф этишга доир кўрсатмалар талаблари бажарилмаган ҳолатларда жисмоний ёхуд юридик шахс фаолиятини қисман ёки тўлиқ тўхтатиш ёхуд тақиқлаш тўғрисида;

инспекция манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида шунингдек, инспекция ваколатига кирувчи масалалар бўйича даъвогар ва жавобгар бўлиш.

в) фаолият йўналишлари бўйича самарадорликни таъминлаш соҳасида:

норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш бўйича таклифларни Инспекцияга тақдим этади;

назорат натижаларини таҳлил қилиш, халқаро тажрибаларни ўрганиш, меъёрий талабларни такомиллаштириш бўйича, қурилиш-монтаж ишларини яхшилаш ҳамда қурилиш материалларидан оқилона фойдаланиш юзасидан таклифлар киритиш;

қурилиш соҳасида ва кўп квартирали уй-жой фондини бошқариш ҳамда ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш, шунингдек, иссиқлик таъминоти соҳасида давлат назоратини амалга ошириш юзасидан электрон ахборот тизимини ташкил этади;

замонавий синов лаборатория ўлчов асбоблари билан таъминлайди;

шартнома асосида қурилиш объектидаги қурилиш маҳсулотлари, материаллари, буюмлари, конструкцияларидан танлаб намуналар олиш, синовдан ўтказиш ва баённомалар расмийлаштириш;

мавжуд бинолар ва иншоотларнинг техник ҳолатини шартнома асосида ўрганиш ва тегишли хулоса беради;

қурилиш ишларида мустаҳкамлик, сейсмик қоидаларининг бузилиши натижасида аҳоли соғлиғи ва ҳаётига зарар етказилиши ёки оғир оқибатларга олиб келишини олдини олиш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга чоралар кўриш юзасидан тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда хабар беради;

электрон рейтингларни жорий этиш учун белгиланган муддатларда «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизимида маълумотларни тақдим этади;

ҳудудий инспекция ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга эҳтиёжини ўрганиш, шунингдек, бу масалалар бўйича Инспекцияга аниқ таклифлар киритади;

ходимларни қонунчиликда белгиланган тартибда аттестациядан ўтказишни ташкил этади ва уларнинг натижаларига кўра тегишли махсус гувоҳномалар беради.

11. Ҳудудий инспекция ҳуқуқбузарлик ҳолати бўйича эътироз билдирилган ҳолларда ишни кўриб чиқиш учун судга тақдим этиш тартибини сақлаб қолган ҳолда, ўз ваколати доирасида қонунчилик ҳужжатларининг бузилишига оид маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқади.

12. Кўп квартирали уйдаги турар жойни нотурар жой тоифасига ёки кўп квартирали уйдаги нотурар жойни турар жой тоифасига ўтказишга рухсатнома беришда хулоса беради.

13. Ҳудудий инспекция:

ўзига юкланган вазифалар ва функцияларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилишини таъминлаш;

шаҳарсозлик фаолияти субъектларининг қурилиш-монтаж ишлари лойиҳа ҳужжатларига мувофиқ равишда бажарилишини танлаб назорат қилиш;

қурилиш объектларида ишлатилаётган қурилиш материаллари, конструкциялари ва буюмларининг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини назорат қилиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларига риоя этилишини ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш;

қурилиш соҳасида қонунчиликнинг ижро этилиши, аниқланган қонунбузарлик ҳолатларининг ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлаш ҳамда ўз ваколати доирасида тегишли чора-тадбирлар кўриш;

ҳар ойлик, чораклик ва йиллик ҳисоботлар, маълумотлар ва статистик маълумотларнинг ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш;

қурилиш объектларда аниқланган муаммоларни ҳар томонлама ва чуқур ўрганиш ҳамда умумлаштириш асосида ҳудудларда тегишли соҳани ривожлантиришга доир таклифлар тайёрлаш учун масъулдир.

## 4-боб. Ҳудудий инспекция фаолиятини ташкил этиш

14. Ҳудудий инспекция бошлиғи Инспекция бошлиғи тавсиясига асосан қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

15. Ҳудудий инспекция бошлиғи Инспекция бошлиғи томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод қилинадиган икки нафар ўринбосарга, шу жумладан, бир нафар биринчи ўринбосарга эга.

Ҳудудий инспекция бошлиғи:

ҳудудий инспекция ходимлари учун мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ҳамда уларнинг бажарилишини назорат қилади;

ўринбосарлар ўртасида аниқ вазифалар ва функцияларни тақсимлайди, ходимлар ўртасида ваколатларни белгилайди ва мажбуриятларни тақсимлайди, бўлинмаларининг мансабдор шахслари ваколатларини белгилайди;

ҳудудий инспекция ходимларини лавозимга тайинлайди ва лавозимидан озод қилади;

ҳудудий инспекция ходимларини фаолиятини рағбатлантириш учун тегишли буйруқлар чиқаради;

ҳудудий инспекция фаолиятини шу жумладан моддий — техника базасини ташкил этиш ва ривожлантиришни ташкил этади;

инспекцияни малакали, амалий тажрибага эга кадрлар билан тўлдириш, шунингдек уларни саралаб олиш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва узлуксиз малакасини ошириш соҳасида кадрлар сиёсатини юритади.

16. Ҳудудий инспекция бошлиғи қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширади.

17. Ҳудудий инспекциялар тузилмаси, штат жадваллари (меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари марказий аппарати ходимлари учун белгиланган меҳнатга

ҳақ тўлаш разрядларидан бир поғона паст миқдорда қўлланилади) ҳамда харажатлар сметаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш Инспекцияси бошлиғи томонидан тасдиқланади.

## 5-боб. Ҳудудий инспекция бошлиғи ва унинг ўринбосарларининг асосий вазифалари

18. Қуйидагилар Ҳудудий инспекция бошлиғининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси ва Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ва Инспекциянинг қарорлари ҳамда топшириқлари ижроси таъминланиши ҳамда мониторинги олиб борилишининг амалий тизимини ташкил этиш;

«Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ ҳудудий инспекция тизимида коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар бериш, соҳадаги қурилиш-монтаж ишлари бўйича амалга оширилган ишларни таҳлил қилиш ҳамда ҳуқуқбузарликларни бартараф қилиш;

ҳудудий инспекция фаолиятини режалаштириш, Инспекция марказий аппарат раҳбарига йиллик ва ярим йиллик иш режаларини тасдиқлаш учун тақдим этиш, уларнинг бажарилишини назорат қилиш;

ҳудудий инспекция фаолиятида ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни амалга ошириш, қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ топшириқлар ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун марказий аппаратнинг мансабдор шахслари ва ҳудудий инспекциялар раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини ошириш чора-тадбирларини кўриш;

ҳудудий инспекция фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигининг танқидий таҳлилини мунтазам равишда ўтказиш, уларнинг ҳисоботларини эшитиш, якунлари бўйича зарур ҳолларда уларни белгиланган тартибда интизомий жавобгарликка тортиш чораларини кўриш;

ҳудудий инспекция ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини белгиланган тартибда ҳал қилиш, уларнинг эгаллаб турган лавозимларига мувофиқлиги масаласини кўриб чиқиш;

ҳудудий инспекциянинг таркибий бўлинмалари низомлари, лавозим йўриқномаларини ва бошқа ички ҳужжатларини белгиланган тартибда тасдиқлаш;

ҳудудий инспекция ва унинг таркибий бўлинмалари ишини ташкил қилишнинг замонавий шаклларини жорий қилишни таъминлаш;

инспекцияга тегишли бўлган мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш;

ҳудудий инспекция бошлиғи қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа функционал вазифаларни ҳам амалга оширади.

19. Қуйидагилар Ҳудудий инспекция бошлиғи ўринбосарларининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

Ҳудудий инспекциянинг ўзи мутасаддилик қиладиган таркибий бўлинмалари фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва бевосита бошқариш, уларнинг ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлаш;

Ҳудудий инспекция фаолиятининг ўзи мутасаддилик қиладиган йўналишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг буйруқлари билан тасдиқланган Инспекциянинг фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича концепциялар, комплекс дастурлар ва тадбирларнинг бажарилишини танқидий ва чуқур таҳлил қилиш;

ўзи мутасаддилик қиладиган таркибий бўлинмалар томонидан режа кўрсаткичларининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш чораларини кўриш, бўлинмалар раҳбарларининг ҳисоботларини мунтазам равишда эшитиш ва ушбу кўрсаткичларга эришиш учун уларнинг шахсий масъулиятини ошириш;

ўзи мутасаддилик қиладиган таркибий бўлинмаларнинг иш режаларини тасдиқлаш, уларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаш;

ўзи мутасаддилик қиладиган таркибий бўлинмалар фаолиятида ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни бажариш, шунингдек, таркибий бўлинмалар раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чора-тадбирларини кўриш;

Вазирликнинг Ҳудудий инспекция фаолиятига тааллуқли буйруқлари, Инспекция буйруқлари ва топшириқларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

ўзи мутасаддилик қиладиган таркибий бўлинмаларда ходимларни танлаш ва жой-жойига қўйиш бўйича Инспекция бошлиғига таклифлар киритиш;

ўзи мутасаддилик қиладиган таркибий бўлинмалар раҳбарлари фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини мунтазам равишда танқидий таҳлил қилиш;

ўзи мутасаддилик қиладиган таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш бўйича Инспекция бошлиғига таклифлар киритиш.

Ҳудудий инспекция бошлиғи ўринбосарлари қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа функционал вазифаларни ҳам амалга оширади.

## 6-боб. Ҳудудий инспекция бошлиғи ва унинг ўринбосарларининг жавобгарлиги

20. Ҳудудий инспекция бошлиғи:

Ҳудудий инспекцияга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши;

ушбу Низомнинг 13 ва 15-бандида назарда тутилган ҳолатлар бўйича;

ушбу Низомнинг 18-бандида кўрсатилган ўз функционал вазифаларининг сифатли бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

21. Ҳудудий инспекция бошлиғининг ўринбосарлари:

Ҳудудий инспекциянинг ўзи назорат қиладиган таркибий тузилмаларида инспекцияга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши;

ушбу Низомнинг 13-бандида назарда тутилган Инспекциянинг мутасаддилик қилинадиган масалаларга доир жавобгарлик соҳалари бўйича;

ушбу Низомнинг 19-бандида кўрсатилган ўз функционал вазифаларининг сифатли бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

## 7-боб. Ҳудудий инспекция фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари

22. Ҳудудий инспекция бошлиғи Ҳудудий инспекция фаолияти ва унга юкланган вазифалар самарали бажарилиши бўйича доимий мониторинг олиб боради ҳамда Ҳудудий инспекция бошлиғининг ўринбосарлари ҳамда ходимлар фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини мунтазам равишда баҳолаб боради.

23. Ҳудудий инспекция бошлиғининг ўринбосарлари ҳамда ходимлар фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш Инспекция бошлиғи томонидан тасдиқланадиган Ҳудудий инспекция фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари ва индикаторларга асосланади.

24. Ҳудудий инспекция бошлиғининг ўринбосарлари ҳамда ходимлар фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш якунлари бўйича қуйидаги чоралар кўрилади:

Ҳудудий инспекция бошлиғининг ўринбосарлари ва ходимларини рағбатлантириш (мукофотлаш) ёки интизомий жавобгарликка тортиш;

Ҳудудий инспекция фаолиятида аниқланган камчиликларни бартараф қилиш ва унинг фаолиятини янада такомиллаштириш.

## 8-боб. Ҳудудий инспекциялар фаолиятини молиялаштириш ва моддий-техник таъминлаш, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш

25. Ҳудудий инспекция фаолияти қуйидаги манбалар ҳисобидан молиялаштирилади:

а) давлат қурилиш назорати амалга ошириладиган барча объектлар учун Ҳудудий инспекцияларга ажратмаларнинг қурилиш-монтаж ишлари қийматининг (қўшимча қиймат солиғисиз) Ҳудудий инспекциялар ихтиёрида қолдириладиган маблағлар;

б) Инспекциянинг бюджетдан ташқари жамғармасидан молиялаштириладиган маблағлар;

в) мавжуд бинолар ва иншоотларнинг техник ҳолатини текшириш бўйича шартнома асосида ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишдан, шунингдек, лаборатория хизматлари ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган хизматларнинг бошқа турларини кўрсатишдан олинган даромадлар;

г) ҳудудий инспекциялар хўжалик фаолияти ҳисобидан молиялаштирилади ва уларнинг инспекторлари сони назоратга олинадиган объектларнинг сонидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

26. Мавжуд бинолар ва иншоотларнинг техник ҳолатини текшириш бўйича бажарилаётган ишлар ва кўрсатилаётган хизматларнинг, шунингдек,

синов лаборатория хизматлари ва Инспекция томонидан кўрсатилаётган хизматлар бошқа турларининг қийматини аниқлаш методикаси Инспекция томонидан тасдиқланади.

27. Ҳудудий инспекция ходимларига меҳнатга ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилишда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги назорат инспекцияси марказий аппарати ходимларини меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш тартибида белгиланган барча тўловлар татбиқ этилган ҳолда, ҳудудий инспекция маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Ҳудудий инспекциянинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, шунингдек, унинг ходимларини моддий рағбатлантириш, шу жумладан қўшимча тўловлар, устама ҳақлар, мукофотлар, ижтимоий ва бошқа тўловларни тўлаш Ҳудудий инспекциялар ва Инспекциянинг бюджетдан ташқари жамғармаси маблағлари ҳисобидан қўшимча молиялаштириш йўли билан амалга оширилиши мумкин.

28. Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ягона тариф сеткасидан фойдаланадиган хўжалик ҳисобидаги корхоналар ва ташкилотларга уларнинг молиявий имкониятларидан ва хўжалик фаолияти натижаларидан келиб чиққан ҳолда, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашни ташкил этиш учун асос сифатида Ягона тариф сеткасининг оширилган тариф коэффициентларини белгилаш ҳуқуқи берилиши мумкин.

## 9-боб. Якунловчи қоидалар

29. Ҳудудий инспекция қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда қайта ташкил этилади ва тугатилади.

30. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2024 йил 17 апрелдаги 214-сон қарорига
6-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисидаги**

# НИЗОМ

## 1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилайди.

2. Жамғарма юридик шахс мақомисиз ташкил этилади. Жамғарма маблағлари Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг (кейинги ўринларда — Вазирлик) тегишли ғазначилик ҳисобварақларида жамланади.

## 2-боб. Жамғарма маблағларини шакллантириш ва уларни сарфлаш тартиби

3. Жамғарма маблағлари қуйидагилар ҳисобига шакллантирилади:

вазирлик ҳузуридаги ва муассислигидаги корхона ва ташкилотлар фаолияти, кўрсатадиган хизматлари ва бажарадиган ишларидан олинган даромадининг 10 фоиз қисми (бюджетдан маблағ олувчи буюртмачи ташкилотлар бундан мустасно) ҳамда фойдасининг 25 фоиз қисми Жамғармага йўналтирилади;

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси (кейинги ўринларда — Инспекция) томонидан давлат қурилиш назорати амалга оширилиши шарт бўлган барча объектлар бўйича қурилиш-монтаж ишлари қийматининг 0,2 фоизига тенг ягона миқдорда (қўшилган қиймат солиғисиз) ажратмаларнинг 10 фоиз қисми Давлат бюджетига, 5 фоиз қисми Жамғармага, 5 фоиз қисми Инспекцияга ва 80 фоиз қисми ҳудудий инспекцияларнинг фаолиятини молиялаштириш учун йўналтирилади;

лицензия талабгорларининг қурилиш соҳасида фаолият юритиш ҳуқуқига эга бўлиш юзасидан мурожаатларини қонунчиликда белгиланган тартибда кўриб чиққанлик учун йиғимларнинг бир қисми (умумий тушумнинг 58,25 фоизи);

шаҳарсозлик фаолияти бўйича лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахслардан ундирилган жарималар миқдорининг 10 фоизи;

лойиҳа ва пудрат ташкилотлари томонидан «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизимининг электрон тендер платформаси орқали харидларда ғолиб бўлиб, бажариладиган лойиҳа-қидирув ва қурилиш-монтаж ишлари ҳажмининг 0,1 фоиз миқдоридаги мажбурий ажратмалар;

кўп квартирали уйларни қуришга мўлжалланган ер участкасига ва қурилиш ишларини амалга оширишга бирламчи рухсат берувчи ҳужжатларга эга бўлган юридик шахсларни электрон рўйхатга киритиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари ҳамда шартномани ҳисобга қўйиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи миқдорида йиғимлар;

шаҳарсозлик ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасидаги (вазирликнинг тегишли бўлинмаси ва Инспекция томонидан аниқланган ва қўлланиладиган) қонунчиликни бузганлик учун солинган жарималарнинг (суд харажатларидан ташқари) 70 фоиз миқдоридаги қисми (қолган 30 фоиз қисми Давлат бюджетига тушади);

белгиланган тартибда жалб этиладиган грантлар, кредитлар ва ҳомийлик маблағлари;

жамғарманинг вақтинча бўш маблағларини жойлаштиришдан олинадиган даромадлар ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа тушумлар.

4. Жамғарма маблағлари қуйидагиларга йўналтирилади:

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш, вазирлик тизимидаги илмий-тадқиқот, лойиҳа-қидирув ва бошқа ташкилотларнинг қурилиш, иссиқлик таъминотини яхшилаш, ичимлик суви ва оқова сув тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш, кўп квартирали уйларни қуриш, таъмирлаш, тиклаш фаолиятига доир қоидалар бўйича ишланмаларни молиялаштириш, шунингдек, илмий-тадқиқот натижалари илк бор текшириладиган (ишланадиган) тажриба объектларини илмий лойиҳалаш ва қуришга илмий ҳамроҳлик қилишга доир қўшимча сарф-харажатларини қоплаш;

соҳада илмий-техник ва илмий-услубий адабиётларни (жумладан даврий нашрларни) тайёрлаш ва чоп этиш, ушбу фаолиятнинг илмий-услубий ва ахборот-таҳлил таъминотини ташкиллаштириш харажатларини амалга ошириш;

давлат илмий ва илмий тадқиқот ташкилотларининг шаҳарсозлик меъёрлари ва қурилиш фаолиятига доир қоидалари бўйича ишланмаларни молиялаштириш;

илмий-техник симпозиум, анжуман, семинар-тренинг, кўргазмалар, давра суҳбатлари, амалий машғулотлар, маҳорат дарсларини тайёрлаш ва ўтказиш, соҳа фаолиятига илмий-техник ютуқларни жорий этиш ва уларни тарғиб этиш мақсадида илмий, меъёрий, услубий, техник, технологик ҳужжатлар ва бошқа илмий-техник ахборот манбаларини харид қилиш;

вазирлик ва тизимидаги ташкилотлар раҳбарлари ва мутахассисларини ўқитиш, қайта тайёрлаш, малака ошириши ва илғор хорижий тажрибани ўрганиши, зарур ҳолларда вазирлик тасарруфидаги таълим муассасалари фаолиятини қисман молиялаштириш, вазирликка бириктирилган эътиборга муҳтож ёшларни қўллаб-қувватлаш чораларини амалга ошириш харажатларини молиялаштириш;

вазирлик марказий аппарати, ҳудудий бошқармалар ва тизим ташкилотлари раҳбар ва ходимларига қўшимча ва устама ҳақ, мукофот пуллари, рейтинг ва бошқа рағбатлантирувчи тўловларни тўлаш, тизим ходимларининг

хизмат сафарлари, шу жумладан хорижий хизмат сафарлари ҳамда вакиллик харажатларини молиялаштириш;

ходимларга, жумладан хорижий консультантларга уй-жой хизматлари (ижара) учун ҳар ойлик компенсация тўлаш;

шартнома бўйича жалб қилинган мутахассисларга тўловларни амалга ошириш, шунингдек, юкланган вазифаларни бажариш учун шартнома асосида консалтинг ташкилотлари ва бошқа ташкилотлардан мутахассислар, жумладан хорижий маслаҳатчиларни вазирликка ёки тизим ташкилотларига жалб қилиш, соҳада ислоҳотларни амалга ошириш бўйича ички ёки ташқи эксперт-таҳлил гуруҳларини ташкил этиш ҳамда уларнинг фаолиятини молиялаштириш (қўшимча иш ҳақи ва устамалар ажратиш);

вазирликка қарашли бино ва иншоотларнинг қурилиш-монтаж, таъмирлаш ва коммунал фойдаланиш харажатларини қоплаш, шунингдек, уларни зарур ускуналар, мебель, алоқа воситалари, компьютерлар, оргтехника, ахборот-коммуникация технологиялари, зарур бўлган барча турдаги моддий қийматликлар билан таъминлаш, шунингдек, вазирлик ва тизим ташкилотлари учун зарур бўлган асосий воситалар харидини амалга ошириш, уларни, ташиш, бутлаш сақлаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш;

вазирлик фаолиятида зарур бўладиган жорий харажатлар, хусусан тантанали маросимларда бериладиган эсдалик совғалари, хорижий меҳмонлар ва алоҳида ўрнак кўрсатган ходимларга бериладиган эсдалик совғалари, гуллар харидини амалга ошириш, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда зарур бўлган реклама ва эълонлар жойлаштириш;

соҳага оид ишларда амалий ёрдам, ҳамкорлик қилиш, тажриба алмашиш, консультациялар бериш мақсадида ташриф буюрадиган хорижий меҳмонлар, жумладан хорижий делегациялар учун сарфланадиган йўл харажатлари, транспорт харажатлари, овқатлантириш харажатлари ва бошқа харажатларни молиялаштириш;

расмий ва касб байрамлари ҳамда бошқа шу турдаги давлат байрам тадбирларини ўтказиш харажатларини (жумладан, бино ижараси, безатиш, концерт тадбирлари, гуллар, эсдалик совғалари, видеороликлар тайёрлаш ва эфирга узатиш, байрам дастурхони кабилар) молиялаштириш;

вазирлик ва унинг таркибий бўлинмалари фаолиятини такомиллаштириш ва моддий-техник таъминлашга йўналтирилган тадбирлар харажатларини амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Президент Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасининг тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ва топшириқларида кўзда тутилган масалалар бўйича (жумладан, ҳомийлик) харажатларни молиялаштириш;

вазирлик ва унинг таркибий бўлинмалари фаолиятини такомиллаштиришга йўналтирилган бошқа тадбирларни молиялаштириш.

5. Мазкур Низомнинг 3-бандида кўрсатилган мажбурий ажратмалар, бадаллар ва маблағлар ташкилотлар томонидан ҳар ойнинг якуни бўйича кейинги ойнинг 5-санасидан кечикмаган ҳолда Жамғармага йўналтирилади ҳамда ҳар чорак якуни бўйича тушумлар аниқлаштириб борилади.

6. Жамғармага мажбурий тўловларни ўз вақтида йўналтириш бўйича шахсий жавобгарлик тегишли ташкилотлар раҳбарлари зиммасига юкланади.

7. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги солиқ қўмитаси Вазирликка ҳисобот давридан кейинги ойнинг 1-санаси ҳолатига кўра, Жамғарма ҳисобига Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, шунингдек, ташкилотлар бўйича ёзилган мажбурий тўлов ажратмалари миқдори ҳамда мазкур тўлов ажратмалари бўйича қарздорлик тўғрисидаги тезкор маълумотларни ва ҳар чоракда ҳисобот давридан сўнг 10 кун муддат ичида, грант маблағлари ва хайрия эҳсонлари бўйича маълумотларни тақдим этиб боради.

Вазирлик Солиқ қўмитасидан Жамғармага мажбурий ажратмалар тушуми тўғрисида қўшимча маълумотларни сўрашга ҳақли.

## 3-боб. Жамғармани бошқариш

8. Вазир ёки унинг вазифасини бажарувчи шахс Жамғарма маблағларининг тасарруфчиси ҳисобланади.

9. Жамғарма маблағларини сарфлаш вазирликнинг ғазначилик ҳисобварақларига келиб тушган кирим маблағлари доирасида Иқтисодиёт ва молия вазирлигида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган даромадлар ва харажатлар бўйича тасдиқланган харажатлар сметасига мувофиқ амалга ошириладди, зарур ҳолларда, харажатлар сметасига вазирлик талабномаси асосида тегишли ўзгартиришлар киритиб борилади ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигида рўйхатдан ўтказилади.

10. Жамғарманинг тасдиқланган сметасида назарда тутилган миқдордан ортиқ кирим маблағидан фойдаланиш сметага тегишли ўзгартиришлар киритилгандан сўнг амалга оширилади.

11. Жамғарма маблағларини бошқариш вазирга (вазир бўлмаган тақдирда, вазирнинг биринчи ўринбосарига, вазирнинг биринчи ўринбосари бўлмаган вақтда вазир ўринбосарларига) юкланади.

## 4-боб. Жамғарма даромадлари ва харажатлари прогнозини тайёрлаш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш

12. Жамғарма даромадлари ва харажатлари прогнозини тайёрлаш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш мазкур Низомга мувофиқ Дастурларнинг лойиҳаларини тайёрлаш билан боғлиқ ҳолда амалга оширилади.

13. Жамғарманинг кейинги йилги даромад ва харажатлари прогнози вазирлик томонидан тасдиқланади.

## 5-боб. Жамғарма маблағларини сарфлаш тартиби

14. Жамғарма маблағлари Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан очиладиган шахсий ғазначилик ҳисобварақлари орқали сарфланади.

15. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш вазирлик томонидан тасдиқланган тегишли харажатлар сметаси асосида амалга оширилади.

16. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитаси белгиланган тартибда:

Жамғарма маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган шартномалар рўйхатга олинишини;

рўйхатга олинган шартномаларга тўловлар харажатлар сметаларида назарда тутилган маблағлар доирасида ўрнатилган тартибда тўланишини таъминлайди.

17. Қурилиш, реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш ҳамда жиҳозлашнинг манзилли рўйхатларида назарда тутилган тўлиқ молиялаштирилмай қолган маблағлар жорий молия йили якунларига кўра Жамғарманинг даромад ва харажатлари баланслилигини таъминлашни ҳисобга олган ҳолда вазирлик томонидан белгиланган тартибда келгуси молия йилида тўланиши лозим ҳамда ушбу маблағлар харажатлар сметасида акс эттирилади.

18. Жамғарма маблағларининг йил якунига ишлатилмай қолган қисми Жамғармада қолдирилади.

## 6-боб. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш ҳисоби, ҳисоботи ва назорати

19. Жамғарма маблағлари тушуми ва сарфланиши ҳисобини юритиш ҳамда улар юзасидан ҳисобот тузиш вазирлик томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

20. Жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланишни назорат қилиш Давлат молиявий назорати инспекциясига юкланади.

21. Тасдиқланган харажатлар сметаларига мувофиқ, Жамғарма маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш юзасидан жавобгарлик вазирликка юкланади.

## 7-боб. Якунловчи қоида

22. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

Вазирлар Маҳкамасининг
2024 йил 17 апрелдаги 214-сон қарорига
7-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб эътироф этилаётган қарорлари**
**РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Шаҳарсозлик фаолиятининг алоҳида тартибга солинадиган объектларини умумдавлат ва маҳаллий аҳамиятга молик объектлар жумласига киритиш ҳамда шаҳарсозлик фаолиятининг алоҳида тартибга солинадиган объектлари чегараларини белгилаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2007 йил 2 февралдаги 25-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳоли пунктларини комплекс қуришда шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари қатъий бажарилишини назорат қилишни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2009 йил 12 февралдаги 41-сон қарори.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Шаҳарсозлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиботлари ва давлат назорати тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2011 йил 29 июлдаги 222-сон қарорига 4-илованинг 4-банди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2017 йил 15 февралдаги ПҚ–2778-сон қарори) 2017 йил 11 майдаги 270-сон қарорига 1-илованинг 24-банди.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ва Кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2017 йил 2 июндаги 340-сон қарори.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизимини бошқаришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 18 апрелдаги ПФ–5017-сон фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ–2900-сон қарори) 2017 йил 25 декабрдаги 1019-сон қарорига илованинг 17-банди.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмаси такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2018 йил 29 майдаги 400-сон қарорига илованинг 8 ва 30-бандлари.

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қў-

шимчалар киритиш ҳақида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати кўрсатиш соҳасида тўлов интизомини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 16 ноябрдаги ПФ–5241-сон Фармони)» 2018 йил 2 июлдаги 496-сон қарори.

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, унинг таркибий бўлинмалари, шунингдек, республика ва ҳудудий архитектура-шаҳарсозлик кенгашлари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2018 йил 31 июлдаги 603-сон қарори.

10. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент шаҳрида инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича экспериментни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 15 августдаги ПФ–5511-сон Фармони ҳамда «Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 13 июлдаги ПҚ–3852-сон қарори) 2019 йил 16 январдаги 36-сон қарори.

11. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Идоралараро коллегиал органларни тубдан қисқартириш ва янада оптималлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 28 августдаги ПФ–5527-сон Фармони) 2019 йил 23 февралдаги 161-сон қарорига 1-илованинг 41-банди.

12. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 30 ноябрдаги ПҚ–4040-сон Қарори)» 2019 йил 25 мартдаги 247-сон қарорига илованинг 2-банди.

13. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг стратегик вазифалари амалга оширилиши самарадорлиги учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг масъулиятини оширишга доир биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида» 2019 йил 28 январдаги ПФ–5644-сон, «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2019 йил 1 февралдаги ПФ–5650-сон фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ишини ташкил этишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида» 2019 йил 28 январдаги ПҚ–4136-сон қарори) 2019 йил 13 майдаги 397-сон қарорига илованинг 58 ва 98-бандлари.

14. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» (Ўзбекистон Рес-

публикаси Президентининг «Қурилиш материаллари саноатини тубдан такомиллаштириш ва комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 20 февралдаги ПҚ–4198-сон қарори) 2019 йил 17 майдаги 416-сон қарорига илованинг 4-банди.

15. Вазирлар Маҳкамасининг «Қурилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимининг тубдан такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2019 йил 14 июндаги 498-сон қарорига 1-илованинг 11, 12 ва 42-бандлари.

16. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қурилиш соҳасини давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 14 ноябрдаги ПФ–5577-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 13 июлдаги ПҚ–3852сон, «Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2019 йил 5 февралдаги ПҚ–4160-сон ҳамда «Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган бўш турган ер участкаларини бериш ҳамда архитектура-қурилиш ишларини амалга ошириш тартиб-таомилларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 26 августдаги ПҚ–4427-сон қарорлари) 2019 йил 28 ноябрдаги 961-сон қарорига илованинг 6-банди.

17. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳоли пунктларини ободонлаштириш соҳасида ишлар самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2019 йил 4 июндаги ПҚ-4351-сон қарори)» 2019 йил 9 декабрдаги 978-сон қарори.

18. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузуридаги ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2020 йил 24 февралдаги 108-сон қарори

19. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» (Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида» 2019 йил 10 декабрдаги ЎРҚ–591-сон Қонуни) 2020 йил 16 апрелдаги 234-сон қарорига илованинг 4 ва 14-бандлари.

20. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар

тўғрисида» 2019 йил 27 июндаги ПҚ–4366-сон ва «Иссиқлик таъминоти тизимини такомиллаштириш ва иссиқлик таъминоти корхоналарини молиявий соғломлаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2019 йил 2 декабрдаги ПҚ–4542-сон қарорлари) 2020 йил 20 майдаги 305-сон қарорига илованинг 3-банди.

21. Вазирлар Маҳкамасининг «Сув таъминоти тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2020 йил 28 майдаги 342-сон қарорига 1-илованинг 4-банди.

22. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» 2020 йил 28 майдаги 343-сон қарори.

23. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 22 январдаги ПҚ–4569-сон, «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 24 февралдаги ПҚ–4612-сон, «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тузилмасига Бош вазирнинг инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринбосари-инвестициялар ва ташқи савдо вазири лавозимини киритиш тўғрисида» 2020 йил 10 мартдаги ПҚ–4635-сон ва «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фаолиятини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 12 майдаги ПҚ–4710-сон қарорлари) 2020 йил 26 июндаги 411-сон қарорига 1-илованинг 8, 22 ва 39-бандлари.

24. Вазирлар Маҳкамасининг «Қурилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимининг тубдан такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2020 йил 26 сентябрдаги 588-сон қарорига илованинг 1-банди.

25. Вазирлар Маҳкамасининг «Иқтисодиётни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсати тубдан такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2020 йил 14 декабрдаги 777-сон қарорига 1-илованинг 18-банди.

26. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021 —

2025 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида» 2020 йил 27 ноябрдаги ПФ–6119-сон Фармони) 2021 йил 8 майдаги 290-сон қарорига илованинг 4 ва 5-бандлари.

27. Вазирлар Маҳкамасининг «Илмий ва инновацион фаолиятни бошқариш тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 27 августдаги 545-сон қарорига 3-илованинг 15-банди.

28. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 25 июлдаги ПФ–6035-сон Фармони) 2021 йил 19 ноябрдаги 694-сон қарорига 1-илованинг 19-банди.

29. Вазирлар Маҳкамасининг «Ташқи беғараз кўмак маблағларини жалб этиш механизмларини ва донорлар билан ишлаш тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2021 йил 29 декабрдаги 786-сон қарорига 3-илованинг 10-банди.

30. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» (Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида» 2021 йил 13 сентябрдаги ЎРҚ–713-сон Қонуни) 2022 йил 9 мартдаги 102-сон қарорига илованинг 3 ва 5-бандлари.

31. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» (Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида» 2021 йил 20 апрелдаги ЎРҚ–682-сон Қонуни) 2022 йил 4 апрелдаги 153-сон қарорига илованинг 168 ва 210-бандлари.

32. Вазирлар Маҳкамасининг «Қурилиш соҳасига оид ягона маъмурий қурилиш регламентларини тасдиқлаш тўғрисида» 2022 йил 20 апрелдаги 200-сон қарорига 8-илованинг 2-банди.

33. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузуридаги ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 2022 йил 10 майдаги 246-сон қарори.

34. Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳолининг ичимлик сув таъминоти ва оқова сув хизматлари билан таъминланганлик даражасини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар белгиланганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2022 йил 6 сентябрдаги 496-сон қарорига илованинг 2-банди.

## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТРАНСПОРТ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

### 130 «Автомобилда халқаро ташишда ҳайдовчиларнинг меҳнат ва дам олиш режимларини назорат қилиш учун фойдаланиладиган рақамли назорат қурилмаси карточкалари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 15 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2345-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Метрология тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 мартдаги ПФ–6191-сон «Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларидан фойдаланишда янада қулай шароитлар яратиш, бу борада бюрократик тўсиқларни қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2021 йил 24 июлдаги ПФ–6269-сон «Давлат хизматлари кўрсатиш инфратузилмасини такомиллаштириш ва аҳолининг давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2023 йил 14 июндаги ПФ–94-сон «Маъмурий ислоҳотлар доирасида транспорт соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 21 августдаги 406-сон «Транспорт воситаларида ташишда ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлиғининг 2012 йил 27 февралдаги 34-сон «Автомобилда халқаро ташишда ҳайдовчиларнинг меҳнат ва дам олиш режимларини назорат қилиш учун фойдаланиладиган рақамли назорат қурилмаси карточкалари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғига (рўйхат рақами 2345, 2012 йил 26 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 13-сон, 147-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон техник жихатдан тартибга солиш агентлиги билан келишилган.

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 16 апрелда эълон қилинган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир** **И. МАХКАМОВ**

Тошкент ш.,
2024 йил 13 март,
2-сон

*Келишилди:*

***Ички ишлар вазири*** ***П. БОБОЖОНОВ***

*2024 йил 28 февраль*

***Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси*** ***Д. ВАХАБОВ***

*2024 йил 15 февраль*

***Ўзбекистон техник жихатдан тартибга солиш агентлиги директори*** ***А. АБДУКАЮМОВ***

*2024 йил 21 февраль*

Ўзбекистон Республикаси
транспорт вазирининг 2024 йил
13 мартдаги 2-сон буйруғига
ИЛОВА

**«Автомобилда халқаро ташишда ҳайдовчиларнинг меҳнат ва дам олиш режимларини назорат қилиш учун фойдаланиладиган рақамли назорат қурилмаси карточкалари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Буйруқ номи ва 1-банддаги «Автомобилда халқаро ташишда» деган сўзлар «Автотранспорт воситаларида халқаро ташишда ҳамда шаҳарлараро йўловчи ташишда» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Низомда:

а) номидаги «Автомобилда халқаро ташишда» деган сўзлар «Автотранспорт воситаларида халқаро ташишда ҳамда шаҳарлараро йўловчи ташишда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом Европа битими талабларига мувофиқ автотранспорт воситаларида халқаро ташишда ҳамда шаҳарлараро йўловчи ташишда ҳайдовчиларнинг меҳнат ва дам олиш режимини назорат қилишга мўлжалланган рақамли назорат қурилмаларида фойдаланиш учун мўлжалланган карточкаларни бериш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилайди.»;

в) 1-бандда:

иккинчи ва учинчи хатбошилардаги «автомобилда халқаро» деган сўзлар «автотранспорт воситаларида халқаро ташувлар ҳамда шаҳарлараро йўловчи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«устахона карточкаси — рақамли назорат қурилмаларини қиёслаш бўйича фаолият олиб борувчи юридик шахсга бериладиган рақамли назорат қурилмасида фойдаланиладиган карточка (3-илова);»;

г) 2-банддаги «Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги «Транспорт илмий-тадқиқот маркази» масъулияти чекланган жамиятига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

д) 3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Ҳайдовчи, корхона, устахона ва назоратчи карточкаларини беришни ташкил этиш ва электрон базани шакллантирган ҳолда амалдаги карточкалар реестрни юритиш Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги «Транспорт илмий-тадқиқот маркази» масъулияти чекланган жамиятига юкланади.»;

е) 6-банддаги «Е» тоифадаги» деган сўзлар «СЕ», «DE» тоифадаги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ё) 7 ва 8-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин;

ж) 11 ва 12-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«11. Ҳайдовчи карточкасини олиш учун ҳайдовчи паспорт ёки идентификацияловчи ID-картаси билан ваколатли органга ўзи келиб ёки электрон тарзда ваколатли органнинг «TITM» мобил иловаси орқали мазкур Низомнинг 5-иловасига мувофиқ шаклдаги аризани топширади.

12. Аризага киритилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимларидан олинган маълумотлар асосида «Uztrans» ягона интерактив ахборот тизими ёрдамида текширилади.»;

з) 23 ва 43-бандлардаги «чекланмаган» деган сўз «5 йил» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

и) 24 ва 25-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«24. Ташкилот карточкасини олиш учун юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркор ваколатли органга ўзи келиб ёки электрон тарзда ваколатли органнинг «TITM» мобил иловаси орқали мазкур Низомнинг 6-иловасига мувофиқ шаклдаги аризани топширади.

25. Аризага киритилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимларидан олинган маълумотлар асосида «Uztrans» ягона интерактив ахборот тизими ёрдамида текширилади.»;

й) 31 ва 32-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«31. Устахона карточкаси рақамли назорат қурилмасини қиёслаш учун рақамли назорат қурилмасидаги маълумотларни кўчириб олишда фойдаланилади.

32. Устахона карточкаси рақамли назорат қурилмаларини қиёслаш бўйича фаолият юритаётган ҳамда белгиланган тартибда аккредитация гувоҳномасига эга бўлган юридик шахсга берилади.»;

к) 34 ва 35-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«34. Устахонакарточкасини олиш учун юридик шахс ваколатлиоргангаўзи келиб ёки электрон тарзда ваколатли органнинг «TITM» мобил иловаси орқали мазкур Низомнинг 7-иловасига мувофиқ шаклдаги аризани топширади.

35. Аризага киритилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимларидан олинган маълумотлар асосида «Uztrans» ягона интерактив ахборот тизими ёрдамида текширилади.»;

л) 38-банднинг тўртинчи хатбошисидаги «жойлашган ери» деган сўзлар «юридик манзили» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

м) 45-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«45. Назоратчи карточкасини олиш учун назоратчи «TITM» мобил иловаси орқали мазкур Низомнинг 8-иловасига мувофиқ шаклдаги аризани топширади.

Аризага киритилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимларидан олинган маълумотлар асосида «Uztrans» ягона интерактив ахборот тизими ёрдамида текширилади.»;

н) 49-бандда:

қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«назоратчи ўз лавозимидан озод этилганда;»;

учинчи хатбоши тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

о) 1-илова қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Автотранспорт воситаларида халқаро
ташишда ҳамда шаҳарлараро йўловчи
ташишда ҳайдовчиларнинг меҳнат ва дам
олиш режимларини назорат қилиш учун фой-
даланиладиган рақамли назорат қурилмаси
карточкалари тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

## Автотранспорт воситаларида халқаро ташувларни ҳамда шаҳарлараро йўловчи ташувларни амалга оширувчи ҳайдовчи КАРТОЧКАСИ

Олд томони




1. Юқори чап томонда 1968 йил 8 ноябрда Вена шаҳрида имзоланган Йўл ҳаракати тўғрисидаги Конвенцияга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси белгиси туширилади.

2. Карточканинг юқори қисмида йирик ва аниқ ажралиб турадиган ҳарф-лар билан ўзбек ва инглиз тилларида «Ҳайдовчи карточкаси. Ўзбекистон Республикаси» сўзлари ёзилади.

3. Карточкадаги ёзувлар мазмуни:

1-ҳайдовчи фамилияси;

2-ҳайдовчи исми;

3-ҳайдовчининг туғилган санаси;

4а-ҳайдовчи карточкасининг берилган санаси;

4b-ҳайдовчи карточкасининг амал қилиш санаси;

4с-ҳайдовчи карточкасини берган ваколатли органнинг номи;

5а-ҳайдовчилик гувоҳномасининг рақами;

5b-ҳайдовчи карточкасининг тартиб рақами;

6-ҳайдовчининг фотосурати;

7-ҳайдовчининг имзоси;

8-ҳайдовчининг почта манзили.

4. Карточкадаги ёзувлар кўрсатилган жойларда икки тилда: ўзбекча ва инглизчада қуйидаги форматда тўлдирилади: «Ўзбек тилидаги ёзув/ Инглиз тилидаги ёзув». Ҳайдовчининг фамилияси ва исмининг ёзилиши халқаро ҳаракатда ишлатиладиган ҳайдовчилик гувоҳномасига мос келиши шарт.

5. Ҳайдовчи карточкасининг тартиб рақами қуйидаги тузилишга эга:

UZ XXXXXXXXXXX X X бу ерда:

UZ — Ўзбекистон Республикаси;

XXXXXXXXXXX — ҳайдовчи карточкасининг тартиб рақами. Ҳайдовчи карточкаси 11 та рақамдан ташкил топади. Ҳар бир ҳайдовчи учун ҳайдовчи карточкасининг тартиб рақами уни янги берилишидан қатъи назар, ягона ва доимий

бўлади; XX — ҳайдовчи карточкасининг янги бериш индекси.

Орқа томони

| |
|---|
| HAYDOVCHI KARTOCHKASI DRIVER CARD<br>1. Familiya / Surname 2. Ism / First name(s)<br>3. Tug'ilgan sanasi / Date of birth 4a. Berilgan sanasi / Date of issue<br>4b. Amal qilish sanasi / Date of expiry<br>4c. Taqdim etuvchi tashkilot / Issuing authority<br>5a. Haydovchilik guvohnomasining raqami / Driving license number 5b. Kartochka raqami / Card number .<br>6. Fotosurat / Photograph . 7. Imzo / Signature<br>8. Manzil / Address<br>Iltimos, "Transport ilmiy-tadqiqot markazi" mas'uliyati cheklangan jamiyatga qaytaring / Please return to: "Transportation research center" LLC.<br>Manzil: O'zbekiston Respublikasi, Toshkent sh., Zulfiyaxonim k., 3 / Address: 3, Zulfiyahxonim street, Tashkent, Republic of Uzbekistan |

»;

п) 2-илова қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Автотранспорт воситаларида халқаро
ташишда ҳамда шаҳарлараро йўловчи
ташишда ҳайдовчиларнинг меҳнат ва дам
олиш режимларини назорат қилиш учун фой-
даланиладиган рақамли назорат қурилмаси
карточкалари тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

**Автотранспорт воситаларида халқаро ташувларни ҳамда шаҳарлараро йўловчи ташувларни амалга оширувчи ташкилот**
**КАРТОЧКАСИ**

Олд томони




1. Юқори чап томонда 1968 йил 8 ноябрда Вена шаҳрида имзоланган Йўл ҳаракати тўғрисидаги Конвенцияга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси белгиси туширилади.

2. Карточканинг юқори қисмида йирик ва аниқ ажралиб турадиган ҳарфлар билан ўзбек ва инглиз тилларида «Ташкилот карточкаси. Ўзбекистон Республикаси» сўзлари ёзилади.

3. Карточкадаги ёзувлар мазмуни:

1-юридик шахс номи;

2-ташкилот раҳбари (якка тартибдаги тадбиркор)нинг фамилияси;

3-ташкилот раҳбари (якка тартибдаги тадбиркор)нинг исми;

4а-ташкилот карточкаси берилган сана;

4b-ташкилот карточкасининг амал қилиш санаси;

4c-ташкилот карточкасини берган ваколатли органнинг номи;

5b-ташкилот карточкасининг рақами;

7-ташкилот раҳбари (якка тартибдаги тадбиркор)нинг имзоси;

8-ташкилот (якка тартибдаги тадбиркор)нинг почта манзили.

4. Карточкадаги ёзувлар кўрсатилган жойларда икки тилда: ўзбекча ва инглизчада қуйидаги форматда тўлдирилади: «Ўзбек тилидаги ёзув/ Инглиз тилидаги ёзув».

5. Ташкилот карточкасининг тартиб рақами қуйидаги тузилишга эга:

UZ XXXXXXXXXX X X X, бу ерда:

UZ —Ўзбекистон Республикаси;

XXXXXXXXXX — ташкилот карточкасининг тартиб рақами. Ташкилот карточкаси 10 та рақамдан ташкил топади. Ташкилот учун карточканинг тартиб рақами уни янги берилишидан қатъи назар, ягона ва доимий бўлади;

X — ташкилотларга берилган ташкилот карточкалари сони индекси;

X X — ташкилот карточкасини янги бериш индекси.

Орқа томони

| |
|---|
| TASHKILOT KARTOCHKASI<br>COMPANY CARD<br>1. Tashkilot nomi / Company name (2.) Familiya / Surname<br>(3.) Ism / First name(s)<br>4a. Berilgan sanasi / Date of issue<br>4b. Amal qilish sanasi / Date of expiry<br>4c. Taqdim etuvchi tashkilot / Issuing authority 5b. Kartochka raqami / Card number6<br>(7.) Imzo / Signature 8. Manzil / Address<br>Iltimos, “Transport ilmiy-tadqiqot markazi” mas’uliyati cheklangan jamiyatga qaytaring / Please return to: “Transportation research center” LLC.<br>Manzil: O‘zbekiston Respublikasi, Toshkent sh., Zulfiyaxonim k., 3 / Address: 3, Zulfiyahxonim street, Tashkent, Republic of Uzbekistan |

»;

қ) 3-илова қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Автотранспорт воситаларида халқаро
ташишда ҳамда шаҳарлараро йўловчи
ташишда ҳайдовчиларнинг меҳнат ва дам
олиш режимларини назорат қилиш учун фой-
даланиладиган рақамли назорат қурилмаси
карточкалари тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

**Рақамли назорат қурилмаларини қиёслаш бўйича**
**фаолият олиб борувчи устахона**
**КАРТОЧКАСИ**




1. Юқори чап томонда 1968 йил 8 ноябрда Вена шаҳрида имзоланган Йўл тўғрисидаги Конвенцияга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси белгиси туширилади.

2. Карточканинг юқори қисмида йирик ва аниқ ажралиб турадиган ҳарфлар билан ўзбек ва инглиз тилларида «Устахона карточкаси. Ўзбекистон Республикаси» сўзлари ёзилади.

3. Карточкадаги ёзувлар мазмуни:

1-юридик шахснинг номи;

2-юридик шахс масъул ходимининг фамилияси;

3-юридик шахс масъул ходимининг исми;

4a-устахона карточкаси берилган санаси;

4b-устахона карточкасининг амал қилиш санаси;

4c-устахона карточкасини берган ваколатли органнинг номи;

5b-устахона карточкасининг рақами;

7-юридик шахс масъул ходимининг имзоси;

8-юридик шахснинг жойлашган ери (почта манзили).

4. Карточкадаги ёзувлар кўрсатилган жойларда икки тилда: ўзбекча ва инглизчада қуйидаги форматда тўлдирилади: «Ўзбек тилидаги ёзув/ Инглиз тилидаги ёзув»/.

5. Устахона карточкасининг тартиб рақами қуйидаги тузилишга эга:

XXXXXXXXXX

UZ — Ўзбекистон Республикаси;

XXXXXXXXXX — устахона карточкасининг тартиб рақами. Устахона карточкаси 10 та рақамдан ташкил топади. Устахона учун карточканинг тартиб рақами уни янги берилишидан қатъи назар, ягона ва доимий бўлади;

X — Устахона карточкаси индекси;

X X — Устахона карточкасини янги бериш индекси.

Орқа томони

| |
|---|
| USTAXONA KARTOCHKASI WORKSHOP CARD<br>1. Ustaxona nomi / Workshop №ame (2.) Familiya / Surname<br>(3.) Ism / First name(s)<br>4a. Berilgan sanasi / Date of issue<br>4b. Amal qilish sanasi / Date of expiry<br>4c. Taqdim etuvchi tashkilot / Issuing authority 5b. Kartochka raqami / Card number<br>(7.) Imzo / Signature 8. Manzil / Address<br>Iltimos, “Transport ilmiy-tadqiqot markazi” mas’uliyati cheklangan jamiyatga qaytaring / Please return to: “Transportation research center” LLC.<br>Manzil: O‘zbekiston Respublikasi, Toshkent sh., Zulfiyaxonim k., 3 / Address: 3, Zulfiyahxonim street, Tashkent, Republic of Uzbekistan |

»;

р) 4-илова қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Автотранспорт воситаларида халқаро
ташишда ҳамда шаҳарлараро йўловчи
ташишда ҳайдовчиларнинг меҳнат ва дам
олиш режимларини назорат қилиш учун фой-
даланиладиган рақамли назорат қурилмаси
карточкалари тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

## Ҳайдовчиларнинг меҳнат ва дам олиш режимини назорат қилувчи назоратчи КАРТОЧКАСИ

Олд томони




1. Юқори чап томонда 1968 йил 8 ноябрда Вена шаҳрида имзоланган Йўл тўғрисидаги Конвенцияга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси белгиси туширилади.

2. Карточканинг юқори қисмида йирик ва аниқ ажралиб турадиган ҳарф-лар билан ўзбек ва инглиз тилларида «Назоратчи карточкаси. Ўзбекистон Республикаси» сўзлари ёзилади.

3. Карточкадаги ёзувлар мазмуни:

1-назорат қилувчи орган номи;

2-назоратчининг фамилияси;

3-назоратчининг исми;

4а-назоратчи карточкаси берилган сана;

4b-назоратчи карточкасининг амал қилиш санаси;

4с-назоратчи карточкасини берган ваколатли орган номи;

5b-назоратчи карточкасининг рақами;

6-назоратчининг фотосурати

7-назоратчининг имзоси;

8-назорат қилувчи органнинг жойлашган ери (почта манзили).

4. Карточкадаги ёзувлар кўрсатилган жойларда икки тилда: ўзбекча ва инглизчада қуйидаги форматда тўлдирилади: «Ўзбек тилидаги ёзув/ Инглиз тилидаги ёзув».

5. Назоратчи карточкасининг тартиб рақами қуйидаги тузилишга эга:

UZ XXXXXXXXXX X X X бу ерда:

UZ — Ўзбекистон Республикаси;

XXXXXXXXXX — назоратчи карточкасининг тартиб рақами. Назоратчи карточкаси 10 та рақамдан ташкил топади. Назоратчи орган учун карточканинг тартиб рақами уни янги берилишидан қатъи назар, ягона ва доимий бўлади;

X — назоратчи карточкасининг индекси.

X X — карточкани янги бериш индекси.

Орқа томони

| |
|---|
| NAZORATCHI KARTOЧKASI CONTROL CARD<br>1. Nazorat qiluvchi tashkilot / Control Body (2.) Familiya / Surname<br>(3.) Ism / First name(s)<br>4a. Berilgan sanasi / Date of issue<br>4b. Amal qilish sanasi / Date of expiry<br>4c. Taqdim etuvchi tashkilot / Issuing authority 5b. Kartochka raqami / Card number.<br>(6.) Fotosurat / Photograph. (7.) Imzo / Signature<br>8. Manzil / Address<br>Iltimos, “Transport ilmiy-tadqiqot markazi” mas’uliyati cheklangan jamiyatga qaytaring / Please return to: “Transportation research center” LLC.<br>Manzil: O’zbekiston Respublikasi, Toshkent sh., Zulfiyaxonim k., 3 / Address: 3, Zulfiyahxonim street, Tashkent, Republic of Uzbekistan |

»;

с) қуйидаги мазмундаги 5 — 8-иловалар билан тўлдирилсин:

«Автотранспорт воситаларида халқаро ташишда ҳамда шаҳарлараро йўловчи ташишда ҳайдовчиларнинг меҳнат ва дам олиш режимларини назорат қилиш учун фойдаланиладиган рақамли назорат қурилмаси карточкалари тўғрисидаги низомга
5-ИЛОВА

**Ҳайдовчи карточкасини олиш учун**
**АРИЗА**

<table>
<tr><td rowspan="4">3*4 фотосурат</td><td>Ф.И.О.*</td><td></td></tr>
<tr><td>ЖШШИР</td><td></td></tr>
<tr><td>туғилган жойи ва санаси *</td><td></td></tr>
<tr><td>доимий яшаш манзили *</td><td></td></tr>
<tr><td colspan="2">Паспорт ёки идентификацияловчи ID-карта серияси ва рақами *</td><td></td></tr>
<tr><td colspan="2">телефон рақами</td><td></td></tr>
<tr><td colspan="2">Электрон почта манзили<br>(агар мавжуд бўлса)</td><td></td></tr>
<tr><td colspan="2">Ҳайдовчилик гувоҳномаси серияси ва рақами*</td><td></td></tr>
<tr><td colspan="2">Ҳайдовчилик гувоҳномаси категорияси*</td><td></td></tr>
<tr><td colspan="3">______________ ____________________________<br>имзо аризачи Ф.И.О.</td></tr>
</table>

* *Ушбу маълумотлар вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимларидан олинган маълумотлар асосида «Uztrans» ягона интерактив ахборот тизимида автоматик равишда тўлдирилади.*

Автотранспорт воситаларида халқаро ташишда ҳамда шаҳарлараро йўловчи ташишда ҳайдовчиларнинг меҳнат ва дам олиш режимларини назорат қилиш учун фойдаланиладиган рақамли назорат қурилмаси карточкалари тўғрисидаги низомга
6-ИЛОВА

**Ташкилот карточкасини олиш учун**
**АРИЗА**

| | |
|---|---|
| Юридик шахс номи * | |
| СТИР | |
| Юридик шахс раҳбари Ф.И.О. * | |
| Юридик шахс раҳбари ЖШШИРи * | |
| Телефон рақами | |
| Юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси тартиб рақами* | |
| Юридик манзили* | |
| Юридик шахс филиаллари жойлашган манзили (агар мавжуд бўлса) | |
| | ___________ имзо    ___________________________ юридик шахс раҳбари |

** Ушбу маълумотлар вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимларидан олинган маълумотлар асосида «Uztrans» ягона интерактив ахборот тизимида автоматик равишда тўлдирилади.*

Автотранспорт воситаларида халқаро ташишда ҳамда шаҳарлараро йўловчи ташишда ҳайдовчиларнинг меҳнат ва дам олиш режимларини назорат қилиш учун фойдаланиладиган рақамли назорат қурилмаси карточкалари тўғрисидаги низомга
7-ИЛОВА

## Устахона карточкасини олиш учун
## АРИЗА

| **Юридик шахс маълумотлари** | |
|---|---|
| Юридик шахс номи * | |
| СТИР | |
| Юридик шахс раҳбари Ф.И.О. * | |
| Юридик шахс раҳбари ЖШШИРи * | |
| Юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси тартиб рақами * | |
| Юридик шахснинг қиёслаш фаолиятини аккредитациядан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома рақами | |
| Телефон рақами | |
| Юридик манзили * | |
| Юридик шахс филиаллари жойлашган манзили (агар мавжуд бўлса) | |
| **Юридик шахснинг қиёслаш фаолиятини амалга оширувчи масъул ходими ҳақида маълумотлари** | |
| Ф.И.О. * | |
| ЖШШИР | |
| Паспорт ёки идентификацияловчи ID-карта серияси ва рақами * | |
| доимий яшаш манзили * | |
| ______________<br>имзо | ____________________________________<br>қиёслаш фаолиятини амалга оширувчи масъул шахс Ф.И.О. |

** Ушбу маълумотлар вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимларидан олинган маълумотлар асосида «Uztrans» ягона интерактив ахборот тизимида автоматик равишда тўлдирилади.*

Автотранспорт воситаларида халқаро
ташишда ҳамда шаҳарлараро йўловчи
ташишда ҳайдовчиларнинг меҳнат ва дам
олиш режимларини назорат қилиш учун фой-
даланиладиган рақамли назорат қурилмаси
карточкалари тўғрисидаги низомга
8-ИЛОВА

**Назоратчи карточкасини олиш учун**
**АРИЗА**

| | | |
|---|---|---|
| 3*4 фотосурат | Ф.И.О.* | |
| | ЖШШИР | |
| | туғилган жойи ва санаси * | |
| | доимий яшаш манзили * | |
| | лавозими | |
| паспорт ёки идентификацияловчи ID-карта серияси ва рақами * | | |
| телефон рақами | | |
| Электрон почта манзили (агар мавжуд бўлса) | | |
| ______________ имзо | ______________________________ аризачи Ф.И.О. | |

** Ушбу маълумотлар вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимлари-дан олинган маълумотлар асосида «Uztrans» ягона интерактив ахборот тизимида автоматик равишда тўлдирилади.».*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР МИЛЛИЙ АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ БУЙРУҒИ

## 131 Қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларнинг ҳисоб регистри тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 16 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1919-9*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 2 сентябрдаги ПҚ–291-сон «Капитал бозорини ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2009 йил 4 мартдаги 2009-18-сон буйруғи (рўйхат рақами 1919, 2009 йил 9 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 10-11-сон, 126-модда) билан тасдиқланган Қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларнинг ҳисоб регистри тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Директор** **Д. ЛИ**

Тошкент ш.,
2024 йил 4 апрель,
38-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 17 апрелда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги
директорининг 2024 йил 4 апрелдаги
38-сон буйруғига
ИЛОВА

## Қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларининг ҳисоб регистри тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу Низом уюшмаган биржадан ташқари қимматли қоғозлар бозорида амалга оширилган қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларнинг ҳисоб регистрини юритиш ҳамда уларнинг қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчилари томонидан рўйхатга олиниши тартибини белгилайди.

Мазкур Низомнинг талаблари акциялар, корпоратив ва инфратузилма облигациялар, шунингдек қимматли қоғозларнинг ҳосилалари билан биржадан ташқари битимларга татбиқ этилади.».

2. 1-бандда:

ўн биринчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги таҳрирдаги ўн учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«қимматли қоғозлар савдосининг ташкилотчилари — фонд биржаси ва фонд бўлимини ташкил этган валюта биржаси;»;

ўн учинчи хатбоши ўн тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

3. 2-бандда:

биринчи хатбошидаги «Қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимлар ёзма» деган сўзлардан кейин «ёки электрон» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

иккинчи ва учинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«қимматли қоғозлар тегишли шартномаларни тузиш йўли билан биринчи эгаларига бегоналаштирилганда, бундан қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчисининг майдончаларида тузилган битимлар мустасно;

акциядорларнинг талабига кўра акциядорлик жамияти томонидан ўз акциялари сотиб олинганда, бундан қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчисининг майдончаларида тузилган битимлар мустасно;».

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҚАРОРИ

## 132 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 31 майдаги 188-сон қарори билан тасдиқланган ядро полигонларида ва бошқа радиация-ядро объектларида хизматни ўтаган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари рўйхатига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 16 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3511*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 7 августдаги 234-сон «Вазирлар Маҳкамасининг «Ядро полигонларида ва бошқа радиация-ядро объектларида ҳарбий хизматни ўтаган пенсия ёшидаги шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2002 йил 31 майдаги 188-сон қарорига қўшимча ва ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 31 майдаги 188-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 й., 10-сон, 83-модда) билан тасдиқланган Ядро полигонларида ва бошқа радиация-ядро объектларида хизматни ўтаган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари рўйхатига иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Мудофаа вазири** **Б. КУРБАНОВ**

Тошкент ш.,
2024 йил 29 март,
9-сон

Ички ишлар вазири **П. БОБОЖОНОВ**

Тошкент ш.,
2024 йил 19 март,
1-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 17 апрелда эълон қилинган.

**Иқтисодиёт ва молия вазири Д. КУЧКАРОВ**

Тошкент ш.,
2024 йил 20 март,
116-сон

Ўзбекистон Республикаси
Мудофаа вазирлигининг 2024 йил
29 мартдаги 9-сон, Ички ишлар вазирлигининг
2024 йил 19 мартдаги 1-сон, Иқтисодиёт ва
молия вазирлигининг 2024 йил 20 мартдаги
116-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 31 майдаги 188-сон қарори билан тасдиқланган Ядро полигонларида ва бошқа радиация-ядро объектларида хизматни ўтаган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари рўйхатига киритилаётган қўшимча ва ўзгартиришлар**

1. «Қорақалпоғистон Республикаси» бўлими қуйидаги мазмундаги 9-позиция билан тўлдирилсин:

| | | |
|---|---|---|
| « 9. | Науризбаев Джумагали Муратбаевич | 1962 й. ». |

2. «Бухоро вилояти» бўлими қуйидаги мазмундаги 6- ва 7- позициялар билан тўлдирилсин:

| | | |
|---|---|---|
| « 6. | Самандаров Нормурод Тўхтаевич | 1959 й. |
| 7. | Мамиров Тўрахон Жўраевич | 1956 й. ». |

3. «Жиззах вилояти» бўлимида:

а) 4-позиция қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

| | | |
|---|---|---|
| « 4. | Тоштемиров Олим | 1957 й. ». |

б) қуйидаги мазмундаги 10-позиция билан тўлдирилсин:

| | | |
|---|---|---|
| « 10. | Ахмедов Сапарбек Асилович | 1960 й. ». |

4. «Самарқанд вилояти» бўлими қуйидаги мазмундаги 63-позиция билан тўлдирилсин

| | | |
|---|---|---|
| « 63. | Очилов Асомиддин Бердиевич | 1957 й. ». |

5. Изоҳдаги «247» рақами «252» рақами билан алмаштирилсин.

## Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида МАЪЛУМОТИ

### *I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:*

1. Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирининг 2024 йил 13 мартдаги 2-сон «Автомобилда халқаро ташишда ҳайдовчиларнинг меҳнат ва дам олиш режимларини назорат қилиш учун фойдаланиладиган рақамли назорат қурилмаси карточкалари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

***2024 йил 15 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2345-1.***

2. Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги директорининг 2024 йил 4 апрелдаги 38-сон «Қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларнинг ҳисоб регистри тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида«ги буйруғи.

***2024 йил 16 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1919-9.***

3. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг 2024 йил 29 мартдаги 9-сон, Ички ишлар вазирлигининг 2024 йил 19 мартдаги 1-сон, Иқтисодиёт ва Молия вазирлигининг 2024 йил 20 мартдаги 116-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 31 майдаги 188-сон қарори билан тасдиқланган Ядро полигонларида ва бошқа радиация-ядро объектларида хизматни ўтаган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари рўйхатига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

***2024 йил 16 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3511.***